

Б.Ю.Ходиев

ОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН
ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ЯРАТИШ:
янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни



16.14
Ж-69

ЎЗБЕК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ


Б.Ю. Ходиев

ОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН
ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ЯРАТИШ:

янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмунуи

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлантирувчи Кенгаши томонидан тавсия этилган

Тошкент – 2005



Ходиев Баҳодир Юнусович. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлар яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. — Т.: ТДИУ, 2005. — 168 б.

Мазкур китоб иқтисодий ўқув адабиётлар янги авлодини яратишнинг илмий жиҳатлари ва тузилиши, таркибий қисмлари мажмуйи кўриб чиқилган ва унда ўқув адабиёти яратишнинг услубий асослари, қўйиладиган талаблари, таркибий қисмлари ва элементлари, матни ва тасвирий элементларини тузиш, қўллэзма электрон нусхасини тайёрлаш, компьютер дастурлари ва нашриёт тизимларидан фойдаланиш масалалари кетма — кет баён этилган.

Китоб олий таълим учун иқтисодий ўқув адабиётларини яратадиган профессор — ўқитувчилар, нашриёт ходимлари ва илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

ЎзР ФА академиги Гуломов С.С.

Тақризчилар:

иқтисод фанлари
доктори, профессор

АБДУРАХМОНОВ Қ.Х.

иқтисод фанлари
доктори, профессор

ШОДИЕВ Т.Ш.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1 – боб. ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ЯРАТИШ АСОСЛАРИ	6
1.1. Ўқув <i>адабиётларини тубдан янгилаш зарурати</i>	6
1.2. Ўқув <i>адабиёти мазмунининг асоси</i>	11
1.3. Ўқув <i>адабиётларига янгича талаблар</i>	20
2 – боб. ЎҚУВ АДАБИЁТИ ТАРКИБИ	25
2.1. Ўқув <i>адабиёти турлари</i>	25
2.2. Умумий тузилиши	29
2.3. Таркибий элементлар баёни	37
2.4. Саволлар, машқ ва топшириқлар	46
2.5. Адабиётлар рўйхати	49
2.6. Библиографик ҳаволалар	58
3 – боб. МАТН МАЗМУНИ	60
3.1. Матн ва унинг тавсифлари	60
3.2. Тил, услугуб ва атамашунослик	68
3.3. Хат боши	73
4 – боб. МАТННИНГ ТАСВИРИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ	83
4.1. Графиклар	84
4.2. Жадваллар	99
4.3. Схемалар	104
4.4. Пиктограммалар ва матнга киритмалар	109
5 – боб. ҚҮЛЁЗМАНИНГ ЭЛЕКТРОН НУСХАСИ	114
5.1. Қүлёзмани Microsoft Wordga тайёрлаш	114
5.2. Нашриёт дастурлари ва тизимлари	123
5.3. Электрон дарслик ҳақида	129
ХУЛОСА	135
АДАБИЁТЛАР	137
1 – илова. БАКАЛАВРИАТ ЙЎНЛИШИНИНГ ДТС УМУМИЙ ТАРКИБИ	140
2 – илова. ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВАРИАНТЛАРИ	141
3 – илова. MS WORD ёрдамида тузилган жадвал варианты	151
4 – илова. СХЕМА АНДОЗАЛАРИ	155
5 – илова. МАТНГА ҚУШИЛАДИГАН КИРИТМАЛАР НАМУНАЛАРИ	161

КИРИШ

Олий ўқув юртларида ўқув – тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва ўқув – услугбий мажмуалар билан таъминлаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1997 йилнинг 29 августида Олий Мажлис IX сессиясида таълим дарслидан бошланишини қайд этди ва таъкидлади: “Биз дарслик яратишга энг илгор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак”¹.

Ушбу вазифани бажаришга Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда сўнгти йилларда катта куч сарфланди ва сезиларли ижобий натижаларга эришилди. Давлат таълим стандартларининг (ДТС) тасдиqlаниши ва жорий қилинини билан таълимнинг барча турларида сифат жиҳатидан янги, янада юқори даражали ўқув адабиётларини яратиш асослари вужудга кела бошлади. Олий таълим тизимида қисқа вақт ичida барча ўқув фанлари бўйича маъruzalар матнлари, кўплаб предметлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув – услугбий модуллар яратилди. Ўқув жараёни янги яратилаётган электрон ўқув адабиётлари билан таъминлана бошланди. Ўқув адабиётлари яратиш жараёнини ташкил қилиш, муаллифлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш механизmlари йўлга қўйилди.

Шу билан бир пайтда давлат таълим стандартлари ва таълимнинг мақсадларидан келиб чиқадиган ўқув адабиётларининг янги авлодини тайёрлаш тамоилилари ва механизmlари, илмий, услугбий, дидактик, психологик, педагогик ва бошقا асослари қонун хужжатлари доирасида етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва жорий этилмаган. Кўриниб турибдики, бундай вазият маълум маънода яратилаётган замонавий ўқув адабиётлари сифати ва самарадорлигида акс этади.

Мазкур китобнинг мақсади олий ўқув юртлари учун иқтисодий ўқув адабиётларининг янги авлодига хос мазмун

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т: Шарқ, 1998, 8 – б.

жиҳатлари ва таркибий қисмларни мажмуий кўриб чиқишидир. Бу китобнинг мавзусини ойдинлаштириб берадиган жиҳатлар (ўқув адабиётларининг янги авлодига қўйиладиган талаблар, унинг мазмуни ва таркибий тузилиши) китобнинг номида акс эттирилган.

Китоб олий таълим учун иқтисодий ўқув адабиётларини ёзмоқчи бўлган муаллифларга мўлжалланган. Нафақат «ёзишни бошлайдиганлар», балки, эҳтимол, «тажрибага эга муаллифлар» ҳам ушбу китобда замонавий талабларга мувофиқ ўқув материалини тузиш учун зарур маълумотларни топадилар. Шунингдек, китоб предмет ҳақидаги ўз билимини баён этиш учун, ўзини билдириш усули сифатида ёзувчиликка киришадиганларга эмас, балки муайян китобхон—талабани, унинг билим ва қасбий кўникмаларни ўзлаштириш ва эгалашга бўлган талаб—эҳтиёжларини ҳисобган олган ҳолда ёзишига ҳаракат қиласидиган муаллифларга мўлжалланган.

Алоҳида боб иқтисодий ўқув матнларида қўлланиладиган тасвирий элементларга бағишлиланган. Охирги бобда муаллиф қўлъемани тайёрлаш жараёнида компютердан фойдаланишида унга зарур бўлган маълумотлар киритилган. Иловаларда баён этилаётган матнни расмлар билан бойитишида муаллифга муайян ёрдам кўрсатиш мақсадида кўп вариантли бажарилган кўргазмали тасвирий материал келтирилган.

Китоб Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, замонавий хорижий ўқув адабиётлар жалб қилиниб, уларнинг муайян мазмуни ўз мамлакатимизда иқтисодий ўқув адабиёти даражаси билан қиёсий таҳлил этилиб ёзилган.

Ушбу китобнинг муаллифи бундай муҳим, кўп қиррали муаммонинг барча жиҳатларини қамраб олишни мақсад қилиб қўймаган. Буни битта китоб доирасида амалга ошириш албаттга мумкин эмас. Бунинг учун турли йўналишдаги мутахассисларни жалб этиш талаб этилади. Айнан қизиқтириб, ушбу муаммо вазифаларини илмий—асосли ечишга турли устамонларни жалб этиш муаллифнинг ҳамроҳ мақсади бўлган. Ушбу китоб, ундаги ёритилган саволлар, тавсиялар, уларнинг фойдалилиги ҳақида хуласа чиқариш — китобхон дикқатида.

Муаллиф ушбу китобни тайёрлашда ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямаган тақризчилар Қ.Х. Абдурахмонов ва Т.Ш. Шодиевларга ҳамда Ш.Т. Дадабоевга миннатдорчилигини билдиради.

1 – боб. ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ЯРАТИШ АСОСЛАРИ

1.1. Ўқув адабиётларини тубдан янгилаш зарурати

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг натижалари янги шаклланаётган узлуксиз таълим тизимининг юқори самарадорлиги ва яшовчанилигидан дарак беради. Истиқболли вазифаларни белгилаш ва ҳал қилишга қодир, умумий ва касб маданияти юқори, ижодий, ижтимоий ва шахсий фаолликка эга, ижтимоий – сиёсий ҳаётда мустақил йўл топа олиш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш тизимини шакллантириш бўйича бир қатор вазифалар ўз ечимини топган.

Олий иқтисодий таълим соҳасида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришилди. Бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёни етарли даражада юқори малакали талаблар қўйилган давлат таълим стандартлари асосида олиб борилмоқда. Хусусан, замонавий битирувчи – бакалавр иш жойида оддий "иш бажарувчи" бўлиб қолмай, танланган фаолият соҳасида самарали меҳнат қилиши, ўрганиши, биринчи навбатда фикрлаш фаоллигини намоён этиши, бунинг асосида эса интеллектуал маҳоратларга эга бўлиши, диалектик фикрлаш кўнникмаларини сингдириши лозим. Давлат таълим стандарти талабларига асосан у қўйидағи талабларга жавоб бериши лозим;

- дунёқараш характеридаги тизимили билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар асосини, амалдаги давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммо ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш қобилиятининг мавжудлиги;

- Ватан тарихини билиш; миллий, маънавий ва умуминсоний қадриятлар масалалари бўйича ўз нуқтаи назарини ифодалаш ва уни илмий асослаб бериш қобилияти, миллий мустақиллик фояси асосида ҳаётда фаол ўринга эга бўлиш;

- табиат ва жамиятда рўй берадиган ҳодиса ва жараёнлар тўрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, табиат ва жамиятнинг

ривожланиши тўғрисида билимларга эга бўлиш ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва касб фаолиятида фойдалана олиш;

- инсоннинг инсонга, жамиятга, атроф—муҳитта бўлган муносабатларини тартибга соловучи ҳуқуқий ва этика мөъёrlарини билиш, уларни касб фаолиятида ҳисобга олиш;

- ахборотларни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини билиш; ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиш қобилияти;

- мос келувчи бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликнинг мавжудлиги;

- мустақил равишда янги билимларга эга бўлиш, янада такомиллашиш ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил этиш қобилияти;

- соғлом турмуш тарзини кечириш зарурати тўғрисида илмий тасаввур ва қатъий ишончнинг мавжудлиги, ўзини — ўзи такомиллаштириш қўникма ва қобилияtlарига эгалик қилиш;

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга тайёр бўлиш;

- танланган ихтисослик бўйича бакалавриатининг мос келувчи йўналиши доирасида магистратурада олий таълимни давом эттиришга тайёр бўлиш;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олишга тайёр бўлиш¹.

Ушбу талабларнинг бажарилиши тайёрланадётган бакалаврларнинг сифатини ошириш, талабаларнинг таълим технологиялари, ахборот технологиялари ва ўқитишининг замонавий техник воситалари асосида мустақил ишлашини кучайтиришни назарда тутади. Пировардида бу олинган билимларни амалиётга татбиқ қила олиш қўникмасини сингдириш, битирувчиларнинг касб фаолиятига муваффақиятли мослашиб кетишига хизмат қиласи.

ДТС талабларининг бажарилиши ўз навбатида таълим жараёни таркибий тузилишига, унинг мазмуни, олинган натижаларни баҳолаш ва назорат қилиш тизимига сифат жиҳатидан ўзгартиришлар киритиш мақсадида таълим жараёни йўналишини қайta ўзгартириш заруратини асослаб беради. Бундай ўзгаришлар қаторида таълим жараёнининг ахборот—услубий таъминотини янгилаш, хусусан, ўқув адабиётларининг

¹ Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий низомлар / Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 авгуастадаги 343-сон қарори билан тақдиқланган // Узбекистон Республикаси Қарорлар тўплами, 2001, № 15, 16, 104 – банди.

(дарсликлар, ўқув құлланмалари ва ҳоказо) янги авлодини яратиш мұхым ажамият касб этади.

Үтган давр мобайнида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалға ошириш бўйича республикамиз олий таълим муассасаларида янги ўқув адабиётларини яратиш бўйича бир қатор сезиларли ишлар амалға оширилди. ДТС талабларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фанлар бўйича бир қатор дарслик ва ўқув құлланмалар яратилди ва нашр қилинди. Қисқа муддат ичида олий ўқув юргуларида барча иқтисодий фанлар бўйича ўқитувчиларнинг маърузалар матнлари яратилғанлиги ва нашр қилинганини мұхим натижә сифатида қайд этиш жоиз. Бу ўқув адабиётлари ўқув жараёнида юзага келган ахборот бўшлигини маълум маънода тўлдириш имконини берди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўқув адабиётларининг тез суръатларда яратилишига иккита асосий объектив сабаб мавжуд. Биринчидан, мамлакатимиз иқтисодиётининг Республика Президенти И.А.Каримов таклифига биноан бозор иқтисодиётiga йўналтирилиши муносабати билан иқтисодий фанларнинг мақсади, вазифалари, предмети ва услубиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди. Бу эса мавжуд ўқув адабиётлари фондининг маънавий жиҳатдан эскиришига олиб келди. Иккинчидан, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши билан иқтисодиёт ва унинг таркибий бўлимларини бошқаришнинг шакли, усули ва воситалари ҳам ўзгарди.

Бироқ кўрилган чораларгә қарамай, республикамиз олий таълим муассасаларида иқтисодий фанлар бўйича яхши китобларнинг етишмаслиги кўзга ташланиб турибди. Нашр қилинган бир қатор дарслик ва ўқув құлланмалари олий ўқув юргуларида фойдаланиш учун жуда оддийлик қиласди. Уларда ягона атамашунослик йўқ. Битта тушунчанинг ўзини бир неча муаллиф турлича талқин қиласган. Хусусан, бу хорижий дарсликлардан олинган ва ўзбек тилига таржима қилинган иқтисодий атамаларга тааллуқлидир. Масалан, иқтисодий адабиётларда "эластичность" атамасининг бир неча хил таржимасини учратиш мүмкин: эластиклик; эгилувчанлик; қайшишқоқлик ва бошқалар.

Иқтисодий назария, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, маркетинг, менежмент ва бошқа бир қатор фанлар бўйича дарсликлар таржимаси яхши йўлга қўйилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ўқув жараёнида жаҳонда тан олинган ўқув адабиётларидан кенг фойдаланишга тўсқинлик қиласди. Масалан, иқтисодий назарияда Н.Г. Мэнкьюнинг «Принципы экономикс. – СПб: Питер Ком, 1999» дарслиги энг тан олинган дарслик ҳисобланади. Бу китоб "XXI аср дарслиги" сифатида

реклама қилинади. Бироқ мазкур дарслик ўзбек тилига таржима қилинмаган бўлиб, шу сабабли иқтисодиёт фанининг Менкью томонидан шакллантирилган тамойиллари ҳамда мазкур дарслидаги бошқа бир қатор асосий қоидалар ўқув адабиётларида ўз аксини тўла топмаган.

Албатта, хорижий дарсликларни ўзбек тилида қайта нашр этиришда муаллифлар таълим тизими ва унинг услубиятларини ташкил этишда мамлакатлар ўртасидаги сезиларли фарқларни ҳисобга олишлари зарур.

Ўзбекистонда кўп босқичли узлуксиз таълим тизими бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

У асосий эътибор таълимнинг прагматик элементларига ва маълум вазиятларда юзага келиши мумкин бўлган муайян хатти – ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқишига қаратилувчи гарб таълим тизимидан фарқли равишда назарий ва гуманитар тайёргарликни чуқурлаштиришни назарда тутади.

Гарб мамлакатлари таълим тизимида олинганд билимларни назорат қилиш асосан таълимнинг якуний босқичларида кўзда тутилган бўлса, бизда таълимнинг асосий вазифаси билим бериш ва ундан фойдаланишга ўргатишдан ташқари, уларни ўзлаштиришнинг самарадорлигини текшириш ҳам ҳисобланади. Талаба ўқув фаолиятининг барча турлари рейтинг назорати ёрдамида назорат қилиниб, у қуидагилардан иборат:

- олий таълим муассасаси томонидан амалга ошириладиган ички назорат;

- якуний давлат назорати, фанлар бўйича давлат аттестацияси ва давлат таълим стандартига мос равишда битирув малака иши (магистрлик диссертацияси)дан иборат;

- давлат – жамоатчилик назорати, олий таълимни бошқаришга ваколатли давлат органи, жамоатчилик ташкилотлари ва кадр буюртмачилари томонидан амалга оширилади;

- ташқи назорат, давлат тест маркази томонидан кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш амалга оширилади.

Шу сабабли хорижий дарсликларни ўзбек тилида қайта нашр қилдиришда Ўзбекистон таълим тизимининг юқорида айтиб ўтилган ва бошқа бир қатор хусусиятлари муаллифлар томонидан ҳисобга олиниши зарур. Хорижий дарсликлар чет элдаги илмий концепция ва таълим стандарлари асосида, шунингдек, уларнинг муаллифлари нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда ёзилганлиги сабабли муаллифлар таржима қилинган ўқув материалининг республикамиз олий таълим

тизимидағи ўрнини аниқ белгилашлари лозим. Бундан ташқари, таълим мамлакатимиздаги ақвоздан узилган тарзда амалга оширилиши мүмкін эмас. Шунинг учун таржимон – муаллиф чет эл учун хос бўлган вазиятларни Ўзбекистондаги вазиятларга алмаштириши ва мамлакатимизнинг ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда, изоҳ бериши талаб қилинади. Ва ниҳоят, умумий қабул қилинган атама ва шартли белгиларга риоя қилиниши лозим.

Шуни айтиш керакки, хорижий дарслернинг ўзига хосликлари маҷаллий муаллифлар томонидан нашр қилинган, бироқ хорижий муаллифларнинг асарларига асосланувчи бир қатор дарслернинг ҳам кўзга ташланиб қолади. Уларда назария доим ҳам амалиётдан олинган далиллар, мисоллар, амалиётдаги муаммолар ва республикамида вужудга келган хўжалик юритиш механизми билан тўлдириб борилавермайди.

Иқтисодий таълим йўналишидаги талабаларнинг ўқув адабиётлари билан ўз вақтида тўлиқ таъминланмаслигини ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли қонун ҳуҗжатларининг тез – тез ўзгариб туриши билан асослаш мүмкін бўлиб, бу янги дарслернинг тайёрлаш ва ўз вақтида чиқаришга маълум даражада таъсир қилмоқда.

Нашр этилган ва ҳозирда нашр қилинаётган дарслернинг ўқув кўлланмаларининг аксари қисми ўқув фанини ташкил этишининг анъянавий схемаси бўйича тузилган: аввал фан бўйича мос келувчи назария келтирилади. Бўлим, боб, мавзу, параграф ва ҳоказоларга бўлинган матн келтирилади. Матнда чизма ва суратлардан фойдаланилади. Баъзи бўлимларда назарий материални изоҳлаш мобайнида уни амалда қўллашга мисоллар ҳам кўриб чиқиласди. Матн охирида назорат учун саволлар, баъзи ҳолларда машқ, вазифа ва топшириқлар берилади. Бу ҳолда назарий материал таркиби таълим олаётганларда илмий билимлар тизимининг дидактик мақсадини яратишга ўйналтирилади.

Дарслернинг бу тарзда тузилишида билимларни қисман ўзлаштириш хавфи юзага келиб, уларни кўникмаларга айлантириш қийинлашади, чунки кўриб чиқилаётган таркибий тузилма талабанинг фақат назарий қисм билан чекланиб қолишига имкон беради.

Бундай дарслернинг жараёнида суст рол ўйнайди. Талабада асосан эслаб қолиш қобилияти ривожлантирилади, холос. Бундай ўқув – услубий материалларнинг имкониятлари талабанинг ижод қилиш, тушуниш, танқидий фикрлаш, олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмалари, мустақил ишлапшини ривожлантиришда чеклаб қўйилади.

АТСнинг олий ўқув юртлари битирувчиларига талаблари ва таълим мазмунининг янгича кўринишини амалга ошириши ҳозирги пайтда мавжуд бўлган ўқув – услугбий материалларнинг ушбу мақсадларга тўлиқ мос келмаслигини акс эттиради ва янги ўқув адабиётларини яратиш заруратини асослаб беради.

1.2. Ўқув адабиёти мазмунининг асоси

Ҳозирги кунда олий таълимнинг келгуси ривожланиши мамлакатимизнинг ижтимоий – маданий ва иқтисодий ривожланишида муҳим ўринга эга. Бу вазифанинг бажарилишини фанларни шундайлигича оддий ўзлаштириш билан чекланмай, билим, кўнгумка ва маҳоратларни янада сифатли ўзлаштиришга кўмаклашиш мақсадида янгича педагогик ва дидактик ёндашувлар, ўқитиш усул ва моделларини жалб қилмасдан тасаввур қилиш мумкин эмас. Таълимнинг янгича усул ва моделларини амалга ошириш, ўз навбатида, янгича ўқув ва услугбий адабиётлар яратишни талаб қиласди.

Ўқув жараёнини услугбий ташкил этишни ислоҳ қилиш Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосида жаҳон педагогикасининг энг яхши намуналарига мос келувчи модел ётиши лозим.

Ўқув жараёнини курсда такror ўқитиш, талабаларнинг ривожланиш даражасига қараб бир хил академик гуруҳлар тузиш, иқтидорли талабаларни алоҳида график асосида ўқитиш каби таълим муассасаси учун оғир бўлган усуллар ёрдамида такомиллаштиришга бўлган айрим хатти – ҳаракатлар кўпчиликка маълум. Бу усулларни қўмаш айни пайтда кенг тарқалган ўқув – услугбий материалларга асосланган бўлиб, ўқув – услугбий таъминот тизимини таҳмил қилиш ва ўқув жараёнини тубдан ўзгартириш кўзда тутилмаган.

Жаҳон тажрибасида ушбу муаммони ҳал қилишнинг бир нечта ёндашувлари ишлаб чиқилган. Охирги йилларда ривожланган Farb мамлакатларида (АҚШ, Англия, Германия ва бошқалар) таълим ва ўқув жараёнини услугбий ташкил этиш муаммоларини ҳал қилишда сезиларни муваффақиятларга эришилди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу фаолиятдаги такомиллашув ўқув жараёнининг айрим элементларига қараганда кўпроқ бутун ўқув жараёнига тўлалигича, тизимли равища янгича концептуал ғоялар асосида таъсир кўрсатади. Бир қатор ўқитили моделилари пайдо бўлди.

Масалан, АҚШда ишлаб чиқилган ва халқаро миқёсда кенг тарқалган тўлиқ ўзлаштириш модели маълум. У турли хил

интеллектуал даражага эга талабаларни бир вақтда ўқитишида ижобий натижалар беради. Ўқитишига янгича ёндашув фақат ўқувчига йўналтирилган фаол ўқитиш, тажриба асосида ўқитиш моделигина эмас. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, улар ўқув жараёни самарадорлигини ҳар бир таълим олаётган шахснинг тўплаган билим ва тажрибалари, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, таълим жараёнида уни марказий ўринга қўйган ҳолда турли хил усул ва воситаларни қўллаш асосида ўқитишини фаоллаштириш йўли билан оширишига йўналтирилган.

Шу жиҳатдан Дэвид Колб томонидан ишлаб чиқилган ва АҚШда талабаларни ўқитишида кенг қўллананаётган тажриба асосида ўқитиш модели эътиборга лойиқдир. Мазкур модел ўқитиш фаолиятининг даврийлик ғоясига асосланиб, 4 босқичдан иборат (1.1 – чизма).

1.1 – ЧИЗМА

Даврий таълим босқичлари



Биринчи босқичда таълим олувчилар амалиётда муайян тажрибаларга эга бўлади ва рўй бераётган ҳодисаларда фаол иштирок этади.

Иккинчи босқичда олинган тажрибаларни тушуниш ва англаш юз бераб, олинган тажрибалар кетма – кетлиқда ва келишилган ҳолда тасвиранади.

Учинчи босқичда умумлаштирилган тажриба шахсий билимлар тизими билан таққосланади ва унга интеграция қилинади, умумий қонуният ва тамойиллар очилади, абстракт концепциялар туғилади.

Тұртқынчи босқичда умумлашма ва тажрибалар синов жараёнда амалда құллаб күрілади.

Үқув жараёныни ушбу модель бүйіча ташкил этиш жуда фаол жараён бўлиб, иштирокчиларни ўзига жалб қиласы ҳамда уларнинг дунёқараш ва хулқ – авторларининг асосий томонларини намоён қиласы. Үқитиш самарадорлигининг тоқорилиги кўп жиҳатдан модельнинг кетма – кетлиқдаги босқичларига риоя қилиш билан таъминланади.

Инсонлар хулқ – автори бир – биридан фарқ қилиб, бу ўқув жараёныни ташкил этишда уларни эътиборга олиш зарурлигини асослаб беради.

Ҳар бир инсон ўзига хос хулқ – авторга эга бўлиб, шундан келиб чиқсан ҳолда кўрсатилган 4 босқичдан бирини афзал кўради. Кишилар хулқ – авторининг ўзига хос томонига кўра 4 турга бўлинади: фаол; фикрловчи; назариётчи; pragmatik.

Фаол тур янгиликни ўрганишга тұлалигича ва бор кучи билан шўнгигиб кетади. У оптимист, янгиликлар ташаббускори, лоимий равища фаол бўлиб, муаммоларни бир зумда янги гояларни ишлаб чиқиш билан ҳал қиласы, мuloқотта тез ва осон киришиб кетади. Унинг шиори – “Ҳамма нарсани синааб кўриш керак”.

Фикрловчи – мулозазакор, ҳамма нарсани ўйлаб иш қилювчи одам. У ҳодисаларни ўйлаб чиқади ва ҳамма томондан кўриб чиқади, бирор – бир қарорга келишдан аввал воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги ахборотларни тўплаб, батафсил таҳлил қиласы. Шу сабабли унинг қарор қабул қилиши учун узоқ муддат талаб қилинади. Унинг шиори – «Эҳтиёткорлик».

Назариётчи – кузатувларни мураккаб, мантиқан чиройли назарияга бирлаштириб, муаммоларни кетма – кетлиқда, мантиқий йўл билан ўйлаб чиқади, такомиллашувга мойил бўлиб, барча муаммоларга мантиқан ёндашади. Унинг шиори – «Оқилоналик ва мантиқ».

Прагматик – амалий қарор қабул қилиши ва ўз қарорларини амалиётда қўллашни яхши кўради. Янги гоялар, назариялар, техник усулларни яратиш ва уларни амалиётта татбиқ этишга ҳаракат қиласы. Унинг шиори – “Доим яхшироқ қарор мавжуд” ва “Агар у ишласа – демак яхши”.

Кишилар хулқ – авторининг ўзига хос томонини ҳисобга олиш ўқитишнинг мос келувчи тамойлларини асослаб беради. Хулқ – авторнинг ҳар бир хос томони учун ўзига хос ўқитиш усуллари танланиши, яъни улар турли – туман ва ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Мос равища қуйидаги талабларга жавоб берувчи ўқув – услугубий материаллар ва мос келувчи ўқитиш модельлари ҳам тайёрланиши зарур:

- ўқув – услугий материаллар мазмунининг таълим олаётганлар даражасига мослиги, уларнинг ҳақиқий билимлари ва ўзига хос ҳусусияларини ҳисобга олиш;
- ўқув материаларини таркибга ажратиш, ўзлаштиришни енгиллашириш мақсадида қисмларга ажратиш ва қисмларнинг кетма – кетлиқда мантиқий боғлиқликда ифодалаш. Ўқув материалида ўзлаштирилаётган билимлар талаба учун аҳамият касб этиши учун ўрганилаётган мавзунинг характерли ҳусусиятлари ажратиб кўрсатилиши лозим;
- материал талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштирокини фаоллаштириши зарур;
- материал талабаларни ўқитиши ва уларга олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш, амалий кўникмаларга эга бўлишга имкон бериши, ўқув – тажриба ва ишлаб чиқариш шароитларида амалий топшириқларни бажаришни кўзда тутиши лозим;
- материал талабаларнинг олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаши бўйича топшириқларнинг бажарилишини кўзда тутиши лозим.

Ҳар бир фан бўйича мутахассисларни тайёрлаш сифати масалаларини кўриб чиқар экан, Л. Тюрина икки хил ўқитиши моделини ажратиб кўрсатади: *Предметта оид – онтологик ва гносеологик (Тюрина Л. Вузовский учебник сегодня и завтра // Высшее образование в России. – 1998. – № 1).*

Предметта оид – онтологик модельда ўқув фанининг асосини ўрганилаётган фан назарияси ташкил этиб, унинг усуллари қўшимча воситалар сифатида кўриб чиқилади. Мазкур модельнинг қимматли йўналиши сифатида илмийлик талабларига жавоб берувчи "объектив" ҳақиқат қабул қилинган. Бунда таълим жараёнида оралиқ мантиқий ва тарихий погоналарнинг бўлиши кўзда тутилмайди. Натижада тушуниш механизмига таянимайдиган, демак, касбий вазифаларни ҳал қилиш кўникмаларига сингдирила олмайдиган билимлар шакллантирилади. Шундай қилиб, таълим олувчиларда репродуктив турдаги эҳтиёж ва қобилияtlар шакллантирилади.

Мазмунига кўра онтологик модел талабларига жавоб берувчи ўқув адабиётлари ўқитишининг ахборот тамойилларини амалга оширади. Уни фанларга оид билимларнинг асоси бўлганилиги сабабли ахборот нашриёти сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин. Бундай адабиёт бўйича таҳсил оловчи талаба ўз фани бўйича "мутахассис" бўлса – да, мазкур фандан билим соҳаси ва ишда фойдалана оладиган "устамон" бўла олмайди. Бундай ўқув адабиётининг мантиқий формуласи иккита

ментдан – савол ва жавобдан иборат бўлади.

Гносеологик моделда ўқув фанининг асосини ўрганилаётган фаннинг услугияти ва тарихи, унинг ўрганиш воситалари ва технологиялари ташкил этади. У таълим олувчиларда касбий муаммоларни ҳал қилиш тизимини ишлаб чиқиши имкониятини шакллантиради, ижодий ва маҳсулдор эҳтиёжларни рағбатлантиради.

Гносеологик ўқитиш моделига йўналтирилган ўқув адабиётларида илмий мазмундан фанларо ва касбий вазиятларни ҳал қилишда назарий, услугубий ва технологик восита сифатида фойдаланилади. Бундай адабиёт талабаларда муаммоларни ва уларни ҳал қилиш жараёни фан ва ихтисос бўйича таҳлил қилиш кўнималарини шакллантиради.

Гносеологик моделга замонавий ўқув материаларини яратмасдан ўтиш мумкин эмас.

Муаллиф ўз мақолосини сифатли дарслик яратиш учун амал қилиш лозим бўлган қўйидаги асосий талабларни келтириш билан якунлайди:

- илмий фикр ривожланишининг асосий йўналиш ва натижаларига, унинг замонавий ҳолатига мос келиш;
- фанга оид мажбурий билимлар йигиндисини белгилаб берувчи олий таълим стандартлари талабларига мос келиш;
- маъруза ва амалий машғулотларни мустаҳкамлаш, мустақил ишлашни рағбатлантириш;
- мавзуларнинг аниқ белгиланиши, зарур маълумот аппарати ва адабиётлар;
- дарслик ҳеч қандай қийинчиликсиз ўқитувчининг илмий ва педагогик концепциясиغا киритилиши ҳамда ўқув жараёни графиги ва ишчи режаси билан мос келувчи восита бўлиши лозим;
- дарслик мавжуд ўқув жараёнини ташкил этиш тизими ва истиқболни қониқтириши лозим.

Юқорида келтирилган ёндашувлардан кўриниб турибдики, ўқув адабиётларини яратиш жараёнини ўқитиш моделлари билан узвий боғлиқликда кўриб чиқиши лозим.

Сўнгти йилларда янги, сифатли ўқув адабиётлари яратиш муаммосини ҳал қилиш билан кўплаб мутахассис ва тадқиқотчилар машғул бўлди. Ушбу муаммо соҳасида "замонавий дарслик", "дарсликнинг янги авлоди", "XXI аср дарслиги", "яхши дарслик" каби бир қатор тушунчалар қўлланмоқда.

Кундалик турмушда бу тушунчалар ўртасида фарқ бўлмайди ва улар одатда синоним сифатида кўриб чиқилади. Бироқ жиiddий илмий ёндашувга кўра бу тушунчаларнинг ҳар бири уларни

бир – биридан фарқлаб турувчи маълум бир мазмунга эга бўлиши лозим. Ушбу атамашунослик бўйича баҳсларга берилмасдан, келгусида республикамиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан ўтказилаётган ислоҳотларга кўпроқ мос келадиган ўқув адабиётининг янги авлоди тушунчасидан фойдаланамиз ва бошقا тушунчаларни унинг синоними сифагида кўриб чиқамиз.

Замонавий ўқув адабиётларининг таълим жараёнини сезиларли жадаллаштиришга имкон яратувчи восита сифатида кўриб чиқишни янги, сифатли ўқув адабиётларини яратиш муаммосини ҳал қилишнинг ёндашувларидан бири деб ҳисоблаш лозим.

Замонавий дарслик, тўғрироги "XXI аср дарслиги" муаммосига В.Паронджанов асарида келтирилган нуқтаи назар бундай ёндашувга мисол бўла олади [17]. Муаллиф қуйидаги фикрни билдиради: сайдерамиз аҳолисининг янги авлодлари учун янгича билим ва маълумот зарур бўлади. Табиий, техник ва ижтимоий – гуманитар фанларнинг барча соҳаларида аввалги стандартлар билан таққослаб бўлмайдиган даражада улкан ҳажмдаги билимларни эгаллашга тўғри келади. Бироқ ҳозирги таълим усуллари ва технологиялари бунинг учун қўл келмайди.

Таълим олувчиларга тобора ўсиб бораётган билимлар мажмуини етказиб бериш эҳтиёжи ўқитиш муддатини ошириш йўли билан қондирилиши сабабли анъанавий таълим экстенсив ҳисобланади. Бироқ бундай ёндашувнинг имконият ва захиралари аллақачон тутатиб бўлинган. Бу ҳолатдан чиқиб кетиш учун белгиланган вазифа (олинаётган билим ҳажмини ошириш) ўқитиш вақти ва меҳнат сарфланишини ошириш ҳисобига эмас, балки таълим хизмати сифатини тубдан ўзгартириш ҳисобига ҳал қилувчи ўқитиш усулларига ўтиш лозим.

Муаллиф таклиф этаётган ёндашувнинг моҳияти таълим сифатини оширишдан иборат. Бунда жадаллаштириш ўқувчиларнинг ҳаддан ташқари қўл ишлами, тез – тез зўриқишилари, дам олиш учун танаффусларни қисқартириш, интеллектуал меҳнат сарфлаш меъёларининг ўсиши билан боғлиқ бўлмай, таълим олувчининг ўқув – ўрганув фаолиятини муқобиллаштириш, яъни энг кам вақт ва меҳнат сарфлаган ҳолда энг кўп ижобий натижага эришиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Ўқитишнинг интенсив усул ва технологияларини ишлаб чиқишида мустақил ижодий меҳнат учун зарур асосларни яратувчи янги билимларни тез ва сифатли ўзлаштириш тамойили билан бир қаторда муаллиф талабанинг ақлий меҳнатини

минималлаштириш, яъни инсон мияси асаб энергиясининг мустаҳкам ўзлаштирилган билимлар бирлигига сарфланишини камайтиришни илгари суради. Ушбу талабни қондирувчи таълим технологиясини яратиш – таълим олувчилар фаолияти, уларнинг ақлий меҳнати унумдорлигининг максимал даражада юқори бўлиши демакдир. Муаллиф ўқув материаллари сифатини яхшилаш, уларнинг тушунарлилигини оширишни таклиф қилади. Ўқув материалининг тушунарлилиги деганда, муаллиф кўрсатилган материални ўзлаштириш учун интеллектуал ҳаракатларни минималлаштиришни назарда туради.

Ўқув материалларининг тушунарлилигини ошириш учун муаллиф уларнинг эргономик сифатини оширишни таклиф этади ва эргономиялашнинг қўйидаги қоидасини тузади: ўқув ахборотларининг тушунарлилигини ошириш учун билимларни тасаввур қилишни шу даражада ўзgartариш керакки, ўқув материалининг берилган мазмуни матн, формула ва чизмалар ёрдамида муқобил (эргономик) уйғунашув ёрдамида акс эттирилсин.

Таклиф этилаётган қоидани асослаб бериш учун муаллиф битта ўқув ахборотининг ўзини ҳам матн шаклида, ҳам график шаклда ифодалаш натижасида кейинги кўриниш матнни ўқишининг сукцессив (деталли ахборотни марказий нигоҳ билан секин қабул қилиш) режими чизмани (тасвири) қабул қилишининг симультан (шарҳ қилинаётган ахборотни нигоҳ ташлаш ёрдамда тез қабул қилиш) режимига алмаштирилиши ҳисобига тезроқ тушунишининг таъминланишини таъкидлайди. Ўқув материалларининг органик, принципиал бартараф этилмайдиган камчилиги уларнинг симультан равища қабул қилинувчи ахборотларни тезлик билан қайта ишлаш имконияти билан боғлиқ инсон мияси маҳсулдорлигининг улкан захираларини жалб қилишга имкон бермаслигидан иборат. Инсон мияси асосан кўриш ёрдамида қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, одамлар ахборотларни матнни ўқишига қараганда тасвиirlарни томоша қилганда тезроқ қабул қилади.

Муаллиф ҳақли равища шуни таъкидлайдики, асосий тасвирий тушунчаларнинг етарлича назарий ишланмаганлиги таълимда билимларни кўргазмали баён этиш жараёни асосан ҳиссий, тажрибавий ҳарактерга эта бўлади ва у таянувчи илмий асосларнинг мустаҳкам эмаслиги унинг самарадорлигини пасайтиради. Ўқув материали "график лойиҳалаштирилиши"нинг қайсиdir тамойиллари етарлича ишлаб чиқилмаган ёки умуман номаълум бўлади. Уларнинг зарурлиги эса ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Расм ва чизмалардан нотўри фойдаланиш фақат зарар келтириши мумкин, холос.



Муаллиф ақлий мәжнат ходимлари ва ўқувчиларнинг (мия) маҳсулдорлигини ўстиришни таъминлаш муаммосини ҳал қилиш учун айрим белгилар ёки кичик белгилар мажмуи эргономиклигини яхшилаш етарли эмаслигини тушуниб етади ҳамда инқилобий ўзгариш – интеллектуал фаолиятта таъсир кўрсатувчи барча белгилар муҳитининг эргономиклигини яхшилаш, таълимни эргономиялашни ҳиссий ва тажрибавий жараёндан чуқур тушунилган, илмий асосланган, самарали бошқарилувчи ва оммавий жараёнга айлантириш масаласини кўндаланг қўяди.

“Ўқувчи – дарслик” тизимининг “оператор – ахборотни акс эттириш воситалари” тизимиға ўхшашлигидан келиб чиққан ҳолда, нашр қилинган ва электрон дарсликларнинг тушунарли бўлишини ошириш мақсадида муаллиф муҳандислик психологиясида ишлаб чиқилган, ахборотни акс эттириш воситаларини лойиҳалаштирища қўлланувчи эргономик қоидалардан фойдаланиш, зарур ҳолларда уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишини таклиф қиласди.

Мазкур ёндашувни амалга оширища таълим жараёнида инқилобий ўзгаришларни кутиш лозимлиги сабабли бу ёндашув жиддий эътиборга лойиқдир. Бироқ ҳали бу йўналишда таълим сифатини ошириш технологиялари, усуслари ва воситаларини ишлаб чиқиш учун ҳар томонлама ва чуқур тадқиқотларни амалга ошириш зарур.

Ўқув адабиётларининг янги авлодига, ўсиб бораётган талабларга жавоб берувчи адабиёт сифатида қараш кўпроқ тарқалган. Масалан, Л.Тюринанинг¹ фикрига кўра ўқув адабиётларининг янги авлоди ўз мазмуни, олий таълим стандартлари ва замонавий ўқитиш технологияларига мос келиши билан ажralиб туради. Ўқув материали шундай тузилганки, таълим олувчида шахсий қабул қилиш усули шакллантирилиб, билимларни қўллашнинг ўёки бу усуслари ва услублари ривожлантирилади.

Шунинг учун ҳам амалиётда одатда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга уларнинг таълим тизими мақсад ва вазифаларига ҳамда уларга қўйилувчи талабларга жавоб беришини таъминлаш заруратидан келиб чиқувчи ёндашувлар амалга оширилади.

Республикамизда олий таълим стандартлари ўз моҳиятига кўра олий ўқув юртлари битирувчиси таълим сифати ва ривожланиши меъерини ҳамда таълим жараёни мазмунига минимал, бироқ етарлича талабларни ифодалайди. Улардан келиб

¹ Тюрина Л. Вузовский учебник сегодня и завтра // Высшее образование в России. – 1998. – № 1.

чиқодики, ҳар бир фан бўйича таълимнинг мақсади билим олиш ва уни такрор ишлаб чиқаришигина эмас, балки дунёқарашга оид тишимли билимлар, ижтимоий муаммо ва жараёнларни мустақил таҳдил қилиш, миллӣ, маънавий ва умуминсоний қадриялар масалалари, миллӣ мустақиллик гояси асосида ҳаётда фаол ўринига эга бўлиш, мустақил равишда янги билимларни олиш ва илмий асосда ўз меҳнатини ташкил этишини такомиллаштириш бўйича ўз нуқтаи назарини илмий асослаб беришини шакллантиришдан иборат. Ўқув адабиётларининг янги авлодига қўйиладиган талаблар ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланиши лозим.

Мавжуд қоидаларга асосан таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари томонидан белгилаб берилади. Айнан давлат таълим стандартлари таълимнинг мазмунини тартибга солиб боради ҳамда ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар муаллифлари учун маёқ бўлиб хизмат қиласди. Шу сабабли муаллиф ўз ишини ўқув материалини яратиш мўлжалланган фан ўналиши бўйича давлат таълим стандартлари билан танишиб чиқишидан бошлаши лозим.

Давлат таълим стандартларида муайян таълим (маркетинг, менеджмент, иқтисодиёт ва ҳоказо) йўналиши (иҳтинослиги) бўйича мутахассислар (бакалавр ёки магистр) тайёргарлиги даражаси ва мазмуни бўйича талаблар келтирилади. 1 – иловада бакалавриат йўналиши бўйича ДТС тўғрисида умумий тушунчага эга бўлинш учун унинг умумий схемаси келтирилган. ДТС бўйича муаллиф қўйидагилар билан танишиб чиқиши мумкин:

- йўналишнинг умумий тавсифномаси билан (касбий фаолият соҳаси ва объектлари тавсифномаси; йўналишнинг иқтисодий фанлар ўртасидаги ўрни; касбий фаолият объектлари; касбий фаолият турлари; касбий мослашув имкониятлари; таълимни давом эттириш имкониятлари);
- мутахассислар тайёргарлиги даражасига талаблар (мутахассислар тайёргарлигига умумий малакавий талаблар; "Гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар", "Математика ва табиий фанлар", "Умумкасбий фанлар", "Махсус фанлар" фан блоклари бўйича билим ва қўнималарга талаблар; битирув малакавий ишига қўйилувчи талаблар);
- фан блоклари бўйича таълим дастури таркиби ва ҳар бир фан бўйича зарур бўлган таълим дастури мазмуни;
- таълим дастурини амалга ошириш қоидалари;
- мутахассислар тайёргарлиги сифатини назорат қилиш бўйича қоидалар;
- олий ўқув юртларининг таълим дастурига ўзгартириш

киритишиш масалалари бўйича ҳукуқлари.

1.3. Ўқув адабиётларига янгича талаблар

Давлат таълим стандартларига киритилган таълим дастурлари янгича мазмунга эга. Уларни амалга ошириш мос келувчи ўқитиши усул ва услублари ҳамда ўқув ва услубий адабиётларни талаб қиласди. Бунда ўқув адабиётлари талабаларнинг манфаатлари, интилиш ва талабларига йўналтирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув материали муаллифи биринчи навбатда умуман ўргатиш ва билим бериш фаолияти ҳамда таълимнинг янгича мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олиши лозим.

Таълим жараёнида талаба ўқув адабиётини ўрганаар экан, назарий материални ўзлаштириш, билим олиш фолиятини ривожлантириш, амалий қўнимка ва тажрибаларни шакллантириш йўли билан ўзида билимлар тизимини шакллантиради. Бунда ўқув адабиёти асосий билим манбаларидан бири вазифасини бажаради.

Ўқув дарслиги билан ишлаш жараёнида талаба турли хил фикрлаш фаолиятини амалга ошириб, энг аҳамиятли маълумотларни излаб топади, солиштиради, таснифлайди ва ҳоказо. Шу тариқа унда ўта муҳим хусусият – билим олиш фаолиятидаги мустақиллик шаклланади.

Талабанинг ўқув адабиёти билан ишлаши материални ўрганишнинг кетма-кетлиқдаги ҳаракатларидан иборат эмас. Материални ўрганиш жараёнида талаба ўқув адабиётининг турли хил қисмлари ва бўлимларига бир неча бор мурожаат қилишига тўғри келади:

- бўлим ёки параграф охирида келтирилган, ўқитувчи берган ёки унинг ўзида илгари ўқилганларни фикрлаш натижасида юзага келган саволларга жавоб топиш;
- қонун ва тамойилларни ифодалаш, формула ва тушунчаларни аниқлаш;
- матн ва унинг айрим қисмларини унинг моҳияти ва асосий мазмунини яхшироқ тушуниш учун қайта ўқиб чиқиш;
- қонун ва ҳодисаларнинг амалий қўлланишини ажратиб кўрсатиш, аниқланган далил ва мисолларни назарий материал билан солиштириш;
- тарихга оид маълумотларни ажратиб кўрсатиш;
- ўқув адабиётининг турли бўлимларидаги расмлар, жадвал

ва графикларни солишириш;

- турли хил илмий ишларни бажариш (тезис, реферат, мақола ёзиш, битирув малакавий ишни бажариш ва ҳоказо) жараёнида матнни қайта ўқиши ва керакли қисмларни ажратиб олиш;
- семинар, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик жараёнида ўқув материалини такрорлаш;
- мавзулар ва номлар кўрсаткичи ёрдамида маълумотларни излаб топиш;
- бирор – бир қонуниятни аниқлаш мақсадида график ва жадвалларни таҳлил қилиш.

Фикрлаш мустақиллигини ривожлантириш мақсадида ўқув адабиёти муаллифи китобнинг таркиби ва мазмунини белгилашдан ташқари, талабаларни ўқитишининг бутун технологиясини ҳам эътиборга олиши лозим. Дарсликнинг таркибий қисмлари (матни ва хат бошилари, расмлар, савол ва топшириқлар ва ҳоказо) ўқитишининг у ёки бу усул ва услубларига жавоб бериши керак. Бунда ўқув жараёнида ўқитишининг турли вариантларини қўллаш имкониятини кўзда тутиш муҳим аҳамият касб этади. Дарсликнинг янги авлоди ўқув жараёнини турли хил машғулот турлари, шакл ва усуллар, замонавий педагогика технологиялари, жумладан, ахборот ва интерфаол технологиялардан фойдаланган ҳолда яратишга имкон бериши зарур.

Ўқув адабиётининг таркибий қисмлари ўқув жараёнининг исталган босқичида: янги материални ўрганиш, ўрганилган материални мустаҳкамлаш, ўтган материални такрорлаш, илмий ишларни бажариш учун материалларни танлаб олишда талабаларнинг фойдаланиши учун қулай бўлиши зарур. Шу билан бир пайтда ўқув адабиёти ўқитувчи учун ҳам қулай бўлиши, талабаларга топшириқлар бериш ва таълимнинг турли босқичларида олинган билимларни назорат қилишда қўмаклашиши лозим.

Бундай шароитларда ўқув адабиётларининг янги авлоди ўзининг мақсадларига жавоб бериб, таълим жараёнини фаоллаштириш ва ўқув жараёнида талабаларнинг мустақиллигини шакллантириш, қўшимча адабиётлар ва бошقا турли хил ахборот манбаларидан фойдаланишга қўмаклашади.

Ўқув адабиётларини яратишда муаллифларнинг ДТС га йўналганлиги амалда ўқув адабиётларининг янги авлодига қўйиладиган муайян талабларга жавоб беришни англатади.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепциясида [4] олий ўқув юртлари учун ўқув адабиётларига

қўйиладиган умумий ва маҳсус талаблар баён этилган.

Таълим турларининг хусусиятларидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар қуидаги умумий талабларга жавоб бериши лозим:

- давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;
- таълим – тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерфаол услубларини татбиқ қилишида кўмак бериши;
- тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида узок ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиши;
- интеллектуал инсонпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлиларини англатишига қаратилиши;
- ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳисси шаклланиши, мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириши;
- маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;
- билимларни онгли равишида ўзлаштириш, қизиқиш уйғота оладиган ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши;
- билим оловчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши;
- ўрганилиш даражасида умумлантирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айниятлар, таснифлар ва ҳоказо) дан ташкил топиши;
- иллюстрацияларга бой, кўргазмали тасвир ва бадиий – услубий жиҳатдан амалий фаoliyятта қаратилган бўлиши;
- билим оловчиларнинг ёши ва психо–физиологик хусусиятларини ҳисобга олиши;
- билимларнинг мутлақлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалashi;
- таълим оловчиларнинг билими, ўқуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;
- таълим ва тарбиянинг ижтимоий ҳаёт, унумли меҳнат билан узвий боғланишига эътибор бериши;
- фан ва техника ютуқларининг аҳамиятини ифодалashi, илмий масалаларнинг мантиқий кетма – кетлиқда, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён этилиши;
- яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланниши учун барча

маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;

- матн жозибали шаклда баён этилиши;
- асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши.

Санаб ўтилганлардан ташқари олий таълим ўқув адабиётларига ўзига хос бўлган талаблар қўйилади. Олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар ва уларга тегишли ўқув адабиётларнинг мазмун—моҳияти ниҳоятда чуқур илмий—услубий, ўрганилиши сифат—миқдор кўрсаткичларда бўлиши тақозо этилади:

- ўқув адабиётлардаги ҳар бир боб ёки мавзунинг мазмуни тушунарли, илмий ғоя ва тушунчалар моҳияти аниқ ва равшан баён этилиши;

• матнни хотирада сақлашни осонлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал ҳамда расмлар билан таъминланиши;

- аниқ ва табиий фанлар бўйича илмий тушунча ва гоялар, қонун ва қонуниятлар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳаётийлиги;

• таҳдилий муносабатнинг етарли даражада бўлиши;

- муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг мантиқий баёни жараёнида ўзаро боғлиқлик таъминланиши;

- мавзуларнинг бир—бирига мантиқан боғлиқлиги ва кетма—кетлигининг сақланиши.

Иқтисодий таълим таълимнинг бошқа турларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бизнинг фикримизча, бу каби хусусиятлар ҳисобга олиниши учун, олий иқтисодий таълим ўқув адабиётлари қўшимча қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ўқув фанларининг фанлараро тавсифлари, бир—бирига боғлиқ билим соҳаларига хос бўлган атама ва тушунча хусусиятларини ҳисобга олиш;

• илмийлик ва тушунарлилик ўртасидаги муқобил нисбатта риоя қилган ҳолда муаммоли баён қилиш, тарифлаш ўрнига изоҳлап тамойилидан фойдаланиш;

- ўқув материалининг талabalар томонидан қабул қилиш ва ўзлаштиришнинг осонлигини таъминлаш мақсадида ўқув материали таркибининг асосий малакавий фан бўйича дарсликнинг мантиқий таркибига яқинлашпуви;

• талabalarda иқтисодий фикрлаш усуllibarini шакллантиришга йўналганлик;

- иқтисодий жараён ва ҳодисаларни моделлаштиришга

ўргатиш, интуиция ва фикрлашнинг ривожланишига кўмаклашувчи ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил қилишга йўналганлик;

- мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти ривожланиши омиллари тури – туманлигини акс эттириш;

- ўқув материалини асосий мутахассислик йўналишига мос равищада ифодалаш ҳамда ўқув адабиётини иқтисодий ва ноиқтисодий таълим йўналишлари (иҳтисосликлари) учун ажратиш;

- дарслик мазмунининг ҳаётдаги хўжалик, бошқарув, молиявий, иқтисодий ва бошқа муаммолар билан узвий алоқасини таъминлаш;

- дарсликнинг ўзгартириб туриладиган қисмининг иқтисодий сиёsatнинг ўзгариши, билимлар (фан, ишлаб чиқариш, технологиялар) соҳасининг замонавий ҳолатига мос равищада мунгизам янгиланиб боришга мослашуви;

- ўқув материали мазмунининг "касб – ҳунар коллеки, академик лицей – бакалавриат – магистратура" таълим поғоналари бўйича мослашуви ва кетма – кетлигини таъминлаш;

- ўқув – услугубий мажмуалар таркибий қисмлари ўқув материалларининг ягона ифодалаш услуги ва умумий концептуал асосининг мавжудлиги;

- бакалавриат ва магистратура талабалари тайёргарлик даражасининг ўзига хосликларини ҳисобга олиш (чет тилларни билиш; вариатив (якка тартибда) ўқитиш имкониятини амалга ошириш; мустақил ўрганиш ва мустақил ривожланиш қобилияти).

Юқорида санаб ўтилган барча талаблар биргаликда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишнинг янги таркибий тузилмаси сифатида намоён бўлади.

2 – боб. ЎҚУВ АДАБИЁТИ ТАРКИБИ

2.1. Ўқув адабиёти турлари

Ўқув адабиёти тузилиши тўғрисида гапиришдан аввал унинг турлари ва асосий атамаларини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

“Адабиёт” сўзи лотин тилидаги *lit(t)eratura* сўзидан олинган бўлиб, «ёзилган» маъносини англатади. Бу сўз остида одатда ёзма асар тушунилади.

Ёзма асар таҳририят ва нашриётда ишлов берилган ва маълумотларни ўқувчига етказиб бериш учун у ёки бу техник усулда кўпайтирилган *нашрга* айланади.

Бир хил турдаги нашрий белгиларга эга нашрлар *нашр турларини* ташкил этади. Нашр турига кўра маълумотнома, ўқув, илмий, илмий–оммабол, ахборот ва услубий адабиётларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Китоб китобхон тасаввурнида ўрнашиб қолган тушунчага кўра нашриётда таҳрир қилинган, босмахонада чоп этилган, маълум миқдордаги жилдланган варақлар йигинидисини акс эттиради.

Юқоридаги тушунчалардан кўриниб турибдики, гап анъанавий “қоғоз” китоблар ҳақида бўлиб, замонавий компьютер ва ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланувчи электрон нашрлар бу ерда тилга олинмаган. Шуни қайд этиш жоизки, ҳозирги пайтда адабиётларнинг ушбу янги соҳаси жадал ривожланиши босқичида турибди. Бу ерда маҳсулотларни номлаш учун қўлланувчи атамалар ва уларнинг англатувчи маънолари турли муаллиф ва нашриётларда турлича бўлиб, бир – биридан кескин фарқ қиласди. “Электрон китоб”, “электрон ўқитиши тизими”, “электрон китоб нусхаси” ва “дарсликнинг электрон иловаси” каби тушунчалар ўртасида аниқ фарқни кўрсатишнинг улдасидан доим ҳам чиқилавермайди. Агар бунга хорижий мутахассислар томонидан кенг қўлланувчи “китобни ўқиш учун техник восита” тушунчасини ҳам қўшадиган бўлсак, умуман чалкашиб кетиши ҳам қийин эмас.

Мазкур ишда асосан анъанавий китоб нашриёти атамаларидан фойдаланилади. Китобларни компьютер ва ахборот

технологиялари ёрдамида нашр қилиш масалалари кўриб чиқилганда эса алоҳида изоҳлар берилади.

Ўқув адабиётлари ўқув фанларини ўқитиш ва ўрганиш мақсадида яратилади ҳамда мос келувчи тизимлаштирилган илмий ёки амалий ахборотларга эга бўлади.

Ўқув адабиётларини нашр қилиш шаклига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин: *анъанавий (босма)* ва электрон *адабиётлар*. Ўқув адабиётига мисол қилиб дарслик, ўқув қўлланмаси, лугат, маъruzалар матни, услубий кўрсатма ва ҳоказоларни келтириш мумкин.

Мазкур ишда сўз борувчи анъанавий босма ўқув адабиётлари турли хил белгиларига кўра таснифланиши мумкин. Бу масалага бағишиланган маҳсус адабиётларда ўқув адабиёти турларини тизимлаштиришга бир-биридан фарқланувчи турли хил ёндашувларни топиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепциясида ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари кўрсатилган. Хусусан, ўқув адабиётлар анъанавий (босма) ва электрон шаклларга ажратилган, уларнинг турлари эса таснифланмасдан санағ ўтилган. Иқтиbos келтирамиз: «Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларининг қўйидаги турлари қўлланилади: дарслик, ўқув қўлланма, лугат, изоҳли лугат, маълумотлар тўплами, лекциялар курси, лекциялар тўплами, методик кўрсатмалар, методик қўлланмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва бошқалар» [4]. Натижада янгича ёндашув талаб этадиган, ўқув адабиётининг муҳим тури ҳисобланган ўқув режаси ва дастури кабилар эътибордан четда қолади.

Ўқув адабиётларининг энг тарқалгац таснифланиши [6] асарда келтирилган. Бу асарда ахборотлар жиҳатлари ва мақсади йўналтиришидан келиб чиқсан ҳолда ўқув адабиётларининг 4 гуруҳи келтирилган: *гастурий-услубий адабиёт*; ўқув-услубий *адабиёт*; *таълим берувчи адабиёт*; *қўшимча адабиёт*. Бироқ бу таснифга сўнгги йилларда Россия ва республикамиз таълим тизимида яратилган янги ўқув адабиёт турлари киритилмаган. Шунга қарамай, биз ушбу таснифлашдан фойдаланамиз ва янги адабиёт турларини ҳам ҳисобга оламиз ҳамда республикамиздаги иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида қўлланishi лозим бўлган ўқув адабиётларининг барча 4 гуруҳини кўриб чиқамиз.

Давлат таълим стандартлари, фанлар бўйича ўқув режалари ва ўқув дастурлари меъёрий ва дастурий-услубий адабиёта мисол бўла олади. Ўқув жараёнини ташкил қилишда улардан

фойдаланилади.

Давлат таълим стангарти – олий таълимнинг сифати ва мазмунига қўйилувчи талабларни белгилаб берувчи асосий меъерий ҳужжат. Таълим йўналиши (ихтисослик) бўйича ДТСда олий ўқув юрти битирувчиси тайёргарлик даражасига қўйилувчи талаблар, таълим дастури таркиби ва мазмуни, таълим дастурини амалга ошириш ва битирувчилар тайёргарлиги сифатини назорат қилиш қоидалари келтирилган.

Ўқув режаси – муайян таълим йўналиши (ихтисослик) бўйича ўқув жараёнини тартибга солувчи ҳужжат. У намунавий ва ишчи турларга бўлинади.

Намунавий ўқув режаси қўйидагилардан иборат бўлади:

- таълим якунлангандан сўнг талабага берилувчи академик даражани тавсифловчи маълумотлар (магистр, бакалавр);

- ўқитиш муддати ва шакли;
- ҳафталар бўйича ўқитиш тартиби ва шаклларини ўз ичига олувчи ўқув жараёни жадвали;
- ўқув режаси, унда ўрганилаётган фанлар таркиби, уларнинг босқичлар, семестрлар ва ҳафталар бўйича тақсимланиши, ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш учун аудитория машғулотлари ва мустақил ишлашга ажратилувчи соатлар белгилаб берилади;
- ўқув жараёнини ташкил этишининг айрим лаҳзалари ва таркибий элементларини изоҳловчи эслатмалар.

Олий ўқув юрти намунавий ўқув режаси асосида фан блоклари бўйича ажратилган соатлар ҳажмига ўзгартириш киритиш ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда ишчи ўқув режасини ишлаб чиқади. Масалан, ҳозирги кунда республикамиз олий ўқув юргларига бакалавриат йўналишларида ҳафталик юкламани ўзгартирмаган ҳолда намунавий ўқув режаларида фан блоклари бўйича соатлар ҳажмини 5% гача, блок таркибидаги фанлар бўйича 10% гача ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилган.

Ўқув дастури (намунавий, ишчи) ҳар бир ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, ўқитиш даврида талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар ҳажми ва мазмунини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади. Ўқув дастурларида фанининг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқалари ва предметни ўргатишнинг янги технологиялари акс эттирилади, иш ҳажми тўлалигича ва ўқув машғулотлари тури бўйича берилади, ахборот–услубий таъминот келтирилиб, асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати ажратиб кўрсатилади ҳамда ахборот–техника воситалари рўйхати келтирилади.

ДТС ва дастурий – услубий материаллар мос келувчи бошқа

барча ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўқув—услубий *адабиётлар* фанни ўрганиш жараёнида талабалар ва ўқитувчиларнинг ишлаш усуллари, хатти—ҳаракатлари, жараёнлар тартиби ва услубиятидан иборат бўлади. Бундай адабиётга услубий *кўрсатма* ва услубий қўлланмаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Услубий *кўрсатмалар* лаборатория, назорат, курс ишлари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини бажариш, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларига аннотациялар (қисқартмалар) ёзиш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича материалларни ўз ичига олади ҳамда талаба ва таълим берувчи ўқув адабиёт ўргасида воситачи ролини ўйнайди. Услубий *кўрсатмалар* ўқув режасида кўзда тутилган курс ва курс бўлимлари учун ишлаб чиқилади.

Услубий қўлланмалар ўқув фанидан дарс бериш услубияти бўйича материаллардан иборат бўлади ва ўқитувчилар учун мўлжалланади. Услубий қўлланма машғулотларни ўтказиш усуллари, воситалари, таркиби ва мазмуни ҳамда қўшимча топшириқлар ва ўқув фанини ўрганиш жараёнининг бошқа элементлари бўйича тавсиялардан иборат бўлади.

Таълим берувчи ўқув *адабиётига* дарслеклар, ўқув қўлланмалари, маъruzalар курси ва маъruzalар тўпламларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Дарслек — асосий ва етакчи таълим берувчи ўқув адабиёти тури. Дарслекда АТС ва ўқув дастурларига тўлиқ мос равища маълум билимлар соҳасидаги материаллар кетма—кетлиқда, тизимли равища, мантиқий асосланган ҳолда келтирилади. Дарслек ўқув фани тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қиласди.

Ўқув қўлланмаси — ўқув адабиёти бўлиб, дарслекка қўшимча сифатида чиқарилади. У ўқув фани дастурига мос келиб, асосан дарслекда берилган, шунингдек, янги ўқув предмети бўйича фундаментал билимларни кенгайтирувчи ва чуқурлаштирувчи янги қўшимча материаллардан иборат бўлади. Ўқув қўлланмаси одатда фаннинг барча мавзуларини қамраб олса—да, айрим мавзулар мос келувчи адабиётларга кўрсатма бериш билан қисқача тавсифланиши мумкин.

Олий ўқув юргларида маъruzalар курси ва маъruzalар тўплами ҳам кенг қўлланади.

Маъruzalар курси — ўқув адабиёти бўлиб, ўқилган материал асосида ўқув дастурига мос равища ёзилади ва фан бўйича битта ёки бир нечта муаллифнинг маъruzalariдан иборат бўлади. У дарслекка қўшимча ҳисобланади. Маъruzalар курсида

ўқув дастурининг барча мавзулари қисқача баён қилинади.

Маърузалар тўплами – ўқув адабиёти бўлиб, дарсликка қўшимча сифатида тайёрланади ва айрим мавзулар асосий қоидаларининг қисқача таърифланиши билан тавсифланади.

Ёрдамчи ўқув адабиёти қаторига назорат ишлари, машқ ва масалалар тўплами, лаборатория ва амалиёт ишларини ўтказиш, курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларини бажариш бўйича кўрсатмаларни киритиш мумкин. Улар олингандан билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, мазкур соҳада қўлланувчи билим олиш усуслари ва шаклларини ўзлаштириш, амалий ишлаш кўникмаларини эгаллашга йўналтирилади. Улар фақат савол ва жавоблардан иборат бўлиши, уларни бажариш бўйича қўшимча услугубий кўрсатмалар ёки энг мураккаб масалаларни изоҳловчи материалларни киритиши мумкин.

Ёрдамчи ўқув адабиёти қаторига шунингдек, ҳозирги кунда олий ўқув юргларида фаол ишлаб чиқилаётган ўқув – услугубий модулларни ҳам киритиш лозим.

Барча ўқув нашрлари биргаликда ягона тўлиқ мажмуани ташкил этади ва ўқув – услугубий мажмуа деб аталади. Ўқув режасидаги ҳар бир фан бир – бирини тўлдириб турувчи нашрлар мажмуаси билан қўллаб – қувватланади. Бундай мажмуа таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган билим ва кўникмаларнинг зарур ва етарли даражада бўлишини таъминлашга йўналтирилади.

2.2. Умумий тузилиши

Ўқув адабиёти, ўқув нашри жуда мураккаб тузилма ҳисобланади. Унинг таркибига матн (расмлар билан) ва матндан ташқари таркибий қисмлар (ўзлаштиришни ташкил этиш аппарати, йўналтирувчи аппарат, нашрни тўлиқ қайта ишлаш аппарати) киради. Матн асосий, қўшимча ва изоҳловчи матнлардан иборат.

Матн маъноли (мазмунли) элементлар йигиндисидан иборат бўлиб, ўқув адабиёти тури ва мазмунига қараб турли хил таркибга эга бўлиши мумкин. Матнда мазмунни тасвир этувчи матнсиз элементлар (чизмалар, жадваллар, формуласлар) бўлиши мумкин.

Ўзлаштиришни ташкил этиш аппарати, йўналтирувчи аппарат ва нашрни тўлиқ қайта ишлаш аппарати унинг мазмунини тезлик билан тушуниб олиш, керакли маълумотларни бутун матнни ўқиб чиқмасдан топиш, нашр мавзуси бўйича

қўшимча маълумотларни олиш ва ҳоказоларга имкон беради. Нашр аппарати умумий кўринишида қўйидагилардан иборат бўлади: нашриёт маълумотлари, мундарижа, библиографик элементлар, турли хил кўрсаткич, изоҳ, шарҳ ва бошқа элементлар.

Ўқув адабиётини ташкил этувчи барча таркибий қисмлар ўзаро боғланишли ва ахборот муносабатларида бўлади. Шу сабабли ёзишга киришиш ва ўз мақсадларини ифодалашдан оддин муаллиф ўқув адабиётини яратишнинг дастлабки босқичида китобнинг предмет соҳасини, муайян китобхон тоифаси, ўқитиш мақсадлари ва шароитларига боғланган ҳолда аниқ белгилаб олиши ва унинг мўлжалланаётган таркибини аниқлаб олиши мақсадга мувофиқ.

Китобхон тоифаси – ўқув адабиётининг муҳим тавсифи бўлиб, киритилаётган билимлар ҳажми ва ахборотларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Олий таълим таълим босқичига кўра бакалавриат ва магистратурага ажратилади. Ҳар бир таълим босқичи ўқитиш характеристи, мақсад ва вазифалари, ўқув жараёнининг усул ва шаклларига қўйилувчи талаблар тизимиға эга.

Таълим олувчилар ҳар бир тоифасининг ўзига хос ажralиб турувчи белгиси бошлангич билимлар даражаси ва уларни ривожлантириш имкониятидир.

Таълим босқичи ўқув жараёнининг хусусиятларини, ўқув нашрлари мажмуасининг ўзига хосликлари, уларда акс эттирилган маълумотлар ҳажми ва характеристини, шунингдек, ўқув нашрларни лойиҳалаштиришга умумий ёндашувларни тавсифлайди.

Ўқув нашрлар китобхонлари таълим босқичи (бакалавриат, магистратура), таълим йўналиши, ихтиёсолик бўйича аниқлаштирилиши лозим.

Бакалавр кенг фундаментал тайёргарликка эга бўлиши, олинган билим ва илғор фаолият турларини танланган йўналиш ичida қўллай олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Магистр эса олинган билимлар билан ишлай олиши, шунингдек унумли фикрлаш қўнималарига эга бўлиши лозим. Бундан келиб чиқсан ҳолда ёзиладиган ўқув адабиётида бакалавр ва магистрлар учун мос равища предме билимларини ташкил этиш схемасини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Ўқув адабиёти китобхон тоифасига мослиги бевосита ахборотлар характеристидан келиб чиқадиган китобнинг таркиби ва тузилишига ҳам боғлиқ. Таркиби китобнинг таркибий қисмлари жойлашуви ва ўзаро алоқалари билан тавсифланади. Якуний ҳисобда ушбу таркиб китобхоннинг ўқув адабиёти билан ишлаш

усулини белгилаб беради.

Буларнинг барчасида лойиҳалаш – безаш қарорлари мавжуд. Нашр мазмуни асарнинг мазмуни билангина белгиланмай, нашрни ташкил этувчи барча элементлар йигиндисидан иборат бўлади.


Умумий таркиб асослари, матннинг мантиқий – таркибий тузилиши, таркибий қисмларни кетма – кетлиқда келтириш усули ва китоб дизайнини танлаш аввал муаллиф томонидан унинг ёзма ишида келтирилади. У матннинг мантиқий таркиби, чизма, жадвал ва графикларнинг танланиши, китоб аппарати таркиби ва характеристида намоён бўлади. Кейинчалик ўқув нашрини нашриётда тайёрлаш даврида муаллифнинг муҳаррир билан доимий мулоқотда бўлиб туриши ўқув адабиётининг яхшиланишига хизмат қиласи ва муҳим аҳамият касб этади. Муҳаррир муаллифни таркибий тузилиш ва безатишга оид қарорлар лойиҳаси, чиқарилаётган китоб мансуб бўлган турдаги нашр намуналари билан таништиради. Агар муҳаррир ва дизайнерда китобга тааллуқли таклифлар, масалан, рукилаш (рубрикалаш) тизимини тўғрилаш, матн қисмларини қайта гурухлаш, қўшимча матнларни киритиш ва ошиқча матнларни олиб ташлаш бўйича таклифлар пайдо бўлса, бу таклифлар муаллифга етказилиши ва у билан муҳокама қилиниши, ҳисобга олиниши мумкин.

Муаллиф ва дизайнер ҳамкорлиги муҳим шарт бўлиб, у тифайли нашр мазмуни ва шаклининг бирлиги таъминланиши мумкин.

Нашрнинг таркибини шакллантириш ва безашнинг умумий маъноси шундан иборатки, у тўлиқ бир буюмга айланиши, ташқи томондан ҳам, ички томондан ҳам функционал вазифаларига мос келиши, шунингдек, китобхон тоифаси, ахборотлар характеристи ва фойдаланиш шароитларига жавоб бериши лозим.

Муаллиф ўз китоби тузилишини бошқа муаллифларнинг китоблари тузилишидан фойдаланиш йўли билан ҳам яратиши мумкин. Бу ҳолда у янги китоб яратиш учун андоза бўлади. Андоза сифатида битта эмас, бир нечта китоблардан фойдаланиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Бундай ҳолатда муаллиф ўз китоби тузилишини танлаб олинган бир нечта намуналар асосида яратишга тўғри келади.

Олий таълимда иқтисодий фанлар бўйича ўқув адабиётларининг умумий таркибини схема кўринишида акс эттириш мумкин (2.1 – чизма). Чизмада тўртбурчак шаклида акс эттирилган китоб элементлари маълум вазифаларни бажаради ва бир – бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади.



Ўқув фанининг ўзига хос хусусиятлари ва ўқув материалининг характеристига кўра акс эттирилган умумий таркиб муайян равишда қўлланиши мумкин. Бунда китоб таркибининг турли вариантлари бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда нашр этилаётган иқтисодий фанлар бўйича ўқув қўлланмалари 2.2 – чизмада кўрсатилганга яқин таркибга эга. Мазкур таркиб ўқув қўлланмада ўқув адабиётларининг янги авлодига қўйиладиган барча талабларни амалга оширишга имкон бермайди ва шу сабабли муаллифларга унга тўлиқ амал қилиш тавсия этилмайди.


2 – иловада хорижий иқтисодий адабиётлардан олинган ва нжобий баҳолангандан ҳамда республикамиздаги муаллифлар ўқув адабиётларини ёзишда фойдаланиши мумкин бўлган баъзи бир вариантлар келтирилган.

Ўқув материалини таркибга ажратиш чиройли далиллар тизимини шакллантириш, бу далилларни ўқитиш мазмунининг таркибий қисмлари сифатида қабул қилиш ва ўзлаштиришга таъсир кўрсатиш, талабаларда касбий фикрлашни шакллантириш каби мақсадларни кўзлади. Ишнинг қўлёзмасини тайёрлашда бўнга алоҳида эътибор қаратиш керак. Яхши тартибга солинган ўқув материалини ўзлаштириш самаралироқ бўлиб, предметни, учниш тушунчалари диалектик ривожланишини тушунишга олиб келади.

Шу билан бир пайтда амалиётда мамлакатимиздаги иқтисодий мавзудаги аксарият ўқув нашрларида материалларни таркиблишга етарлича эътибор қаратилаётгани йўқ.

Ўқув адабиётларини яратиш жараёни бошқа барча турдаги адабиётларни яратишдан шуниси билан фарқ қиласди, ўқув материали маълум маънода лойиҳалаштирилади ҳамда бунда ўқув нашри ўқув жараёнининг таркибий қисми эканлиги ҳисобга олиниди ва маълум билим ёки фаолият соҳасини акс эттиради. Шу сабабли ўқув адабиётларининг мазмуни таълим олувчиларга педагогик таъсир кўрсатишни назарда тутиши, зарур маълумотлар махсус танланиши ва нашрнинг вазифаларидан олиб чиқсан ҳолда қайта ишланиши лозим.

Таълим ва ўқитиш вазифаларига бўйсуниш ўқув нашрларини тайёрлашда педагогика ютуқларига таяниш, ўқув жарменининг асосий тавсифларини ҳисобга олиш заруратини бўйди. Бунда предметнинг мазмуни олий ўқув юрглари биттирувчилари билим ва қўнилмаларига талабларни, шунингдек, мазкур билим ва қўнилмаларнинг зарур бўлган минимумидан широрат бўлган давлат таълим стандарти томонидан белгиланади.



Үқув нашрларининг предмет соҳаси таркиби ва мазмуни ўзига хос хусусиятларга эга. Бу қаторга нафақат билимлар, балки уларни олиш усуллари, нафақат кўнкима ва тасаввурлар, балки улардан амалиётда фойдаланиш усуллари ҳам киритилади. Үқув нашрларининг предмет соҳаси мазмуни фаолият мазмуни асосида ахборотларнинг педагогик йўналтирилганликни ҳисобга олган ҳолда таркибланади.

Ҳар бир үқув нашри олий таълим тизими бажариши лозим бўлган коммуникатив, ахборот, билим олиш, ривожлантириш, тарбиялаш, ташкиллаштириш ва тизимлаштириш вазифаларини амалга оширади [6]. Шунга мос равишда унинг таркиби ҳам белгиланади.

Коммуникатив вазифаси турли хил алоқа ва муносабатларни кўрсатиш, китобхон учун воқелик элементлари доимий ривожланиш, ўзгариш ва ўзаро ҳаракатланиш жараёнида ҳар бир объект ва ҳодиса ўрни ва ролини очиб бериш билан таъминланади. Бундан мазмуннинг динамизмлиги, унинг кўриб чиқилаётган масалаларнинг ўтмишдаги ва замонавий ҳолати билан алоқаси келиб чиқади.

Ахборот вазифаси таълим олувчига маълум бир ахборот ҳажмини бериш ҳисобига амалга оширилади. Бу вазифа таълим олувчида атроф – муҳитдаги ҳодисалар, обьект ва предметлар, субъектнинг бу дунёдаги ўрни, ахборотларни эгаллаш усуллари ва услублари тўғрисидаги тавсифлар ва тушунчаларни шакллантиришга йўналтирилган.

Үқув адабиётининг билим олиш вазифаси ҳар бир фан, үқув предмети маълум билимлар тизимини ўзлаштириши назарда тутиши билан тавсифланади. Билимлар даражага ажратилиши ва мазкур фан учун муҳим аҳамият касб этувчи билимларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Билимлар фундаментал ва долзарб турларга тақсимланади. Фан асосларига бағишлиланган үқув нашрларида асосан фундаментал билимлар акс эттирилади. Фаолиятни ўзлаштириш кўнкимлари, усуллари ва амалий масалаларини очиб берувчи нашр учун аввало фаолият технологиясининг тўлиқ тавсифларига эга бўлган "мактаб" зарур бўлади. Долзарб билимлар муайян тармоқнинг замонавий шароитлардаги фаолияти билан боғлиқ бўлади. Масалан, "Иқтисодий назария" дарслиги фундаментал ва кириш характеридаги масалалардан иборат бўлиши лозим: предметга кириш, иқтисодий назария усуллари, иқтисодий таълим тарихи, жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, асосий иқтисодий тизимларнинг ҳаракатланиш хусусиятлари, жамиятда ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари ва ҳоказо. Шу сабабдан олий үқув юртлари учун замонавий "Иқтисодий

назария" ўқув адабиётларига мустақил фан ҳисобланувчи "Микроиқтисодиёт" ва "Макроиқтисодиёт" бўлимларини қўшмаслик лозим.

Ривожлантириш вазифаси ижтимоий муносабатлар, ижтимоий онг, маданият ва ишлаб чиқариш тажрибаси, атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш тўғрисидаги билимлар кетма – кетлигига йўналтирилган. Шахснинг ривожланиши қобилияtlарнинг ўсиши, психофизик ва ақлий жараёнлар ҳамда нутқ фаолиятини такомиллаштириш имкониятларининг кенгайишини таъминлайди.

Тарбиялаш вазифаси дунёқарашнинг шаклланиши, субъектнинг этика ва эстетика меъёрлари юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, ҳодиса ва ҳаракатларни баҳолаш мезонларини эгаллаш ва шахснинг ижтимоийлашиш чегарасини кенгайтиришга йўналтирилади. Тарбиялаш вазифаси муайян тарихий шароитлар билан тавсифланади ҳамда ижтимоий асосларга таяниб, таълим олувчиларнинг маълум тоифаларига йўналтирилади. Мазкур вазифани амалга ошириш таълим олувчининг маънавий эҳтиёжлари, ҳис – тўйғу – ирода ва амалиёт соҳаларига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ.

Ўқув нашрларининг ташкиллаштириш вазифаси ҳар бир алоҳида нашр ва барча нашрлар тизими томонидан бажарилади. У фанни ўқитиши ва ўрганиш кетма – кетлигини таъминлаш, уларнинг ўзаро алоқаларини акс эттириш ҳисобига амалга оширилиб, ҳар бир нашр маълум ўқувчилар тоифасига мўлжалланади ва дарсликнинг таъсир кўрсатиш хусусиятлари ва мазмунини қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олади. Бундан ташқари ушбу вазифа ўқув нашрларини турларга тақсимлаш асосида ётади ҳамда ўқув жараёнининг турли босқичларида турли усул ва шаклларнинг ўқув – услубий қўллаб – қувватланишини таъминлайди.

Тизимлаштириш вазифаси ўқитишининг яхлитлиги, билим ва тасавурлар тизимилигини таъминлайди. Билим ва тасаввурларнинг аҳамиятига мос равища даражаларга ажратиш, маълумотларнинг иерархик таркибини шакллантириш, баҳолаш мезонлари, шахснинг афзал кўриши, қисмларни бир яхлитта бирлаштириш, дунё ва унда инсоннинг эгаллаб турган ўрнини акс эттириш, ҳодиса ва жараёнларни уларга муайян фан бўйича умумийлик, ўзига хослик, ягоналик сифатларини баҳш этиш ўйли билан моделлаштириш ҳисобига амалга оширилади.

Ўқув нашрларининг вазифалари ўқув материалини маҳсус танлов, қайта ишлаш ва тақдим этиши ҳисобига таъминланади.

2.3. Таркибий элементлар баёни

Мундарижа ва мазмун баёни. Мундарижа ва мазмун баёни бир—биридан фарқ қиласы. Мундарижа ўқув нашрларида фойдаланылса, мазмун баёни түп搭乘ларда құлланади.

Мундарижа ўқув нашрининг таркибий қисмлари (қисм, бўлим, параграф ва ҳоказо) номлари рўйхатидан иборат. Уни китобнинг бошида сарварақдан кейин жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Мундарижага ўқув нашрининг барча таркибий қисмлари номини киритиш зарур. Улар қисқа ва лўнда бўлиши лозим. Шунун эсдан чиқармаслик керакки, майда сарлавҳалар китобхонлар учун зарур бўлган йўлбошловчиидир. Матн билан биргаликда жойлаштирилган сарлавҳаларнинг бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Масалан, сиз ҳозирда ўқиётган параграф китоб мундарижасига чиқарилмаган майда сарлавҳаларни қамраб олади.

Мундарижа ва матндан сарлавҳалар, шунингдек, уларга мос келувчи бетлар рақами бир—бирига тўғри келиши зарур. Афсуски, баъзи адабиётларда бундай ноаниқлик учраб туради. Бундай камчилликка йўл қўймаслик керак.

Мундарижа ўқув предметининг таркибини аниқ кўрсатиши, осон қабул қилиниши ҳамда китоб қисмларининг ўзаро алоқаси ва бир—бирига боғлиқлигини яқдол кўрсатиб туриши лозим. Бу мақсадда керакли ранг ва босма шрифтлардан фойдаланиш зарур.

Мундарижа:

- ўқитувчи ва талабаларнинг асосий (бўлим, боб, параграф, илова ва ҳоказо) қисмлар, маълум матнни тезлик ва осонлик билан излаб топишларига кўмаклашиши;
- китобхонга китоб мавзулари ва таркиби ҳақида умумий тасаввур беришга, шунингдек, ўқиб чиқилганларни тезлик билан эста олишга кўмаклашиши;
- китобхонни ўзига жалб қилиши, кўриб чиқилаётган китобга қизиқиш ва уни ўқиб чиқиши истагини уйғотиши зарур.

Мазмун баёни түп搭乘нинг таркибий қисми бўлган асар номларидан ташқари бу асарларнинг таркибий қисмлари сарлавҳаларини ҳам киритиши мумкин.

Кириш қисми (муқаддима ва кириш). Кириш қисми ўқув адабиётини ўрганишга киришишни ифодалайди. Унда муаллиф томонидан ўқув адабиёти ва уни ўрганишга тааллуқли бўлган турли хил қоидалар изоҳлаб берилади. Бу қисқача йўриқнома—услубий ҳарактерга эга матн бўлиб, ўқув адабиёти ва унинг

таркиби түркисида максимал маълумотлар беришига қаратилган.

Кириш қисмида ўқув фанининг аҳамияти, унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни, предметни ўрганишнинг асосий вазифалари ва ҳоказолар кўрсатиб берилади. Унда муаллиф ўқув адабиёти таркибини, зарур ҳолларда эса предметни кўриб чиқиши мантиқини ҳам очиб беради.

Муқаддима ва кириш бир—биридан фарқ қиласди.

Муқаддима йўриқнома ва услубий (ахборот—услубий) характердаги кириш матнини ифодалайди. У тўлалигича билим олиш манбаи сифатидаги ўқув адабиётига багишланади ҳамда талабанинг китоб материалларини ўрганишига кўмаклашади, таълим маҳсулдорлигининг ўсишига хизмат қиласди. Унда китобнинг умумий тавсифномаси, таркибий тузилиши акс эттирилиб, ундан фойдаланиши, китобнинг кўп қиррали ўқитиш тизими билан боғлиқлиги, китоб мазмунининг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари талабларига жавоб бериши каби масалалар ёритиб берилади. Алоҳида эътибор талабаларнинг мустақил ишланиши ва китобнинг маълумотнома аппаратидан, шунингдек, аудио--видео воситалари ва компьютер технологияларидан фойдаланишига қаратилади.

Кириш ўрганилаётган предметга кириш матнидан иборат. Одатда у мазкур фан предмети таърифи, унинг ривожланиши тарихи ва бошқа фанлар билан алоқаларини кўрсатиб бериш, эгаллаб турган ўрнини, назарий ва амалий аҳамиятини баҳолаш кабилардан иборат бўлади.

Киришда аввалги ўрганилган фанлардан олинган ва кейинги босқичларда олинниши кутилаётган билимлар кетма—кетлиги кўрсатиб берилиши лозим. Мазкур фанни ўрганиш натижасида ва амалий топшириқларни бажаришда олинган билимлардан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилиши, мазкур ўқув адабиётини ўрганиши жараённида амалга ошириладиган фанлараро алоқаларнинг асосий усуслари ифодаланиши зарур.

Бундай турдаги кириш қисми предметни киришни ифодалайди. Уни предметнинг мазмунини очиб берувчи кириш қисми сифатида муқаддима билан адаштирмаслик лозим.

Амалиётда кириш қисмининг кириш ва муқаддима элементларидан иборат бўлган аралаш турини кўп учратиш мумкин.

Кўплаб ўқув адабиёти муаллифлари ўз асарларида кириш қисмига етарлича эътибор қаратмайдилар. Ўқув адабиётларининг кўпчилигига кириш кўпроқ учрайди. Шундай ўқув адабиётлари ҳам учрайдики, уларнинг кириш қисмида муаллифлар мазкур фаннинг аҳамияти тўррисидаги стандарт қоидалари билан чекланиб қолаверади. Кириш қисми батафсил ёритиб берилган

ўқув адабиёти эса китобхоннинг ўқув адабиётини ўрганиш жараёнига ҳар томонлама тайёрланган ҳолда киришишига имкон беради.

Кириш қисмига ўз навбатида китобхонларнинг эътиборини гаътифланаётган қоидаларга жалб этиш мақсадида кичик сарлавҳачалар киритилиши мумкин. Ўқувчилар дикқат—тътибори марказида бўлиш мақсадида бу сарлавҳачалар "Дарсликни ўрганишига киришишдан аввал", "Дарсликдан қандай фойдаланиш керак" каби номланиши мумкин.

Муқаддимада ёритиб берилиши мумкин бўлган асосий саволлар қўйидағилардан иборат:

- мазкур ўқув адабиёти қандай мақсадларда ва қайси китобхонлар гуруҳига мўлжаллаб ёзилган;
- ўқув адабиётини ўрганиш китобхонга нима беради, у нимага ўрганади ва олинган билимлардан ўзиш ва ишда қандай фойдаланиши мумкин;
- ўқув адабиёти мазкур фанинг асосий концепциялари тўррисидаги билимларни олишга қандай янгича ёндашувлардан иборат;
- ўқув адабиёти ўрганилган материални мустаҳкамлаш учун қандай материалларга эга (амалиётдан мисоллар, машҳулар, тестлар, бобларнинг шарҳлари, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати ва ҳоказо);
- ўқув адабиётиниң бўлимлари қандай мантиқий кетма—кетликда жойлаштирилган ва унинг асосий моҳияти нимадан иборат;
- ўқув адабиётининг айрим қисмлари киритилган қандай қўшимча ва шартли белгилар (пиктограммалар) билан таъминланган, уларнинг ҳар бири қандай маълумотларни англатади;
- китобхоннинг материални ўзлаштириши (матнни ўзиш, машҳуларни ечиш, вазифаларни бажариш) бўйича муаллиф тавсиялари;
- ўқув адабиётидан турли хил ўқув дастурларида ўқув соатлари ҳажмидағи фарқларга асосан фойдаланиш варианtlари;
- ўқитувчи ва талабалар учун қўшимча услубий қўлланмалар, маъруза, семинар ва амалий машғулотларда намойиш қилиш учун босма усуlda нашр қилинган схемалар, жадвал ва графиклар, шахсий компьютер ёрдамида матн билан ишланиши учун ўқув адабиётининг электрон шакли мавжудлиги тўррисидаги маълумотлар;
- ўқув адабиёти матнида фойдаланилган атамалар

қисқартмаси (аббревиатура¹) тұғрисидаги маълумотлар. Уларнинг рўйхати алоҳида сарлавҳа остида берилиши мумкин;

- мазкур ўқув адабиётининг бошқа муаллифлар ўқув китобларига ўхшаш ва улардан фарқ қиласидиган томонлар;
- тақризчилар, шунингдек, ўқув адабиётини тайёрлашда ўз материаллари, таклиф ва мулоҳазалари билан ёрдам кўрсатган бошқа иштирокчиларга миннатдорчилик сўзлари;
- кигобхонларга ўқув адабиётида топилган хато ва камчиликлар тұғрисида муаллифни хабардор қилиш, ўз фикр ва мулоҳазаларини юбориш илтимоси.

Асосий қисм. Асосий қисм муаллиф томонидан предмет бўйича дастур асосида илмий танланган ва тизимлаштирилган ўқув материалидан иборат тузилма ҳисобланади. Мазкур қисм ўрганиш ва ўзлаштириш учун ўқув маълумотларининг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласиди.

Асосий қисм қисмлар, бўлимлар, боблар, параграфлар ва қўйи (кичик) параграфларга тақсимланади. Унда асосий, изоҳловчи ва қўшимча матнлар ажратиб кўрсатилади, чунки уларнинг ҳар бири фаннинг умумий концепцияси нуқтаи назаридан турли хил аҳамиятга эга бўлади. Бу матнлар бир – биридан турли шрифтларда ёзилиши, саҳифаларда ва аппаратнинг турли хил элементларида жойлашган ўрни билан ажralиб туради.

Дарсликнинг (ўқув қўлланмасининг) асосий матни муаллиф томонидан дидактик ва услубий ишлов берилган ҳамда тизимлаштирилган, ўқув мақсадларига жавоб берувчи материални ифодалайди.

Ўқув адабиётининг асосий матнини ишлаб чиқища қўйидаги схемага амал қилиш тавсия этилади:

- курсни, унинг мавзулари ва ҳар бир мавзу бўйича саволларни ўрганиш давомида талаба ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳажми ва характеристерини аниқлаш;
- илгари ўрганилган фанлар бўйича талабаларнинг олган билимлар ҳажмини (ўқув режаси, ўқув дастури ва ўқув адабиётлари бўйича) аниқлаш ҳамда шу асосда ҳар бир савол, мавзу ва бутун курс бўйича билимлар ҳажми ва характеристерини аниқлаш;
- ўқув маълумотларини беришнинг мантиқий ва дидактик кетма – кетлигини аниқлаш;
- асосий матн таркибини ишлаб чиқиш, баён қилинаётган материални услубий асосланган параграф ва қўйи параграфларга

¹ Аббревиатура (латинча. abbrevio – қисқартираман) – мураккаб қисқартма сўз.

тақсимлаш;

- параграфлар мазмунини ишлаб чиқиши: уларни қисмларга ажратиш ва ҳар бир қисми учун мос келувчи ифодалаш шаклини {маты, расм, жадвал ва ҳоказо} танлаш; параграфнинг таркибий қисмларини безаш, яъни унинг қисмлари мазмунини маълумотларни етказиб бериш шакли билан уйғунынг таъминлаш; параграфни ўрганишда талабаларнинг билим олиш фаолиятини моделлаштириш; олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш ва тескари алоқани амалга ошириш услубларини лойизжалаштириш; бошқа ўқитиш воситалари билан алоқаларни аниқлаш;

- ўқув адабиётининг боблари (қисмлари, бўлимлари)ни безаш, параграфларни ўқув маълумотларининг мантиқий кетма – кетлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;

- ўқув адабиётининг асосий матнини бутунлигича безаш.

Ўқув адабиётида материалнинг баён қилинишига объективлик, илмий қатъият ва аниқлик, шунингдек, услубий асослариган мантиқий кетма – кетлик хос бўлиши керак.

Ўқув адабиёти мазмуни фаннинг илмий концепциясига мос келиши, мос келувчи билим соҳасини акс эттириши, асосий тибборни долзарб муаммоларга жалб этиши лозим.

Ўқув адабиёти мазмунини шакллантиришда муаллиф маълумотлар таркиби ва уларни баён қилиш кетма – кетлигини белгилаб берувчи фан бўйича ўқув дастурига амал қилиши зарур.

Қисмларга ажратиш ахборотни эгаллаш қонунларига бўйсуниши керак – улардан ҳар бирининг ҳажми қисқа вақт ичida материалларни ўзлаштириш ва эслаб қолиш имкониятларига мос келиши лозим. Ҳар бир нисбатан тугалланган муаммоли – мавзули бўлим фанни ўрганишнинг маълум бир босқичини ифодалали зарур. Бундан ташқари матнни қисмларга ажратиш ягона мантиқий тамойилга бўйсуниши ва бу бўлимлар сарлавҳаларининг бир – бирига бўйсунишида намоён бўлиши керак. Асарнинг ҳар бир қисми ўз мазмунини акс эттирадиган номга эга бўлиши лозим. Бу номлар мазкур матн қисмлари мазмунини ёдда сақлаб қолиш имкониятини оширади.

Ўқув адабиёти таркибини шакллантирас экан, муаллиф бўлим мазмунининг бўлим номига, параграфлар номининг боб ва қисмлар номига мос келишини таъминлайди. Муаллиф биринчи навбатда дастурнинг дидактик бирликларига таяниши лозим. Сарлавҳа қисқа, ва аниқ бўлиши, бўлим мазмунини тўлиқ қамраб олиши ва тез эсда қоладиган бўлиши талаб қилинади.

Ўқув нашрлари биргаликда текшириб кўрилган ишончли

назарий ва амалий билимлар тизимини акс эттириши лозим. Улар предметни ўзлаштириш учун зарур бўлган ва мазкур фаолият соҳасида билимлар базаси ҳисобланувчи фундаментал билимларга асосланади. Бу маълумотлар эсда қолиб, шахснинг ахборот маданиятини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бундан ташқари, у бошқа предметларни ўрганишда ҳам жалб қилинади.

Үқув нашрларида фаннинг услубий қоидаларига алоҳида эътибор қаратилади. Үқув нашрлари мос келувчи фаолият соҳаси усул ва шакллари тўғрисидаги билим ва тасаввурлар тизими, шахснинг ахборот маданияти, хусусан, унинг дунёқараши, маънавий ва эстетик жиҳатларини шакллантириши дозим.

Функционал жиһатдан асосий, изоҳловчи ва құшимча матндар түрді хид вазифаларни бажарады.

Асосий мат тұлалыгында үзлаштирилиши лозим. У предметни үзлаштириш учун зарур маълумотлардан иборат бўлади. Асосий матнинг предмет соҳаси билимлари ўз аксини топади. Айнан шу сабабли муаллифлар кўпинча фақат асосий матндан ташкил топган адабиётларни нашр эттиришга ҳаракат қиласидилар.

Бундай ёндашув нотүгри, албатта. Ўқув адабиётининг ўқитиш имкониятларини изоҳловчи ва қўшимча матнлар ҳисобига кенгайтириш зарур.

Асосий матн бир қатор талабларга жавоб беріши керак.

Биринчи навбатда шуни эътиборга олиш лозимки, ўқув нашрида таснифлар, қонун ва қонуниятлар, қоида ва меъёрлар муҳим ўринга эга. Улар замонавий фан даражасига жавоб бериши ва амалиёттга зид келмаслиги зарур. Бундан ташқари, улар аниқ ва равшан ифодаланиши, фанинг муҳим жиҳатлари очиб берилиши, муаллиф томонидан изоҳланишпи лозим. Ўқув адабиёти таркибиға киритилган қонун ва таснифлар ўртасидаги алоқалар яққол кўзга ташланиб туриши керак.

Асосий матндардың маңызатынан да анын мактаблардың жаңылыктарынан да даиллар нуфузли бўлиши ва қабул қилинган месъёрларга жавоб беришни лозим. Олий мактаблар учун ўкув адабиётларида уларни киритиш ва очиб беришда мавжуд нуқтаи назарлар тушунтириб берилади.

Матнга киритилган таърифлар бир хил маъниоли, бир-бирига зид келмайдиган бўлиши ва таълим олувчиларнинг белгиланган тоифаларининг қабул қилиш имкониятларига мос келиши лозим.

Изоҳловчи матнлар одатда асосий матн жойлаштирилган саҳифанинг бир четида келтирилади. Улар қуидагилардан изборат бўлади:

- оммалаштирувчи маълумотлар (муҳим амалий

ишланмаларни таклиф этган, турли хил қонун ва қонуниятларни очсан олимларнинг сурати ва қисқача таржимаи ҳоли. Бу ҳолатда изоҳловчи матнлар ўқув нашрининг гуманитар таркибий қисмини ташкил этади ва талабанинг дунёқарашини кенгайтиради);

- мазкур фаолият соҳасининг турли натижаларини қўллаш ёки улардан фойдаланишига мисоллар;
- тарихий маълумотномалар (бирор – бир ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тарихи ёки иқтисодиётда концепция ва усулларнинг қўлланиш тўғрисидаги маълумотномалар). Бундай матнлар амалий аҳамиятта эга бўлиб, назарий билимларни тармоқнинг муайян фаолияти билан боғлаб туради.

Изоҳловчи матнлар нашрининг ўқитиш имкониятларини кенгайтириши, турли объектлар, жараён ва ҳодисаларни тайрифланишидан иборат бўлиши лозим.

Изоҳловчи матнни тайёрлашда муаллиф ахборотни қабул қилиш имкониятларини, баён қилинаёттан маълумотларнинг мос келувчи китобхонлар доираси учун етиб боришини ҳисобга олиши зарур.

Иқтисодий йўналишдаги кўплаб ўқув фанлари меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларга, статистика маълумотларига таянади. Бундай материаллар ёки уларнинг айрим қисмлари асарнинг бўлимлари ёки унинг ўзини якунлаши мумкин. Бу материаллар қўшимча матнлар блокини ташкил этади. Асосий матннинг айрим қоидаларини тасдиқловчи илмий материаллар ҳам қўшимча материал сифатида қўлланиши мумкин.

Изоҳловчи матнлар таълим олувчи бевосита қонун ёки таснифларни ўрганиш жараёнида маълум бир тартибланган қаторни – «назария, концепция, услугбият, усул – яратувчининг шахси», «усул – уни қўллашига мисол» шакллантириши мақсадида, бир қарашда кўзга ташланиши учун асосий матнларга “боғлаб” қўйилиши лозим. Иқтисодий ўқув адабиётларида мисол шаклидаги изоҳловчи матнлар муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг баъзи дарсликларда жуда кам келтирилиши талabalарнинг ўқув материалини тўғри тушуниши ва яхши ўзлаштиришини қийинлаштиради.

Ўқув адабиётларининг ижобий ҳиссиётли жиҳатлари ўқув материалини яхши ўзлаштиришга хизмат қиласи. Бундай жиҳат яратишга мисол қилиб кузатув маълумотлари, назарий қонунлар ва қонуниятларнинг тарихий ихтиrolар, олимларнинг қисқача таржимаи ҳоли билан биргаликда бериб боришини кўрсатиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек қўшимча матнлар бўлим охирида келади ва асосий матн билан ҳаволалар тизими орқали

боғланган бўлади. Бу материални ёдда сақлаб қолиш шарт эмаслиги маълум. Бироқ айрим қоидаларнинг қўшимча тасдиқланиши уларнинг ўзлаштирилиши ва ишончлилик даражасининг ўсищига хизмат қиласди. Қўшимча матнлардан муваффакиятли фойдаланишга мисол қилиб К.Р.Макконел ва С.Л.Брюонинг “Принципы, проблемы и политика” дарслигини келтириш мумкин [13].

Иловалардаги тўлдириувчи қоидалар сезиларли аҳамиятта эга бўлиши лозим.

Хулоса. Хулоса – асарнинг якуний қисми бўлиб, асосий хулосалар ва умумлаштирувчи материаллардан иборат бўлади. Унинг вазифаси таълим олувчининг олинган билимларини умумлаштиришга кўмаклашишдир. Таълим олувчи мазкур бўлимдан у ёки бу билим соҳасидаги ҳал қилинмаган масалалар, мавжуд илмий йўналишлар, гипотезалар, шунингдек, фан ривожланишининг асосий йўналишлари тўғрисида билиб олиши мумкин. Бу ерда муаллиф китобдаги материалларни ўрганиша олинган билимларнинг қайсилари кейинги фанларни ўрганиш ва амалий топшириқларни бажарища қўлланиши, мазмунини янада чуқурроқ ўзлаштириш имкониятлари тўғрисида тўхталиб ўтиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўқув курсининг мазмуни, шунингдек, у акс эттирувчи фаолият соҳасининг мазмуни билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Бундан ташқари, хулоса муқаддимани қайтариши эмас, балки уни тўлдириши ва чуқурлаштирип музҳим аҳамият касб этади.

Ўқув адабиётларининг музҳим таркибий қисми бўлган бу элементни ҳозирги кунда нашр қилинаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларида камдан – кам ҳолларда учратиш мумкин.

Изоҳлар. Изоҳлар асосий матнга қисқача қўшимчалар, тушунтириш ва аниқлашлардан иборат бўлиб, матн ичида, сатр остида ёки матндан ташқарида келтирилади.

Кўрсаткичлар. Кўрсаткичлар (мавзуй, номлар, мавзуй – номлар ва бошқалар) ўқув адабиётининг кичик таркибий элементлари бўйича маълумот олишда йўлбошловчи ҳисобланади. Улар китобни тўлиқ ўқиб чиқмасдан яхлит матн ичидан керакли шахс, предмет, ҳодиса ва мавзулар бўйича маълумотларни тез топишга имкон бериш йўли билан китобдан фойдаланишни енгиллаштиради. Замонавий хорижий ўқув адабиётларида улар зурурий таркибий элемент ҳисобланса – да, бизда бу ҳақда ҳали гапира ололмаймиз.

Кўрсаткичлар алфавит бўйича, вақт бўйича ва бошқа тартибида жойлаштирилади. Кўпинча улардан алфавит тартибида фойдаланишини кузатишимиз мумкин.

Мавзуй кўрсаткичларига ўқув адабиётида учрайдиган асосий атама ва тушунчалар киритилса, номлар кўрсаткичларига – қайд этилган шахсларнинг исми – шарифи киритилади. Мавзуй кўрсаткичидаги атаманинг ёнида ёки номлар кўрсаткичидаги фамилия ёнида вергулдан сўнг ушбу атама ёки фамилияни учратиш мумкин бўлган саҳифа рақами келтирилади.

Мавзуй кўрсаткичдаги атамалар ва номлар кўрсаткичидаги фамилиялар устун шаклида ёзилади ҳамда биринчи ва ундан кейинги ҳарфлари бўйича алфавит тартибида жойлаштирилади.

Битта ҳарфдан бошланувчи атама ёки фамилиялар гуруҳи кейингилардан ажратилади.

Мавзуй кўрсаткичда аввалги қаторда келувчи сўзни тақрорловчи сўз чизиқча билан (битга сўз ўрнига битта, иккита сўз ўрнига иккита ва ҳоказо) алмаштирилади. Учтадан ортиқ сўзни чизиқча билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Кўрсаткичларга қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

- китоб мазмунини максимал даражада тўлиқ акс эттириш;
- сарлавҳаларни излашнинг қулайлиги (биринчи ўринга изланиш эҳтимоли юқори бўлган сўзни қўйиш);
- кўрсаткични тузищда қарорларнинг кетма – кетлигига риоя қилиш;
- манзилли ҳаволаларнинг аниқлиги;
- алфавит тартибида қатъий риоя қилиш;
- олдиндан хабардор қилиш (кўрсаткич бошида китобхонни кўрсаткич тузилган тамойиллари билан таништириш).

Колонтитул – саҳифа матни устидаги саҳифанинг мазмунини (қайси бобнинг қайси параграфи) аниқловчи маълумот сатри.

Колонтитулдан сарлавҳалар таркиби ва бир – бирига бўйисуниш тартиби мураккаб бўлган ўқув адабиётларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Саҳифадаги матн мазмунини акс эттирувчи колонтитул китобхоннинг аниқ бир мавзу бўйича матн қисмларини тўлиқ ўқиб ўтирувчи топишига кўмаклашади.

Иловалар. Илова сифатида асосий матнни тўлдириб турувчи расмий ва қўшпимча маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Иловалар таркибига жадваллар, схемалар, расмлар, хариталар, чизмалар, рўйхатлар ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Иловалар характери ва мазмунига кўра китобдаги айrim хусусий саволларга эмас, балки китобнинг айrim қисмларига ёки тўлалигига китобга таалуқли бўлиши лозим. Барча иловалар мазмунига кўра гуруҳланади ва рақамланади.

Адабиётлар (библиография) – китобда фойдаланилган, шунингдек, мазкур предмет бўйича мустақил ўрганишга тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлган бўлим. У китоб охирида маҳсус рўйхат ва шарҳ, матн ичидағи ҳаволалар, сатрлар остидаги ҳаволалар кўринишида келтирилади. Қўшимча адабиётлар предмет мазмунидан келиб чиқсан ҳолда танланади.

2.4. Саволлар, машқ ва топшириқлар

Муаллифнинг энг муҳим вазифаларидан бири талаба ўзи фанни ўрганиши учун керак бўлган савол, машқ ва топшириқларни тўғри ишлаб чиқишдан иборат.

Услубий жиҳатдан тўғри тузилган саволлар, машқ ва топшириқлар талабанинг ўрганилаётган материал билан қўшимча ишлаши, мустақил равишда ўзини назорат қилишга интилишни шакллантириш, олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш ва мустақил қарор қабул қилиш кўнилмаларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Хозирги кунда иқтисодий фанлар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг катта қисми одатда ўрганилган боб ёки параграфнинг энг муҳим қисмларини такрорлаш ва ўзини – ўзи назорат қилиш учун саволлардан иборат, холос. Бунга қўйидагини мисол қилиб келтириш мумкин:

1. Микроиқтисодиёт фани нимани ўрганади?
2. Ишлаб чиқариш омилларига нималар киради?
3. Тағбиркорликнинг ташкилий шаклларини айтиб беринг?
4. Олигополик бозор қандай хусусиятларга эга?

Юқорида санаб ўтилган саволлар жуда содда бўлиб, бевосита бўлим мазмунидан келиб чиқади. Талабанинг уларга эътибор қиласлик эҳтимоли юқори. Бироқ талаба уларга мурожаат қиласа ҳам ўзлаштирилган материал такрорланади, холос.

Шу билан бир пайтда саволларнинг бундай қўйилиши касбга қизиқиши уйғотиш, олинган назарий билимларни амалиётга қўллаш ва қарор қабул қилиш кўнилмалари шакллантириш вазифаларининг ҳал қилинишини таъминламайди. У қатъий ва аниқ бир меъёрий баҳолаш ва уни амалга ошириш услубиятини қамраб оловчи муайян амалиётга мос равишда муайян билимларни бериш мақсад қилиб қўйилган ҳолларда самарали бўлиши мумкин.

Савол, машқ ва топшириқларни тузишда муаллиф

китобнинг дидактик хусусиятларини кучайтирувчи қарорларни излаб топиши, ўқув адабиётига қўйилувчи ўқув-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва интерфаол ўқитиш усулларини жорий қилиш, билимларни онгли равища ўзлаштиришга жалб қилувчи хусусиятларнинг мавжудлиги, таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, мустақил ўрганишга қизиқиш уйғотишга қўмаклашиш каби талабларини ёдан чиқармаслиги лозим.

Савол, машқ ва топшириқларни тузар экан, муаллиф биринчи навбатда ўзи учун интерфаол ўқитиш усуллари моҳиятини аниқлаб олиши зарур.

"Интерфаол" сўзи инглиз тилидан кириб келган – interact (inter – ўзаро, act – ҳаракат қилмоқ). Интерфаол дегани ўзаро ҳаракат қилиш ёки бирор – бир шахс ёки нарса (масалан, компьютер) билан суҳбат ва мулоқотда бўлишни англатади. Демак, интерфаол ўқитиш – аввало, диалог шаклидаги ўқитиш.

Интерфаол ўқитиш билим олиш фаолиятини ташкил этишининг ўзига хос шаклидир. У муайян ва башорат қилинувчи мақсадларни назарда тутади. Бундай мақсадлардан бири ўқитиш учун қулай, яъни талаба ўз муваффақиятларини, интеллектуал ютуқларини ҳис қилувчи шароитларни яратиш бўлиб, бу ўқитиш жараёнигининг маҳсулдорлигини ҳам оширади. Интерфаол ўқитишнинг моҳияти ўқув жараёнини шундай ташкил қилишдан иборатки, унда талабалар ўқиш жараёнига тўлиқ жалб қилиниб, улар ўзлари билган ва ўйлаётган нарсалар ҳақида мулоҳаза қилиш имконига эга бўлади.

Ўқиш ва ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг биргалиқдаги фаолияти ҳар бир талаба бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшишини англашиб, билимлар, гоялар ва фаолият усулларини алмашиниши рўй беради. Бу хайриҳоҳлик ва ўзаро қўллаб – қувватлаш муҳитида, янти билимларни олишдан ташқари билим олиш фаолиятини ривожлантиришга имкон беради, уни шериклик ва ҳамкорликнинг янада юқори шаклларига ўтказади.

Дарсларда интерфаол фаолият диалог мулоқотларини ташкил этиш ва ривожлантиришни назарда тутиб, ўзаро тушуниш ва ўзаро алоқаларга, ҳамма учун умумий, бироқ ҳар бир иштирокчи учун аҳамиятли вазифаларни биргаликда ечишга олиб келади. Диалог шаклидаги ўқитиш давомида талабалар танқидий фикрлашга, мураккаб муаммоларни ҳодисалар ва мос келувчи маълумотларни таҳлил қилиш асосида ҳал қилиш, муқобил фикрларни солиштириш, баҳс – мунозараларда қатнашиш, бошқа шахслар билан мулоқотта киришишга ўрганади. Бунинг учун машғулотларда якка тартибда ва гуруҳ

бұлиб ишлаш, тәдқиқот лойиҳалари, ишбилармонлик ўйинлари, хужжатлар ва турли хил ахборот манбалари билан ишлаш, ижодий ишлар ва ҳоказолар ташкил этилади.

Хозирги пайтда гурух бұлиб ишлашнинг бир неча хил шакллари ишлаб чиқылған. Бу шакллар машгулотларда талабалар олдиндан таниш ва тасаввурға зәғ бұлған муаммолар мұхокама қилингандың самарали бұлади. Бундан ташқари, мұхокама қилинувчи мавзулар ёпиқ ёки жуда ҳам тор бұлмаслиги лозим. Масалан, солиқ ставкасы қандай бұлиши кераклиги ҳақида гурух бұлиб мұхокама қилишдан фойда йўқ. Шуниси ҳам мұхимки, мұхокама қилинаётган муаммо даражаси тор иқтисодий масалалардан муаммоларни көнг миқёсда күриб чиқишига имкон беризи зарур. Бу муаммо талабалар учун қизиқарлы, ажамиятли ва долзарб бұлиши лозим.

Савол ва топшириқлар ўқув материалини тақрорлашып йўналтиришдан ташқари бошқа турли хил ҳарактерларга зәғ бұлиши мумкин:

- олингандың қарорларни таҳлил қилиш имкониятини назарда тутувчи, бошланғич маълумотлар ва назорат саволлари варианatlари турли – туман бұлған ўқитиш топшириқлари;
- ўқув материалини ўзлаштириш ва уни тушунгандыгини текшириш бўйича топшириқлар, уларга ечилиш мисоллари билан изоҳлар;
- олингандың билим ва кўникмаларни муайян муаммоларни ҳал қилишда мустақил қўллаш бўйича топшириқлар;
- амалий иш ва ҳисоб – китобларни талаб қилувчи топшириқлар;
- талабаларнинг фаол иштирок этишини талаб қилувчи ҳақиқий ишлаб чиқариш вазиятларидан иборат бұлған топшириқлар;
- жавоб варианatlари бир неча хил бұлған тест саволлари;
- "тўғри – нотўғри" шаклидаги жавобларни назарда тутувчи саволлар;
- қисқа ва лўнда жавоб олишни мақсад қилиб қўйған саволлар;
- атамани танлашып оид саволлар (бир неча хил агама варианatlари ичидан тўғрисини танлаш);
- тузилган гапдаги этишмай турған сўзларни жойига қўйиш бўйича машқлар;
- тақрорлаш учун кенгайтирилған саволлар;
- амалиёт (ишлаб чиқариш) вазиятлари;
- ўз фикрини ривожлантириш учун машқлар.

Олий ўқув юртлари учун чет элда нашр қилинган замонавий иқтисодий ўқув адабиётларини кўриб чиқиши натижалари муаллифларнинг ўқув саволлари ва топшириқларига алоҳида эътибор қартишидан далолат беради. Исталган ўқув адабиётида матнни баён қилиш давомида ҳам, маҳсус бўлимларда ҳам ўқув саволлари ва топшириқларини учратиш мумкин. Улар турли – туманлиги, қайси бўлимларга мансублиги, шунингдек, фанинг предмет соҳаси билан ажralиб туради, баъзи ҳолларда улар мазмунига кўра бўлим доирасидан ташқарига чиқади ва талабани фан бўйича қўшимча материалларга мурожаат қилишга мажбур қиласди. Уларга жавоб бериш учун таълим олувчи дарслидаги бўлимни ўқиб чиқишдан ташқари, қўшимча адабиётларни ҳам кўриб чиқади. Ушбу топшириқ ва саволларнинг вазифаси кенг миқёслидир – мустақил фикрлашга ундаш, бўлажак касбга қизиқиш уйғотиш, муаммони кенг миқёсда кўриб чиқишига ўргатиш.

Республикамиздаги ўқув адабиётларининг янги авлоди муаллифлари ҳам савол ва топшириқларни тузишга тўлиқ масъулият билан ёндашишлари зарур.

2.5. Адабиётлар рўйхати

Ўқув нашрларининг муҳим таркибий қисмларидан яна бири библиографик аппарат бўлиб, у библиографик рўйхат (адабиётлар рўйхати) ва библиографик ҳаволалардан иборат бўлади. У талабалар учун манбаларга муҳим кўрсатма бўлиб, уларни предмет бўйича адабиётлар билан таништиради, кўриб чиқилаётган масалаларни чуқурроқ ўрганиш учун зарур бўлган адабиётларни тавсия қиласди ҳамда китобхонни кўриб чиқилаётган масала тўлароқ ёритилган адабиётларга йўналтиради ва муаллифнинг мазкур предмет муаммоларига кириб борганлик даражасидан дарак беради. Библиографик аппаратта қараб муаллифнинг фойдаланилган адабиётлар муаллифларига бўлган муносабати тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин.

Шуни қайд этиш жоизки, адабиётлар рўйхатини тайёрлаш муаллиф томонидан ўқув материални ёзиш давомида олиб борилиши ва қўлёзмани тутгаттунча тўхтатиб турилмаслиги лозим. Рўйхатдаги у ёки бу элементларни расмийлаштиришни кейинга қолдириш мумкин эмас, чунки кейинчалик вақт этишмаслиги ёки манбаларнинг қўй остида бўлмаслиги сабабли улар рўйхатдан тушиб қолиши мумкин.

Афсуски, ўқув материаллари муаллифлари ушбу бўлимни расмийлаштиришга ҳар доим ҳам етарлича эътибор

қарататтандарни йўқ. Давлат стандартлари томонидан белгилаб қўйилган библиографик рўйхат қоидаларига доим ҳам амал қилинмаяти.

Шу сабабли библиографик аппаратни расмийлаштириш қоидалари ва элементларини батафсил кўриб чиқамиз.

Адабиётлар рўйхатида кўрсатилган ҳар бир манба тартиб рақами остида берилиши ва давлат стандартларида белгилаб қўйилган талаблар асосида ифодаланиши лозим.

Манбаларни библиографик ифодалашдан ташқари муаллиф уларни рўйхатда у ёки бу тартибда жойлаштириши лозим. Манбаларни рўйхатда жойлаштиришнинг турли усуллари мавжуд – алфавит тартибида, тизимли тартибда, хронологик тартибда, матнда учраш тартибида ва манбалар турларига кўра жойлаштириш. Улардан қайси бирини танлаш муаллифнинг ҳукуқи ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхатининг энг қулай шакли алфавит тартибида жойлаштириш ҳисобланади. Бу ҳолда адабиёт манбалари китоб муаллифлари ва китоб номи бўйича алфавит тартибида жойлаштирилади. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, рўйхатнинг бошида қонун ва меъёрий ҳужжатлар туради. Улар аҳамият даражасига қараб, юқоридан пастга қараб гуруҳланади, бир хил аҳамиятли ҳужжатлар эса нашр қилинган муддатига қараб жойлаштирилади. Чет тилидаги адабиётлар рўйхатнинг охирида асл нусхадаги тилда келтирилади.

Ҳар бир манба рўйхатда библиографик ифодалашнинг давлат стандартлари томонидан белгиланган қоидаларга асосан кўрсатилади. Ҳозирги кунда амал қилинаётган библиографик ифодалаш «ГОСТ 7.1-84. Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Библиографическое описание документа. Общие требования и правила составления. - М.: Госстандарт, 1984» талабларига жавоб беради.

Библиографик ифодалашнинг таркибий қисмлари унинг сарлавҳаси ва соҳалари ҳисобланади.

Ўқув материалларида адабиётлар рўйхатини тузишда асосан библиографик ифодалашнинг қўйидаги соҳалари ажратиб кўрсатилади:

- ифода сарлавҳаси (муаллиф фамилияси ва исми – шарифи);
- номи ва масъулият тўғрисидаги маълумотлар (асар номи ва унга тааллуқли маълумотлар; ҳужжатни яратишда иштирок этган шахслар [муаллифлар, жумладан, жамоа муаллифлари, тузувчилар, муҳаррирлар, таржимонлар] ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар);

- нашр – мазкур асарнинг худди шу асарнинг бошқа нандраридан фарқлари тўғрисидаги маълумотлар;
- босилиб чиқиш маълумотлари (нашр қилинган жой, нанриёт номи ва йили);
- миқдорий тавсифнома (бетлар, табоқ сони).

Ҳар бир соҳа маълум бир элементларни бирлаштиради ва ўз ўрнига эга ҳисобланади.

Ифодалаш соҳалари ва уларнинг таркибий қисмлари бўлган элементларни фарқлаш учун ягона шартли ажратиш белгилари тизимидан фойдаланилади (2.1 – жадвал).

2.1 – ЖАДВАЛ

Библиографик ифодалашда шартли ажратиш белгиларини жойлаштириши

Шартли ажратиш белгиси	Библиографик ифодалашнинг соҳаси ёки элементи олдида жойлаштириладиган шартли ажратиш белгиси
:	Ифода сарлавҳаси. Асосий номи Бошқа номи
/	Масъулият тўғрисида маълумот (муаллифлар, тузувчилар, муҳаррирлар, таржимонлар)
//	Таркибий қисм жойлаштирилган ҳужжат, тўплам, журнал, газетанинг номи
-	Нашр жойи
:	Нанриёт номланиши (китобнинг)
,	Нашр йили (китобнинг)
-	Нашр йили (журналинг)
-	Тартиб рақами (журналинг)
-	Саҳифалар сони

Ифодалаш соҳаси ва элементларини аниқроқ фарқлаш учун шартли ажратиш белгисидан олдин ва кейин битта оралиқ қўйилади.

Ифодалаш элементи ичida библиографик ифодалаш тили қоидалари амал қиласи.

Ўқув материалга адабиётлар рўйхатини тузиш учун библиографик ифодалаш намуналарини кўрсатиб ўтамиз.

1. Манбани библиографик ифодалаш схемаси:

Ифода сарлавҳаси. Асосий номи: номига тегишли маълумотлар *Масъулият тўғрисидаги маълумотлар. – Нашр тўғрисидаги маълумотлар. – Нашр қилинган жойи ва санаси. – Ҳажми.*

Битга муаллиф китоби:

Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. — Т.: Меҳнат, 1998. — 384 б.

Иккита муаллиф китоби:

Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб. — Т.: Меҳнат, 2000. — 552 б.

Учта муаллиф китоби:

Гуломов С.С. ва бошқ. Иқтисодий информатика: Дарслик / С.С.Гуломов, А.Т.Шермухамедов, Б.А.Бегалов: С.С. Гуломовнинг умумий таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 528 б.

Тўртта муаллиф китоби:

Кичик бизнесни бошқариш: Ўқув қўлланма / М.С. Қосимова, Б.Ю. Ходиев, А.Н. Самадов, У.С. Мухитдинова.— Т.: Ўқитувчи, 2003. — 240 б.

Бешта ва ундан ортиқ муаллифлар китоби:

Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик / С.С. Гуломов, Р.Х. Алимов, Х.С. Лутфуллаев ва бошқ.: С.С.Гуломовнинг умумий таҳрири остида. — Т.: Шарқ, 2000. — 592 б.

Кўп томли нашр

Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма / М. Шарифхўжаев таҳрири остида.— Т.: Шарқ, 2003. — Биринчи—иккинчи китоб.

Таржима нашр:

Пингайк Р., Рубинфельд Д. Микроиқтисод: ингл. қисқар. тарж. қилинган / А. Ўлмасов ва бошқ. — Т.: Шарқ, 2002. — 448 б.

Диссертация:

Адилова З.Д. Истеъмол товарлари бозорига атир—ула маҳсулотлари маркетингини ривожлантириш (Ўзбекистон атир—ула маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолига): и.ф.н. ... диссертацияси. — Т.: ТДИУ, 2001. — 140 б.

Диссертация автореферати:

Адилова З.Д. Истеъмол товарлари бозорига атир—ула маҳсулотлари маркетингини ривожлантириш (Ўзбекистон атир—ула маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолига): и.ф.н. ... автореферати. — Т.: ТДИУ, 2001. — 20 б.

Дарслик, ўқув қўлланма:

Мусаев Х.Н. Аудит: Дарслик. — Т.: Молия, 2003. — 220 б.

Улмасов А. Иқтисодиёт асослари: Ўқув қўлланма. – Т.: Мехнат, 1997. – 223 б.

Анжуман материаллари:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини ўркилаштиришнинг устувор йўналишлари мавзусидаги илмий-амалий анжуман (2000, Тошкент). Маъruzалар тўплами. – Т., 2000. – 220 б.

Лугат:

Бозор иқтисодиёти: изоҳли лугат / Тузувчилар Б.А. Эркаев, Г.И. Каримова. – Т.: Шарқ, 1997. – 124 б.

Тўплам:

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва унинг барқарор ривожланиш истиқболлари: Илмий ишлар тўплами / Масъул муҳаррир Г.Н. Ахунова; ТДИУ. – Т.: ТДИУ, 2003. – 167 б.

Стандарт:

O'z DSt 604:2001. Пахта толаси (Техникавий шартлар). – Т.: Узбек давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш маркази, 2001. – 20 б.

Чет эл адабиётлари

Hofmaier R. Erfolgsstrategien in der Investitionsgüterindustrie. – München: Verlag Moderne Industrie, 1995. – 321 S.

Lehrplan für die bauerische Hauptschule. - München: Bauerischen Staatsministeriums, 1997. – 422 S.

Beazden W. O., Ingram Th. N., Loforge R. W. Marketing Principles and Perspectives. – Chicago: Irwin, 1995. – 831 p.

Martin C. Marketing: An Introduction. – London: Pan Books, 1991. – 339 p.

Homans G. Social Behaviour as Exchange // American Journal of Sociology. - 1958. - Vol. 63. - P. 32-49.

2. Манбанинг таркибий қисмини библиографик ифодалаш схемаси:

Манбанинг таркибий қисми тўғрисидаги маълумотлар // Таркибий қисм жойлаштирилган манба тўғрисидаги маълумотлар. – Изоҳ.

Қонун ва меъёрий ҳужжатлар:

«Фермер хўжалиги тўғрисига». – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Солиқ тўловчининг журнали. – 2004. – №10.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисига». – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1996. – 6-сон, 59-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори:

Товар—хом ашё биржалари фаолиятини таомиллаштириши чора—тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги қарори.

Китоблардан олинадиган мақола ва бошқа материаллар:

Расулов М.Р. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурияти // Бозор иқтисодиётини асослари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 335–343–бетлар.

Даврий тўпламдаги мақола:

Абдусаламова Н.М. Халқаро туркумда меҳнат ва уни ташкил этиш // Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари. – Т.: ТДИУ Г.В. Плеханов номидаги РИА, 1999. – 114–116–бетлар.

Журналдаги мақола:

Сайфутдинов М. Тўқимачилик саноатига маркетингдан самарали фойдаланиш ўйлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2002. – №7–8. – 46–47–бетлар.

Газетадаги мақола:

Саидагамедов Н.С. Педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳаза // Маърифат. – 1998. – 24 июн.

Анжуман, семинар материалларидағи мақола:

Алимов Р.Х. Иқтисодий таълим жараёнида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш // Иқтисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истиқбол. Халқаро илмий–амалий анжуманнинг маъruzалар тўплами. 19 апрел 2001 йил. – Т., 2001. – 12–13 бетлар.

Сўнгти йилларда олий иқтисодий таълим соҳасида бир қатор анъанавий босма нашрлар билан бир пайтда электрон нашрлар ҳам тайёрланиб, ўқув жараёнига турли хил интернет ресурслари тобора кўпроқ жалб қилинмоқда, электрон нашр муаллифларининг ўз асарларини тайёрлашда интернетдан фойдаланиши ривожланмоқда.

Компьютер ёрдамида бошқариладиган электрон ахборот ресурслари турли – туман бўлиб, қуйидаги турларга тақсимланади:

- локал (маҳаллий) кириш, алоҳида электрон жиҳозда (электрон диск, видеодиск ва ҳоказо) жойлаштирилган ва компьютерга киритилиши мумкин бўлган ахборотлар;

• масофавий кириш (ахборотларни хотирада сақловчи носиталар ёки ахборот тармоқлари, масалан, Интернетда жойлашириш).

Электрон ахборот ресурсларини ўқув жараёнига жалб ғилиш ўз навбатида уларни түгри библиографик ифодалаш ва түгри иқтибос келтириш заруратини юзага келтиради. Бироқ бу вазифа ҳали охиригача ҳал қилинмаган.

Хозирги пайтда электрон нашрлар ишлаб чиқаришни тартибга солувчи бир қатор халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар яратилган.

Биринчилар қаторида 1997 йилда ИФЛА томонидан "Электрон ресурсларни халқаро стандарт асосида библиографик ифодалаш" (ISBD(ER): *International Standard Bibliographic Description for Electronic Resources* - www.ifla.org/VII/s13/pubs/isbd.htm#1) ҳужжати нашр этилган. Мазкур тавсиялар кутубхона каталог түзувчиларига электрон материалларни ҳисобга олиш учун мұлжалланған.

Электрон нашрларда нашр маңымоларини тартибга солиши мәқсадида Россияда ГОСТ 7.83-2001 «Электронные издания Основные виды и выходные сведения» ишлаб чиқилиб, 2001 йилнинг 30 октабрида Давлатларо стандартлаш, метрология ва сертификациялаш кенгаси мажлисида тасдиқланған ва 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб кучга кирган. Электрон нашр ишлаб чиқарувчиларга йўналтирилган мазкур стандарт халқаро мақомга ша бўлиб, унинг қабул қилинишига Ўзбекистон томонидан ҳам овоз берилган (Ўздавстандарт).

Мазкур стандарт библиографик ифодалашни 2002 йилнинг 1 июлида қабул қилинган ва халқаро мақомга эга бўлган ГОСТ 7.82-2001 «Библиографическая запись. Библиографическое описание электронных ресурсов: Общие требования и правила составления» талаблари асосида олиб боришини назарда тутади.

Кўрсатилган стандартлар асосан тугалланган сайtlар ва тўлиқ ахборот ресурсларини (маълумотлар тўплами, тармоқли даврий электрон нашрлар ва ҳоказо) ифодалаш учун қўлланиши мумкин. Бироқ ўқув адабиётларида кўп ҳолларда Интернет ресурслари, масалан, айрим web-саҳифалар кўрсатилади. Кўплаб интернет ресурсларини ГОСТ 7.83-2001 талаблари асосида ифодалаш катта қийинчилликлар тугдиради.

Шу сабабли китобларда адабиётлар рўйхатини тузишда юқорида кўрсатилган стандартлардан ташқари муаллифлар томонидан кўп қўлланиладиган турли хил интернет ресурсларини ҳисобга олувчи библиографик ифодалаш усувларига ҳам таяниш лозим.

Ўқув адабиётлари муаллифларининг [18] асарда кўрсатилган ҳамда энг тарқалган интернет ҳужжатлари турларини ифодалаш учун қўйланиши мумкин бўлган библиографик ифодалаш қоидаларидан фойдаланиш қулийлик туғдиради. Бу қоидаларга таянган ҳолда баъзи бир схемалар ва мос келувчи мисолларни кўрсатиб ўтамиз.

Web – саҳифани ифодалаш:

Муаллиф. Саҳифа номи. Ҳужжат турис. (Электрон манзил (URL)). Мурожаат қилинган сана.

Мисоллар:

В Узбекистане почти полмиллиона интернет-пользователей: [Электронный документ].-<http://www.iza.uz/tech/?id=239&print>). Проверено 16.01.2004.

Гальперин В.М., Игнатьев С.М., Моргунов В.И. Микроэкономика. [Электронный документ].-<http://microeconomics.economicus.ru/>. Проверено 12.11.2002.

Электрон журналдаги мақола:

Музафаров, Дамир. Малый и средний бизнес в Узбекистане: быть или...: Обзор доклада международной финансовой корпорации "Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса", 2003 год: [Электронный документ] // Экономическое обозрение. – 2004.- Вып.3. (<http://www.review.uz/archive/article.asp?y=2004&m=66&id=211>). Проверено 18.06.2004.

Рақамли маълумотлар тўпламидан олинган ҳужжатни ифодалаш схемаси:

Муаллиф. Номи. // Манба номи (журнал, газета, бюллетень) манба турини кўрсатган ҳолда – "электрон ҳужжат". Манба түғрисидаги маълумотлар (том, рақам, нашр санаси, саҳифа). Маълумотлар тўплами номи. (Маълумотлар тўпламишининг электрон манзили). Маълумотлар тўпламидаги қайднома рақами. Мурожаат қилинган сана.

Мисол:

Alzamil, Mansour A. Perceptions of Internet use as academic library services' delivery medium for Web-based courses: [Электрон ҳужжат] / The Florida State University. - 2002, 153 pages. ProQuest (<http://www.proquest.com/>). AAT 3034039. Мурожаат қилинган сана 11.03.2003.

Локал кириш ресурси:

Цветков, Виктор Яковлевич. Компьютерная графика: рабочая программа [Электронный ресурс] : для студентов заоч. формы обучения геодез. и др. специальностей / В.Я. Цветков. — Электрон. дан. и прогр. --

M.: МИИГАиК, 1999. — 1 дискета. — Систем. требования: IBMPC, Windows 95, Word 6.0. — Загл. с экрана. - № гос. регистрации 0329900020.

Муаллифлар адабиётлар рўйхатига интернет ресурсларини киритишда тармоқ ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ қўйидаги қоидаларни ҳисобга олиши ва уларга риоя қилиши лозим:

- босма китобнинг электрон шакли мавжуд бўлса иккала манбани ҳам кўрсатиш. Талаба ўз ҳоҳишига кўра тавсия этилаётган адабиётнинг исталган турига мурожаат қилиши мумкин;

- шуни эътиборга олиш керакки, интернет ресурслари динамикаси юқори бўлиб, адабиётлар рўйхатига киритилган манбалар у ёки бу сабабларга кўра вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетиши мумкин;

- интернет ресурси нисбатан барқарор бўлиши, талаба унга исталган пайт мурожаат қила олиши ва доимий манзилга эга бўлиши лозим;

- тўлиқсиз ва ишончсиз материалларни чиқариб ташлаган ҳолда нуфузли интернет ресурсларидан фойдаланиши.

Одатда муаллифларнинг кўпчилиги адабиётлар рўйхатида фойдаланилган (олинган иқтибос, кўриб чиқилган, эсга соладиган) ва тавсия этиладиган манбаларнинг библиографик ифодаланиши келтирилади. Бироқ ўқув адабиётларида фақат ўрганиш учун тавсия қилинадиган адабиётларни келтириш мақсадга мувофиқ. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати эса талаба учун зарур маълумотларни бермайди, чунки уларда ортиқча маълумотлар жуда кўп бўлади.

Ўқув матнини адабиётлар рўйхати билан боғлаш учун ҳавола белгилари қўлланади.

У ёки бу асарга ҳавола белгисини ишлатишда китобнинг асосий матннида тўртбурчакли қавс ичида ушбу асарнинг тартиб раҳами келтирилади, масалан: [35], бу шуни англатадики: асар рўйхатда 35 – раҳам остида турибди. Бир нечта асарларга ҳавола белгисини қўллашда барча асарлар тартиб раҳамлари тўртбурчакли қавс ичида келтирилади ва вергул ёрдамида бир – биридан ажратилади, масалан: [35, 44, 76]. Агар ҳавола белгисидаги асарлар тартиб раҳами узлуксиз кетма – кетлиқда бўлса, улар қўйидаги кўринишида акс эттирилади: [7 – 15]. Асосий матнда манбанинг саҳифаси кўрсатилганда саҳифа раҳами ҳам тўртбурчакли қавс ичига киритилади, масалан: [33, 14 – бет], яъни: 33 – манбанинг 14 – саҳифаси. Барча ҳолларда ҳавола белгилари муайян матн қисмлари (келтирилган иқтибос, қоида, формула, жадвал, сурат ва ҳоказолар) билан боғлиқ бўлиши

ЛОЗИМ.

2.6. Библиографик ҳаволалар

Адабиётлар рўйхати ва ҳавола белгилари билан бир қаторда ўқув адабиётларида библиографик ҳаволалар ҳам келтирилади. Улар иқтибослар келтириш, қоида, формула, жадвал, чизмалардан фойдаланишида, китобхонни кўриб чиқилаётган масала, у ёки бу иш таҳлили тўлароқ келтирилган нашрга ҳавола қилинада қўлланади.

Библиографик ҳавола бу китобда фойдаланилган иқтибос, кўриб чиқилган ёки эсга олинган манба ёки унинг таркибий қисми ҳақидаги маълумотлардир.

Библиографик ҳаволани турли усуллар ёрдамида жойлаштириш мумкин:

- изоҳда;
- китоб матнида;
- қисман китоб матнида ва қисман изоҳда.

Изоҳда жойлашган ўрнига қараб библиографик ҳаволалар қўйидаги турларга тақсимланади:

- матн ичида (матндан сўнг бевосита сатрда қавс ичida келтирилади);
- сатр ости (саҳифанинг пастки қисмида майдा шрифтлар билан ёзилади);
- матндан ташқари (китоб охирида ёки унинг асосий матндан кейинги қисмида келтирилади).

Матн ичида библиографик ҳавола матннинг узвий ва ажralmas қисми ҳисобланади.

Ҳаволаларни матн ичida жойлаштириш исталмаган ёки мумкин бўлмаган ҳолларда манбаларга сатрости ҳаволаларидан фойдаланилади. Бунинг учун ҳавола саҳифанинг пастки қисмида жойлаштирилади, китобдаги матн охирида эса тартиб рақами ёки юлдузча шаклида ҳавола белгиси келтирилади. Агар битта саҳифада ҳаволалар сони тўрттадан ортиқ бўлса, фақат рақамлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Биринчи ҳаволада манбанинг номи тўлиқ келтирилади. Битта манбага такорий ҳаволада "ўша ерда" деб ёзилади ва саҳифа рақами берилади.

Мисол тариқасида мазкур ишнинг 1.2 – бўлимида келтирилган матн ичида ва сатрости ҳаволаларини кўриб чиқиш мумкин.

Фойдаланилган манбалар сони кўп бўлган ҳолларда матндан ташқари библиографик ҳаволалар қўлланади.

Хорижий манбаларга ҳаволалар албатта чет тилида берилади, ўзбек тилига таржима қилинганда эса кўрсатма берилади.

Китоб матнiga тўлиқ киритилган библиографик ҳавола муаллифнинг хоҳишига кўра жойлаштирилади. Бунда библиографик маълумотлар манбани излаб топиш учун етарли бўлиши лозим.

Мисол:

Турли материални ёрдамчи восита сифатида ишлатиш учун интернетдаги «Салин В.Н., Калашникова М.И. Графические изображения статистических данных: Электронный учебник / Финансовая академия при правительстве РФ. -2001 г.- /www.fa.ru/» манбасидан топиш мумкин.

Қисман матн ичida ва қисман изоҳда келтирилган ҳавола библиографик маълумотлар матн ва изоҳда такрорланмайдиган ҳолда тузилади.

Бир қатор ҳолларда библиографик ҳаволалар қўшимча аниқловчи сўзлар билан бирга келтирилади:

- "Қаранг, масалан," — агар ҳавола берилган манба асосий матн қоидалари келтирилган ёки акс эттирилган манбалардан бири бўлса;
- "Солиширинг" — агар ҳавола солишириш учун берилган бўлса;
- "Қаранг" ёки "Бу ҳақда қаранг" — агар матндан ҳаволага текис мантиқий ўтиш мумкин бўлмаса;
- "Қўш, қаранг" — агар ҳавола қўшимча адабиёт эканлигини кўрсатиш керак бўлса.

3 – боб. МАТН МАЗМУНИ

3.1. Матн ва унинг тавсифлари

Бутунги кунда ўқув материаллари матнини яратишнинг илмий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган бўлиб, иқтисодий матнларни яратиш услубияти амалда деярли йўқ. Шунга қарамай, иқтисодий соҳада ўқув адабиётини яратишида муаллифлар замонавий ўқув адабиётлари яратиш муаммоларини ёритувчи маҳсус адабиётларга таянишлари лозим. Бу жиҳатдан маҳсус адабиётдаги материаллардан келиб чиқсан ҳолда матнни ҳар томонлама тавсифлашта ҳаракат қилиб кўрилган [7] ўқув адабиётини муваффақиятга эришган деб ҳисоблаш мумкин.

Қўлланма китобшунос талабаларга мўлжалланган бўлса – да, у маълум маънода муаллифларнинг мураккаб матн муаммоларини ҳал қилишларида уларга ёрдам кўрсатиши мумкин. Ушбу асаддаги маълумотлардан фойдаланиб, матн, унинг таркибий қисмлари ва тавсифларини иқтисодий ўқув адабиётларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқамиз.

Матнни унга жойлаштирилган ахборот, унинг таркиби ва услуби нуқтаи назаридан, шунингдек, қабул қилиш учун материал сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ўқув материаллари матнини тузища "матн – китобхон" муносабатлари марказий ўринин эгаллаши лозим.

"*Матн*" (лат. *textus*) сўзи "*мато, тўқима, бирлашув*" маъносини англатади.

Матн асосий хусусиятлари боғлиқлик ва тўлиқлик хусусиятларига эга, маъноси бўйича бирлаштирилган белги бирликлари кетма – кетлигини акс эттиради.

Матнинг "мезерда" баён қилиниши одатда ахборотни вербал ва новербал ифодалашнинг муқобил уйғунашувига йўналтирилади. Бу мезердан четта чиқиш матнинг қисқартирилиши ёки кенгайтирилишига олиб келади. Қисқартириш – кенгайтириш даражаси муаллиф томонидан матнинг мақсадли йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда режалаштирилиши мумкин. У бутун матн бўйлаб ўзгариши

мумкин: матнинг баъзи қисмлари кўпроқ, баъзилари камроқ кенгайтирилган бўлади.

Гап ва жумлаларо бирлик (семантик ва синтактик жиҳатдан ягона фрагментта бирлаштирилган гаплар) матн бирликлари ҳисобланади.

Жумлаларо бирлик ўз навбатида янада йирикроқ қисмларга – фрагмент-блокларга бирлашиб, маъно ва грамматика алоқалари ёрдамида матнинг бир бутунлигини таъминлайди. Хат боши, параграф, бўлим, боб ва ҳоказолар тартибий даражада ажралиб туради.

Матнни яратиш механизмларини тушуниш учун аввало матннинг прагматик мақсади ва муаллифнинг прагматик мақсади каби тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаб олиш зарур.

Муаллиф матннинг ўзини яратишдан ташқари, китобхонни матнни талқин қилишига йўналтиради ҳам.

Матннинг прагматик мақсади матннинг ўзидан – унинг вазифаларидан келиб чиқади. Ўқув адабиётини яратишга киришган муаллиф матннинг ҳажми қандай бўлиши, қайси масала ва муаммоларни ёритиш кераклиги, матн таркиби қандай бўлиши, ўқув адабиётларининг амал қилинадиган жанр хусусиятлари ва материални тақдим этиш усул ва услублари қандай бўлишини оддиндан билади. Матн билан ишни бошлишдан аввал унинг умумий мақсади – ўқитиш маълум бўлади.

Прагматик мақсад матннинг шакли, материални танлаш, умумий услуб ва ҳоказоларни белгилаб беради. Бироқ муаллиф муайян субъект сифатида мазкур йўналишдаги матнни яратишнинг умумий қоидаларига бўйсунган ҳолда матнни яратишга ўзининг ўзгартишларини киритади, яъни ўзининг муаллифлик прагматик мақсадини амалга оширади. Иккала мақсад боғланishi, бир-бирига устма-уст тушиши мумкин, лекин қандайдир сабабларга кўра бир-бирига тўғри келмаслик ва зиддиятта тушиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, муаллиф ўз фикрлари ва нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда матннинг жанрини ҳам танлаши мумкин. Жанрни танлагач, муаллиф мазкур жанр қоидаларига асосан ижод қилса-да, бироқ жанр қонуиларини, мавзуни очиб беришда кетма-кетликни бузиши мумкин.

Муаллифлар ўқув матнларида шахсий бошлиманнинг чекланганлигини ҳисобга олишлари лозим, чунки бу матнлар бадиий матнларга қараганда стандартлироқ бўлади.

Иккита прагматик мақсадларнинг ўзаро алоқада бўлиши натижасида матнда икки хил бўлакка ажратишни учратиш мумкин: матн ёйилтирилишининг таркибий мантиқга бўйсунувчи

объектив ажратиш ва матнни яратишинг мантиқийлигини кучайтирувчи ёки маъновий ва лугавий тузилиш жиҳатлари яратиш йўли билан ўзига хос тарзда бу мантиқийликни бузувчи субъектив ажратиш. Иккинчи ҳолатда матн мақсади ва муаллиф мақсади бир—бирига зид келади ва муаллиф ушбу усуудан атайн китобхонга самаралироқ таъсир кўрсатиш мақсадида фойдаланади. Хусусан, бу муаллиф мақсадарига тўлиқ бўйсунувчи хат бошиларга ажратиш хусусиятларига таъсир кўрсатади.

Матнни лойиҳалаштирища сўзларнинг маълум бир тартиби (бўлакларнинг жойлашиши) билан тавсифланувчи максимал тил бирликлари (гаплар) дан фойдаланилади.

Сўзлар тартиби маънони ўзгартириш, жумлаларо бирлик таркибий қисмларининг эътиборли сифатларини ўзгартириш зарурати муносабати билан ўзгартирилиши мумкин.

Матнлар таъкидловчи (ёки ифодаловчи) ёки далил келтирувчи турда бўлиши мумкин. Бу турлардан ҳар бири матнда турли хил баён қилиш услубларида амалга оширилади. Таъкидловчи матнлар — ифодалаш, ҳикоя қилиш (тавсиф—ифодалаш, хабар—ҳикоя қилиш). Далил келтирувчи матнлар — мулоҳаза (таъриф—тушунтириш, хуласа—мулоҳаза қилиш). Бу баён қилиш усулларининг энг анъанавий таснифланиши бўлиб, унда асосан тасвирлаш, ҳикоя қилиш, мулоҳаза қилишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Таъкидловчи матнлар объектларнинг хусусиятлари, белгилари, жиҳатлари ва сифатлари, синовнинг боришини, ўтиш босқичидаги белгиларни очиб беради (ифодалаш); ҳодиса ва жараёнлар динамикасини акс эттиради (ҳикоя қилиш). Далил келтирувчи матнлар ахборотларни таърифлаш ёки тушунтириш, исботлаш, мулоҳаза қилиш ва хуласа чиқариш шаклида ифодалайдилар. Бундай матн сабаб—оқибат алоқалари ва шартли—муддатли муносабатларни кўрсатган ҳолда, турли мантиқий жараёнлардан фойдаланиб, фикрлар ҳаракатини акс эттиради. Асосий (мазмунан фарқланувчи) баён қилиш усуллари турли матнларда фойдаланилиши мумкин.

Ўқув матнларида турли хил баён қилиш усуллари: ифодалаш, ҳикоя қилиш, мулоҳаза қилиш, ўриқнома бериш усуллари қўлланиши мумкин.

Ифодалаш — предметнинг хусусият ва белгиларини санаб ўтиш. У объектнинг жиҳатларини тавсифлаш учун мўлжалланади: табиат ҳодисалари, предметлар, шахслар, атроф—муҳит, тажрибалар, машина деталлари ва ҳоказолар тавсифлари бўлиши мумкин.

Ҳикоя қилиш — ҳодисалар тўғрисида вақт бўйича кетма—

кетлиқдаги ұқыялар. У ҳодисаларнинг ривожланиши, уларнинг кетма – кетлиги түгрисида маълумот беради. Баён қилишнинг ушбу усуми асосий әзтиборни фаол ҳаракатлар, жараёнлар ва уларнинг кечиш тартибига қаратади.

Мулоҳаза қилиш – предмет ёки ҳодисаны тәдқиқ этиш, уларнинг ички жиҳатларини очиб бериш, маълум қоидаларни исботлаш.

Муаллифлар таъриф ва таърифни тушунтириш ўртасидаги фарқни билиб олишлари лозим. Ўқув матнларида кўпроқ тушунчаларни тушунтиришга әзтибор қаратилиши керак. Таъриф эса илмий матнларга хосдир. Таъриф тушунчанинг можиятини уни ажратиб турувчи белгиларини кўрсатиш орқали очиб бериш мақсадини кўзлади. Тушунчани тушунтириш бошақа мақсадга эга – китобхоннинг жавоб тариқасидаги акс таъсири сифатида тушунишига эришишдир.

Ўқув матнлари учун баён қилишнинг барча усуллари хос бўлса – да, уларнинг танлаб олинишини матн характери билан изоҳлаш мумкин:

- ифодалаш – ўрганилаётган объектни тавсифлашда;
- ұқыя қилиш – илмий билим яратилиши, ихтиро тарихи ҳақида сўзлаб беришда;
- мулоҳаза қилиш – концептуал ахборотларни баён қилишда.

Матнлarda турли хил баён қилиш усуллари бир – бири билан уйғуналашиши, матн давомида биридан иккинчисига ўтиши мумкин.

Ўқув матнлари бир маънода қабул қилишга йўналтирилиши билан тавсифланади. Улар мантиқий фикрлаш қонунлари асосида яратилади. Улар учун ҳодиса ва далилларнинг мантиқ тушунчавий, иложи борича объектив можияти мұхим аҳамият касб этади. Матн икки режали ёки кўп режали бўлишилиги мумкин эмас.

Ўқув матнида муаллиф шахсияти мужассамлаштирилган. Бироқ унинг ўзи хабарларнинг салмоқлироқ бўлиши, уларни объективлаштириш мақсадида матндан четда туришга ҳаракат қиласи. Шу сабабли кишилик олмошларидан фойдаланиш кенг тарқалмаган, иборалар кўпинча шахссиз, баъзи пайтларда камтарин «биз» исплатилади, фаол ҳаракат қилувчи шахс чиқарип ташлаган ҳолда келтирилади, масалан: Шуну қайд этишимиз мұхимки...; Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки...; ...тўғрисидаги саволга қайтиш зарур ва ҳоказо.

Матн монолог ва диалог шаклида келтирилиши мумкин.

Монолог (юнонча monos – битта ва logos – нутқ) – битта

шахснинг айтган гаплари, нутқ (матн) шакли. Монолог матни биринчи шахс ёки четдаги шахс (кузатувчи) номидан берилган матн; номаълум шахс томонидан ёки шахссиз берилган матндири.

Диалог (юононча *dialogos*) икки ёки ундан ортиқ шахснинг сұхбатини акс эттирувчи нутқ шакли ҳисобланади.

Үқув матнларининг диалогиклігі махсус ифодалаш воситалари билан акс эттирилиб, улар муаллифга матнни китобхон томон йўналтиришига ёрдам беради. Кўпинча бу нутқ воситалари китобхон билан мулоқот ўрнатиш мақсадига хизмат қиласи, муаллифга китобхоннинг эътиборини энг муҳим масалаларга жамлаш имконини беради.

Диалоглаштириш воситалари – савол – жавоб мажмую; китобхонга турли хилдаги ундалмалар; уни биргаликда мулоҳаза қилиш, ҳаракат қилишга жалб этиш; турли хил ундаш шакллари; бевосита китобхонга йўналтирилган тавсия ва кўрсатмаларни акс эттириш усуллари ва бошқалардан иборат.

Синтаксис диалоглаштириш воситалари (савол – жавоб мажмую, риторик саволлар, ундовлар; кириш ва қўшимчалар, китобхонга турли хилдаги мурожаатлар) энг кўп қўлланиб, иккинчи гуруҳни матн воситаларининг ўзи (ҳавола, изоҳ ва бошқалар фикрига мурожаат) ташкил этади.

Ҳар қандай матнни яратишдан асосий мақсад ахборотларни маълум қилишдир. Ҳар қандай матн ўз ичига қандайдир ахборотларни киритади. Матндан ахборотларнинг умумий ҳажми ахборот билан бойитилганлиkdir.

Бироқ фақат янги, фойдалы, яъни прагматик ахборотгина қийматта эга, айнан у матннинг ахборотлилик кўрсаткичи ҳисобланади. Матннинг ахборот билан бойитилганлик матн сифатининг мутлақ кўрсаткичи, ахборотлилик эса нисбий кўрсаткич ҳисобланади, чунки ахборотлилик даражаси потенциал китобхонга боғлиқ бўлади. Матннинг ахборотлилиги – унинг китобхон учун маъно ва мазмунига кўра янгилик даражаси бўлиб, мавзу ва муаллиф концепциясида ифодаланади.

Матннинг ахборотлилик сифатлари даражаси ўсиши ёки пасайиши мумкин. Агар ахборотлар такрорланадиган бўлса, ахборотлилик (матн прагматикаси нуқтаи назаридан) камаяди ва аксинча, матнда иложи борича кўпроқ янгилик бўлса, у ортади.

Ортиқча ахборотларнинг (турли хил кириш сўзлар, баъзи бир такрорлар, масалан, якуний такрорлар ва ҳоказо) умуман бўлмаслиги доимо салбий натижа беради, чунки "соғ қуюқлашма" ни ўзлаштириш қийин кечади.

Сўз таркиби ортиқча бўлган иборалар етказилаётган маънонинг энг аниқ бўлишига даъвогарлик қўлувчи грамматик ва мантиций кенгайтирилган тузилмалардир. Үқув матнларида

бундай ибораларнинг бўлиши қўллаб – қувватланади. Қисқартирилган тузилмалар фикрни ифодалашда ноаниқликка, икки хил маънога, мантиқий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Эътиборни ҳаддан ташҳари талаб этадиган матн қабул қилишнинг қийинлашувига олиб келади.

Матннинг оғирлик даражасини камайтириш ёки кучайтириш мумкин. Ўқув матнларида маъноли бўшилиқларни (жижатларни) сўзлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ, чунки ўта оғир матн қабул қилишнинг ноаниқлигига олиб келиши мумкин. Оғир бўлмаган матн маъноли бўғинлар ўтказиб юборилмаган, мантиқий кенгайтирилган матнdir. Бироқ кўп ҳолларда маънони йўқотмаган ҳолда матнни қисқартиришга интилиш, яъни матн оғирлигини у ёки бу даражада оширишга ҳаракат қилишни кузатиш мумкин.

Таркибий оғир матнни яратиш, яъни матнда тилнинг имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ахборотни тифиз беришининг баъзи усуllibарини белгилаш мумкин.

1. Мавзуй кетма – кетликларга риоя қиммаслик матннинг таркибий оғирлигини кучайтиради. Қисқартириш янги ахборотларни хабар мавзуси ичига киритиш ҳисобига амалга оширилиб, натижада ахборотлар занжирида узилиш рўй беради.

2. Худди шу мақсадга бир нечта хабарни битта гапга жойлаштириш, яъни ахборотлари сиқилган (одатда мураккаб ўрнига содда грамматик) гаплардан фойдаланиш ҳам хизмат қиласди.

3. Иккиласмчи предикатларга эга гаплар мураккаб гапларга қарагандা кўпроқ сиқилган бўлади.

4. Такрорий номланишнинг йўқлиги ҳам хабар маъносининг жисплашувига хизмат қиласди.

Табиийки, бу ерда матннинг нутқ бирликлари имкониятларига таянадиган ахборотларни сўз орқали етказишини қисқартириш усуllibарининг барчаси ҳам келтирилмаган. Бироқ бундан ташҳари тилга тааллуқли бўлмаган бир нечта усуллар ҳам мавжуд. Ўқув адабиётларида матннинг мураккаблиги схема ва формуалалар, рақамли ва ҳарфли белгилар, турли хил илмий атамалардан фойдаланиш йўли билан ҳам яратилади. Бу турдаги асарларда сўзли матн фақат боғловчи восита бўлиб, унинг ўзи ҳеч қандай ахборот билан таъминламайди. Масалан: ... тенгламани ечамиз; қуйидагиларни кўриб чиқамиз ... ; ... деб белгилаймиз ва ҳоказо.

Матннинг ахборотлилигини интенсив ва экстенсив усуllibар ёрдамида ошириш мумкин.

Интенсив усул ахборот ҳажми сақланган ҳолда матн ҳажмини қисқартириш ҳисобига ахборотларни қисқартириш

жараёни билан боғлиқ. Ахборотларни қисқартириш худди шу фикрни бошқа янада тежамли нутқ воситалари ёрдамида етказиши мөмкунини беради. Бунга матннинг таркибий оғирлигини ошириш йўли билан эришилади.

Экстенсив усул ахборотлиликни ахборотлар ҳажмини кўпайтириш йўли билан оширади. Унинг қўлланиши баён қилишни максимал даражада деталлаштиришга олиб келади. Бу эса ҳодисаларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, ўрганилаётган обьектнинг ташқи дунё билан алоқа ва муносабатларини очиб бериш имконини беради. Экстенсив усул хабар берилаётган предмет тўғрисидаги билимларни кенгайтириш, тушунтириш ва аниқлаштиришга имкон берувчи қўшимча маълумотларни киритиш билан боғлиқ. Ушбу йўл ўз мақсадларига (ингл. extensive – кенгаювчи, катталашувчи) кўра нутқ бирликлари сонини оширишни назарда тутади.

Шундай қилиб, битга ахборотнинг ўзи турли миқдорда тил белгилари ёрдамида мавжуд бўлган турли жиҳатларни эсга олган ҳолда етказилади.

Қўшимча (экстенсив) ахборот изоҳлаш, тушунтириш, аниқлаш каби турли шаклларда намоён бўлади. Мазкур предметни тавсифлайдиган жиҳатлар сони қанчалик кўп бўлса, у ҳақидаги тасаввур шунчалик тўлиқ бўлади. Бундай изоҳловчи ахборотларни ўқув адабиётларида ортиқча эмас, балки янги, фойдали ахборот сифатида кўриб чиқиш лозим.

Матннинг ахборот ва ахборотлилик сифатларини оширишда турли изоҳ, ҳавола, кўрсаткич ва ҳошия тизимлари, шрифтни курсив билан ажратиши ва ҳоказолар ҳам катта рол ўйнайди. Ўз моҳиятига кўра улар ҳам қўшимча матн ҳисобланади, чунки улар қўшимча белгиларни киритиш билан боғлиқ бўлади. Бироқ уларнинг роли илгари айтиб ўтилганларни тушунтириш эмас, балки керакли маълумотларни мақсадли йўналган ҳолда излашни таъминлашдан иборат.

Интенсив усул реферат, тезис ва шарҳларни ёзишда қўлланади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам матн мазмунан етарлилик жиҳатларига эга бўлиши лозим.

Материални баён қилишда муаллиф матнни минимал нутқ воситаларидан фойдаланган ҳолда максимал маънони ифодалашга интилиши керак. Бунга эришишнинг усулларидан бири матнни лўндалаштириш, яъни матнни маълумотларнинг бир қисмини олиб ташлаш ҳисобига, бироқ ахборотларнинг тўлиқ ҳажмини сақлаган ҳолда қисқартиришdir.

Қуйидагиларни матнни лўндалаштириш усуллари қаторига киритиш мумкин:

- атамадан фойдаланишда уни таърифламаслик, чунки атама тушунчани энг қисқа кўринишда акс эттиради;
- сўз бирикмасидан иборат бўлган атамани битта сўздан иборат бўлган атама билан алмаштириш, масалан: *айирбошлиш жараёни – айирбошлиш*;
- матнинг катта қисмларини қисқа ва лўнда қисмларга алмаштириш учун такрорий номланишдан фойдаланиш; кўпинча бу кўрсатма сўзлар ёки сўз бирикмаларидан иборат бўлади: *бу савол, бундай ҳолатда, мазкур маълумотлар* ва ҳоказо.

Матн лўнда ифодалаши усулларидан фойдаланиш исталган ҳолатда матн ҳажмини қисқартиришга олиб келади. Бироқ нутқ прагматикаси қоидалари кўпинча бу имкониятларни чеклаб қўяди. Агар матнни қисқартириш усулларидан фойдаланишнинг имкони бўлмаса ёки у матнни қабул қилишга салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, бу ҳолда тушунарсиз нарсалар изоҳлаб берилиши лозим. Фақат китобхонга маълум бўлган атамаларгина изоҳланмайди.

Ҳар бир матн тўлиқ бутун асар сифатида мантиқийлик, боғлиқлик ва бутунлик каби ахборот – тузилмавий сифатлар билан тавсифланади.

Муқобил ўқув матни ундаги акс эттирилаётган маълумотлар таркиби ва оҳангдошлигининг мавзуга, мулоқот вазифалари ва шартларига мос келишини таъминлайди.

Матннинг мантиқийлиги унинг материални кетма-кетлиқда баён қилиниши, фикрларнинг бир – бирига зид келмаслиги, далилларнинг аниқ ва етарлилиги, акс. эттирилаётган далиллар (объектлар) ҳамда уларнинг алоқа ва муносабатлари (умумий ва алоҳида, сабаб ва оқибат, ӯҳшашлик ва фарқ, моҳият ва кўриниш) ишончли эканлиги каби сифатларни назарда тутади.

Матн тавсифномаси билан боғлиқ масалалардан бири унинг тўлиқлиги ва боғлиқлигидир.

Тўлиқлик ва боғлиқлик моҳиятига кўра матннинг асосий, конструктив белгилари бўлиб, матннинг мазмуни ва таркибий моҳиятини акс эттиради.

Матннинг боғлиқлиги матн таркибий қисмларининг бир – бирига боғлиқлиги орқали намоён бўлади.

Матннинг тўлиқлиги эса концептуал ва мавзу бўйича боғлиқлиқда кўзга ташланади.

Матннинг тўлиқлиги тушунчаси унинг мазмуни бўйича, коммуникатив ташкил этилишига, боғлиқлик тушунчаси эса шаклий, таркибий ташкил этилишига олиб келади.

Муаллиф концепцияси матннинг барча таркибий қисмларини бирлаштириши лозим. Акс ҳолда матннинг мазмунан

бирлиги, тұлықлиги ҳам йүқолади. Матн икки жиҳатта — таркибий бөглиқлик ва мазмунан тұлықликка эга бўлган тақдирдагина аҳамиятта эга бўлади. Иккала жиҳат бир—бири билан узвий бөглиқ бўлиб, бир—бирини тұлдиради. Бу жиҳатлардан биттасининг мавжуд бўлиши яратилган матннинг мақсадға мувофиқидан ҳали дарақ бермайди. Матн ахборотларни акс эттириш жиҳатидан "богланган" бўлса—да, унинг мазмуни умуман ақл бовар қилмайдиган бўлиши мумкин. Мазмунан танланган, бироқ грамматик жиҳатдан нотўғри тузилган сўзлар қатори ҳам тұлақонли матнни яратади.

Шундай қилиб, матн мазмунан мақсадға мувофиқ таркибий бирлик бўлиб шакланиши учун иккита жиҳат — бөглиқлик ва тұлықлик жиҳатларига эга бўлиши зарур.

Умуман матн муаммоларини амалий жиҳатдан ҳал қилиш муаллифлар учун жуда муҳим бўлиб, тадқиқотчиларнинг доимий назорати остида бўлади.

3.2. Тил, услугуб ва атамашунослик

Асосий тушунча ва хулосаларнинг аниқ ва равшан баён қилиниши, атамаларнинг умумийлигига эришиш, матннинг жозибадор күренишда баён қилиниши ўқув адабиётларининг янги авлодига қўйиладиган талаблар бўлиб, уларнинг бажарилиши ўқув нашрининг тили ва йўсунинг бөглиқ бўлади.

Ўқув нашрининг тили деганда муаллиф томонидан қўлланиладиган тил воситалари тизими, йигиндиси тушунилади. Бу ахборот етказишнинг асосий воситасидир.

Ўқув нашрининг тили аниқ ва равшан, тушунарли ва қисқа бўлиши лозим. Уни софлик, тўғрилик ва жонлилик ажратиб туриши керак.

Тилнинг аниқлиги ҳақиқий далилларини фикр билан акс эттириш ва фикрларни сўзлар билан акс эттиришда намоён бўлиши мумкин. Бу оддий қилиб айтганда муаллифнинг тушунча ва тасаввурлар номлашининг китобхонлар қабул қилиши билан мос тушишини англатади.

Сўзлардан аниқ (унинг маъносига тўлиқ мос равища) фойдаланиш матннинг устунлиги ва унинг мос равища қабул қилиниши учун зарур шартadir. Сўзлардан фойдаланишдаги ноаниқликлар одатда сўзлардан нотўғри фойдаланишга бориб тақалади. Тилдаги ноаниқликлар ёзувчининг маданияти ва саводхонлик даражасининг пастлигидан далолат беради. Ноаниқликлар далилларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Бу ноаниқликлар воқеликни акс эттиришда намоён бўлади. Баъзида

бундай ноаниқликлар тушунчани нотўғри таърифлаш натижасида вужудга келади. Масалан, макро ва микроиқтисодиёт бўйича баъзи дарслерларда “уй хўжаликлари” тушунчаси таърифланмайди, бу тушунча ўзи нимани англатади? Бундай умумий тушунча таърифлашни талаб қиласи.

Тилнинг тушунарлилиги бу матнинг маъносини аниқлаш, етиб бориши эса ахборотни етказишда дуч келувчи “тўсиқларни” енгиги ўтиш имкониятидир.

Бу сифатларнинг иккаласи ҳам бевосита матнини қабул қилиши самарадорлиги билан боғлиқ.

Матнни қабул қилишда бир қатор сабабларга кўра қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин, масалан, фикрнинг мазкур ўрганувчи субъекти учун жуда мураккаблиги; ушбу фикрнинг кутилмаганлиги, одатий эмаслиги; фикрни акс эттириш ва баён қилишдаги чалкашликлар туфайли; фикрнинг четга чиқиб кетиши; нотаниш сўзлар учраши ва ҳоказо.

Равшанлик гапдаги ҳар бир сўзнинг ва гапнинг ўзи тушунарлилигини, гапни тузишининг тўғрилиги ва соддалигини, матн ва унинг таркибий қисмлари тушунарлилигини англатади. Ўқув матни фикрни акс эттириш ва фикрнинг мазмуни бўйича иложи борича равшан бўлиши лозим. Матнни тор маънода қўлланиладиган маҳсус атамалардан фойдаланган ва синтаксисни мураккаблаштирган ҳолда бойитилганда матннинг тушунарлилигини пасайтирадиган ноаниқликлар вужудга келиши мумкин. Ўқув матнида ноаниқликларнинг пайдо бўлишига атамаларга оид дефинициянинг йўқлиги турткни бўлади. Барча бундай ҳолларда равшанлик ва тушунувчанлик мезони тушунчаларни бир хилда ишлатиш ва китобхонлар тушунмайдиган ҳолларда уларни изоҳлашни талаб қиласи.

Матннинг умумий график кўриниши, унинг хат боши ва бобларга бўлинган ёки бўлинмаганлиги ҳам тушунарлилик даражасини ошириши ёки камайтириши мумкин. Масалан, хат бошиларга нотўғри ажратилган матн, унда фойдаланилган гаплар жуда катта бўлиб кетганда жуда мураккаб ва ноаниқ бўлиб қолиши мумкин. Бундай мураккаблик одатда узундан—узоқ қоидалар, тавсиялар, йўриқномалар ва ҳоказоларда учрайди. Шу тариқа синтактик жиҳатдан мураккаб тузилмаларни содда бўлакларга ажратиш зарурати туғилади.

Қисқалик матнда кераксиз, ортиқча сўзларнинг бўлмаслиги, тушунча, қоида, назарияларнинг аниқ ва лўндалиги, китобдаги таърифлашнинг аниқ ва мантиқийлиги ҳамда материалларнинг ортиқча такrorланмаслигини назарда тутади.

Тилнинг соғлиги ўқув матнлари учун доимий ва ўзгармас талабдир.

Адабий бўлмаган, биринчи навбатда ахлоқ меъёrlари доирасидан четта чиқадиган элементлардан холи бўлган тил соф тил деб тан олиниади.

Тилнинг софлиги адабий андозага ва онгимизнинг ахлоқий жиҳатларига мослик сифатида талқин қилинади. Тилнинг софлиги чет тилидаги сўзлардан кўп фойдаланилган ҳолларда ҳам таъминланмайди.

Тилнинг софлиги ифодалашнинг тўғри ва аниқлитетини: сўзларнинг танланган тушунчаларга мослиги, соддалик, номеъёрий шакл ва синтаксис тузилмаларга йўл қўйилмаслигини назарда тутади.

Тилнинг тўғрилиги тил меъёrlарига мос келишни англатади.

Ўқув матнида тилнинг жонлилигига мантиқийлик ва далиллар, исбот қилиши йўли билан эришилади.

Ўқув матнида ҳар бир ҳолатда муаллиф баён қилишнинг тўғри турини танлаши муҳим аҳамият касб этади. Баён қилишнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг танланган материал характерига мос бўлиши талаб қилинади. Масалан, теоремани очиб беришда муаллиф мулоҳазаларга, жараённинг ривожланишини акс эттиришда ҳикоя қилишга, объектни тавсифлашда таърифлашга мурожаат қилиши лозим. Бунда баён қилиш ишончли ва аниқ бўлиши керак.

Баён қилишнинг у ёки бу турини танлар экан, муаллиф талабаларнинг ижодий эҳтиёжларига жавоб бериш ва уларни амалга оширишга интилиши лозим. Баён қилишнинг мантиқий – оқилона усули қатъий алгоритмларга асосан саволларни қўйиш, савол ва жавобларни топиш йўлларини излаш кўникмасини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган. Бироқ оддий бўлмаган вазиятларда ностандарт қарор қабул қилишда бу усулнинг ўзи етарли бўлмай, фикрларнинг рефлексив усулига таянувчи бошقا ёндашувга мурожаат қилиш талаб қилинади. Бу ҳолатда баён қилишнинг муаммоли усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Агар эслаб қолиши предмети матн бўладиган бўлса, оддиндан ўйлаб қўйилган ва аниқ тузилган саволлар ва уларнинг жавоблари матнни ўқиш жараёнида осон топилиши ва унинг эсда қолишини енгиллаштириши мумкин. Бундан ташқари, ўқувчи олинаётган ахборотни қабул қилиш, унга тўлиқлик ва мазмунлилик баҳш этишга қанчалик кўп ақдий куч сарфласа, унинг матнни эсда сақлаб қолиши шунчалик осон кечади. Бунга эришишнинг энг самарали йўлларидан бири бу эслаб қолиниши лозим бўлган материални “дараҳт” шаклидаги тузилма кўринишигга келтиришдир.

Тил ва услугуб қабул қилинган адабий меъёrlарга жавоб

бериши, ўқитиш ва умумтаълим вазифаларига бўйсуниши лозим. Шуни эътиборга олиш керакки, маълум бир фанни ўрганаёттан талаба ушбу фан тилини ҳам эгаллаб олади ва ўзининг нутқ имкониятларини кенгайтиради. Бундан ташқари, ўқув нашри тили сўзлардан тўғри фойдаланиш нуқтаи назаридан бенуқсон бўлиши керак, чунки талаба мазкур предметни ўрганишда тил меъёrlарини ҳам ўзлаштиради ва ўз имкониятларини кенгайтиради.

Ўқув адабиёти тили мос келувчи фан ёки фаолият соҳасининг ўзига хос тили билан боғлиқ бўлиши лозим. Муаллиф мазкур фаолият соҳасидаги асосий атамашунослик фонди, стандарт лексика ва ибораларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиши зарур.

Ўқув материалини баён қилишда ўхшаши муаммоларни акс эттириш, атама ва тушунчалардан фойдаланиш, мулоҳазаларни кенгайтириш, хулоса ва таърифларни тузишда бир хилликка эришиш лозим.

Муаллиф қўллаган атама ва тушунчалар мавзунинг ривожланиши борасида очиб берилиши ва тушунтирилиши керак.

Атама фан, техника, санъат, ижтимоий ҳаёт ва бошқа соҳалардаги маълум бир тушунчани аниқ белгиловчи сўз (ёки сўз бирикмаси) ҳисобланади. Иқтисодий билимлар соҳасида ўзига хос атамалар тизими яратилган бўлиб, у тобора ривожланиб бормоқда.

Тушунча предмет ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи мантиқий бўлакларга бўлинган фикр.

Барча тушунчалар ҳам атамалар билан белгиланмаса – да, ўқув матнида тушунчалардан фойдаланишда битта ҳодисанинг ўзини ифодалашда доимо бир хил тушунчалардан фойдаланишни таъминлаш зарур.

Айтиш керакки, атамалар фаннинг касбий асосини – мазкур предметни тавсифловчи, уни кундалик ҳаётда фойдаланиладиган лексикасидан ажратиб турувчи ўзига хосликни очиб беради. Бундан ташқари, битирувчининг касбга оид сўзларни яхши билиши ҳам касбни яхши эгальаш кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Муаллиф давлат ва тармоқ атамалар стандартидан хабардор бўлиши, ўз китобидаги атамашунослик базасини мавжуд атама ва тушунчалар тизими билан солиштириб бориши лозим.

Бироқ шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, фаннинг ривожланиши билан атамалар тизими ҳам ривожланиб боради. Янги атамаларнинг жорий қилиниши белгиланган қоидаларга амал қилинишини талаб қиласи. Масалан, ҳар бир атама бир хил

маънони англатиши ва битта тушунчани ифодалаши, ҳар бир тушунча эса битта атама ёрдамида акс эттирилиши лозим. Бунда ҳар бир атама табиий тил тизимиға мос келиши талаб қилинади.

Мазкур нашрда атама ва тушунчалардан фойдаланиш тамоиллари бир хил бўлиши зарур. Масалан, стандартда атаманинг тўлиқ шаклидан ташқари унинг қисқартирилган шакли ҳам мавжуд бўлса, у ҳолда қисқартирилган шаклдан фойдаланиш керак. Маълумки, тўлиқ шакл одатда сўз бирикмаси кўринишига эга бўлиб, бу ўқув материалини ўзлаштиришни қийинлаштиради.

Шунингдек, у ёки бу атамадан фойдаланишининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, қуий босқич талабалари учун дарслидаги атамалар сони юқори босқич талабалари учун дарслидаги атамалар сонидан кам бўлиши керак.

Муаллиф барча томонидан қўлланиладиган атамаларнинг кўп маънолилигини ҳам ёддан чиқармаслиги лозим. Кўп маънолилик одатда иқтисодий атамашунослик тизимида истиснога қараганда қоидага яқинроқ бўлади. "Бошқарув", "рақобатбардошлиқ", "самарадорлик" ва бошقا кўплаб тушунчалар ўнлаб таърифларга эга.

Асосий қоида – мазкур асарда ҳар бир атама битта тушунчани англатиши зарур. Мазмуни бўйича анъянавий ёки умумқабул қилинган таърифлардан фарқ қилувчи таъриф қўлланганда у албатта изоҳланиши шарт. Бу ерда таърифланаётган тушунчанинг қайси жиҳатлари кўзда тутилаётганлигини кўрсатиш зарур. Гап шундаки, ҳар бир илмий таъриф тушунчанинг у ёки бу жиҳатини очиб беради, таърифланаётган белги ва жиҳатларни қамраб олиш кенглиги ва умумийлик даражасини ифодалайди. Масалан, амалиётда "рақобатбардошлиқ" сўзи ортида яшириниб турган тушунча ҳали тўлиқ шакланиб улгургани йўқ. Оддий тасаввурда товар рақобатбардошлиги деганда унинг бозордаги устунлигини таъминловчи барча нарса кўзда тутгилади. Баъзида рақобатбардошлиқ деганда истеъмол хусусиятларигина тушунилиб, унинг қиймати ажратиб қўйилади. Товарлар рақобатбардошлигини уларнинг нархи бўйича аниқлашга қилинган ҳаракатларни ҳам кузатиш мумкин. Мазкур тушунчадан фойдаланар экан, муаллиф рақобатбардошлиқ тушунчасини қандай талқин қилаётганлигини аниқ кўрсатиб берипши зарур. Акс ҳолда материални ўрганаётган талабада ушбу тушунча ҳақида аниқ илмий тасаввур шаклланмаслиги ҳам мумкин.

Ўқув адабиётларига киритилаётган атама ва тушунчалар ўқув материали таркибида тизимни ташкил этувчи элемент

вазифасини бажариб, талабанинг эътиборини матнинг айрим қисмларига қаратади. Ўқув адабиётларида дефиниция (предметнинг фақаттина ташки белгиларини ҳисобга олувчи таърифлаш) ҳам ўзига хос роль ўйнайди. У матнинг ўзидан ташқари нашр аппаратига, масалан, қисқартмаланган кўрсаткичига ҳам киритилиши мумкин.

Ўқув матнига атамаларни киритиш санъати материални, унинг мазмунини ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки атама ва тушунчалар таълим олувчининг эътиборини кўриб чиқилаётган иқтисодиёт соҳасидаги асосий ҳодиса ва жараёнларга қаратади, материални таркиблаштиради, объект ва ҳодисаларни тавсифлаш қоида ва усуllibарини ўрганиш имкониятини тақдим этади.

3.3. Хат боши

Ўқув адабиётини яратишида матнни таркибий бирликларга – хат бошиларига ажратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай боғлиқ бўлган ўқув матни турли хил катталикдаги ўзаро турли хил усуllibарда боғланган қисмларга тақсимланади. Хат боши деб аталаувчи бу қисмлар матнинг таркибий қисми ҳисобланиб, қайсиdir маънода якунланган микроматнни ифодалайди.

Хат боши назарияси кўплаб олимлар томонидан чуқур ишлаб чиқилган. Махсус адабиётларда хат боши ҳақида турли хил фикрларни утратиши мумкин. Баъзи муаллифлар хат бошини синтактик бирлик, бошқалар – мантиқий, учинчилар эса стилистик бирлик сифатида кўриб чиқади. Бу тушунча тўғрисида баҳс юритиб ўтирасдан, келгусида хат бошини бутун боғлиқ матнни бўлакларга тақсимлаш ва шу тариқа уни мураккаб синтактик бутундан ажратиш воситаси сифатида кўриб чиқамиз.

Хат боши (немисча Absatz) матнни қисмларга ажратиш бирлиги бўлиб, матннинг иккита сатрбоши ёки қизил сатрлар ўргасида жойлашган бир қисми ҳисобланади.

Матнни хат бошиларга тақсимлаш аввало мазмун бўйича тақсимлашга бўйсунади. Мазмунан хат боши матннинг нисбатан якунланган бир қисмини ифодалайди.

Ўқув матнларида хат боши матннинг аҳамиятли таркибий қисмларини ажратиш учун хизмат қиласи. У матннинг тартибланган ҳолатини ташкил этиб, мантиқий – мазмунли вазифадан ташқари ажратиш, эътибор қаратиш вазифасини ҳам бажаради.

Хат бошиларга тақсимлаш синтактик тақсимлашга

қараганда субъективроқдир. Бу хат боши ягона мураккаб синтактик қисмни узиб ташлаши мумкин дегани. Бироқ ўқув матнларида мураккаб синтактик бутун ва хат бошиларнинг бир – бирига мос тушишини кузатиш мумкин, чунки улар нутқни мантиқий шакллантиришга йўналтирилади.

Хат бошининг вазифалари матннинг услубига оид жиҳатларига боғлиқ бўлиб, шу билан бир пайтда матнни яратишнинг муаллифга хос бўлган хусусиятларини ҳам акс эттиради. Хусусан, хат бошининг ўртacha ҳажми кўпинча хат услубига боғлиқ бўлади.

Хат боши мантиқ, мавзу ва мазмун жиҳатидан битта ёки бир нечта асосий иборалардан – марказий иборалардан иборат бўлади. Марказий ибора хат бошининг бошида, охирида туриши ёки ўзи алоҳида хат боши бўлиб келиши мумкин.

Хат бошининг ҳажми ва тузилиши бутунлай муаллифнинг белгилаган қоидалари ва ихтиёрига, унинг хат услубига боғлиқ бўлади.

Хат боши чегаралари ҳам турлича бўлиши мумкин. Хат боши гап қисми, ёки улар бир – бири билан боғлиқ бўлганда битта ёки бир нечта гапдан иборат бўлиши мумкин.

1 – мисол:

Битта мураккаб синтактик жиҳатдан бутунлик – тўртга хат боши (ҳар бир хат боши 1 та гапдан иборат):

Тармоқка фирмаларнинг кириши ва ундан чиқишни тармоқда узоқ муддатли мувозанатни таъминловчи механизм деб қарашиб мумкин.

Тармоқка фирмалар кириб келади, агар улар ушбу тармоқда иқтисодий фойда олишини сезса.

Тармоқдан фирма чиқади, агар у узоқ муддатли оралиқда ўртacha ҳаражатларини қоплай олмаса.

Тармоқдан чиқиш ва унга кириш охирги (чекли) фирмадан нолга тенг иқтисодий фойдага эришгунга қадар давом этади [15, 152–бет].

2 – мисол:

Битта гап – тўртга хат боши (ҳар бир хат боши гап қисмидан иборат):

Истеъмол назариясида истеъмолчининг гаромаги чегараланган:

- истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган неъмат нархи унинг миқдорига боғлиқ эмас;
- истеъмолчилар неъмат нафлигини тўлиқ билади;

• истеъмолчи максимал наф берувчи неъматлар мажмуасини танлаиши, деб фараз қилинади.

Яна битта мисол:

Сингикат — монополистик бирлашманинг бир тури. Улар бир тармоқ корхоналари ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда:

• буюргималарни тақсимлаш;

• хом ашё сотиб олиш;

• ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятини бирлаштириб, ягона идора тузади [10, 79-бет].

Турли муаллифларнинг ўқув матнларида хат бошининг узунлиги турлича бўлиши мумкин. Бу шундан далолат берадики, хат бошиларга тақсимлаш муаллиф услубига боғлиқ бўлади.

Ўқув матнлари хат бошиларга ажратишда бадий матнларга қараганда қатъийлик ва олдиндан айтиб бериш мумкинлиги билан ажралиб туриши лозим.

Хат бошилар турларини [7] асарда берилган таснифдан фойдаланиб кўриб чиқамиз.

Таҳлилий – умумлаштирувчи хат боши

Бундай хат бошида биринчи ўринда таҳлилий (изоҳловчи, тушунтирувчи) қисм, кейинги ўринда эса умумлаштирувчи, якуний қисм туради.

1 – мисол.

Маслаҳат берувчи бозорнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу фаолият билан шугулланувчи фирмалар ўз товари, ўз хизмат намунасини кўрсатиш имконига эга эмас. Шунинг учун улар фаолиятида мижозларни жалб этиш муаммоси туради [10, 66–бет].

2 – мисол.

Корпорация атамаси лотинча “*corporatio*” сўзидан олишган бўлиб, бирлашма, ҳамжамият маъносини беради. Корпорация ўирик акционер жамиятилар бирлашмаси ҳисобланаб, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бирлаштиради. Натижада ишлаб чиқариш монополлашади [10, 74–бет].

Умумлаштирувчи – таҳлилий хат боши

Маъноси кейинги хабарларда очиб бериладиган умумлаштирувчи, асосий иборадан бошланади.

1 – мисол.

Фаолиятининг дастлабки босқичларида ишбилармон қатор муаммоларга дуч келади. Шулардан бири ўз хўжалик юритиш

мақомига эга бўлишдир. Шу билан бирга ишбилармон бозор аҳволини, талаб ва таклифни ўрганиш лозим. Бундан ташқари, олдиға қандай тўсиқ ва чегараланишлар учраши, қандай имтиёзлар олиши мумкинлигини билиши зарур. Шу тариқа инвестиция киритишнинг умумий шартлари белгиланади [10, 120–бет].

2 – МИСОЛ.

Ўз куч ва қобилиятыни самарали ишлатиш соҳаларини аниқлаш янги корхонанинг бошқарув омилларидан биридир. Янги корхона ривожланаб, тараққий этиши билан бирга ишбилармонларнинг вазифалари ўзгариб боради. Кўп ишбилармонлар содир бўлаётган ўзгаришларни доимо англай ололмай, янги шароитда нима қилишини билмай қоладилар. Мана шу шароитда ишбилармон ўзига: "Менинг қобилиятим ва қизиқушим нималарга мойил?", "Қайси ишда мен ўзимни кўрсата оламан?", "Корхонанинг қайси бир иш йўналишида мен фойда келтираман?" каби саволлар бериб, тегишли қарор қабул қилиши муҳим аҳамиятга эга [10, 123–бет].

3 – МИСОЛ.

Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблаглари ҳисобига банкда қарз фондини ташкил этади, хазинадан қарз ҳам беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилотларга уларнинг молиявий санацияси учун сарфланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Аммо фоиз ғоят имтиёзли бўлади ва даромад олишини қўзламайди. Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин [10, 151–бет].

Ромкали хат боши

Бошланиши мавзуни белгилаб беради, сўнг – изоҳловчи қисм, умумлаштирадиган жумла билан хат боши туталланади. Биринчи ва охирги жумлалар бир–бирита боғланиб туради ва мавзуу "ёпилади".

Мисол.

Талаб тўловга қодир эҳтиёж бўлиб, ҳаридорларнинг маълум миқдорда ва турдаги товарларни маълум нарх ва вақт давомига сотиб олиш иштиёқини билдиради. Талаб асосига эҳтиёж ётади. Аммо талаб бўлиши учун товарнинг ҳаридорга зарурлиги, унга наф келтира олиши кифоя қилмайди, чунки товарни сотиб олиш учун ҳаридорнинг қурби етиши шарт. Демак, талаб товарга пул тўлаш қобилияти билан таъминланган эҳтиёждир [14, 138–139–бетлар].

Боғлама хат боши

Бундай хат бошининг биринчи қисми ундан олдин турган матнга боғланган бўлса, иккинчи (ёки кейинги) қисми кейинги матнга боғланишни кўрсатади.

Боғлаб турувчи хат бошидан фойдаланишнинг муҳимлиги шундаки, у муаллифни илгари баён қилинган фикрларни умумлаштиришга мажбур қиласди, китобхон нуқтаи назаридан эса илгари ўқилган матнни тўлалигича ўзлаштириш осонлашади.

[12, 13] дарслик муаллифлари боғлама хат бошидан кенг фойдаланган бўлиб, дарсликнинг бундай матнларга бойлиги материални баён қилиш услубини яқъол акс эттиради. Мамлакатимизда нашр қилинаётган ўқув адабиётларида эса, афсуски, бундай матн услубини камдан – кам ҳоллардагина учратиш мумкин. Ушбу дарсликдан бир нечта мисол келтириб ўтамиз¹.

1 – мисол.

Энди биз соф капитализмнинг абстракт ишчи моделидан америкача капитализм тизимига ўтамиз. Шу тарикा биз таҳлилга реал воқеликни киритамиз [12, 94–бет].

2 – мисол.

Биз инвестициялар нимани ифодалашини кўриб чиқдик. Бироқ нималар инвестиция бўла олмаслигини аниқлаш ҳам бундан кам ажамият касб этмайди [12, 137–бет].

3 – мисол.

Биз инвестиция ва инвестициявий товарлар тўғрисидаги тасаввуримизни унга машина ва асбоб – ускуналарни харид қилиш, қурилиш ва заҳиралардаги ўзгаришларни киритиш ўйли билан кенгайтиргик. Энди эса учта тушунча -- миллий ҳисобларни тузишда фойдаланиладиган ялпи, хусусий ва ички инвестицияларга тўхталиб ўтайлик [12, 137–бет].

4 – мисол.

Ҳозирги пайтгача бизнинг таҳлилимида асосий эътибор миллий даромад, ялпи миллий маҳсулотга қаратилган эди. Энди эса нарх даражаси қандай ҳисобланишини аниқлаш вақти келди [12, 145–бет].

5 – мисол.

Ҳозирги пайтгача бизнинг барча мулоҳазаларимиз фақат талаб масалаларига тааллуқли эди. Энди эса таклиф муаммоларига мурожаат қилалик [12, 255–бет].

¹ Хат бошилар таржима қилинган ва қисқартирилган ҳолда келтирилган, чунки хат бошидаги кейинги гапларни мустақил хат бошиларга ажратиш мумкин.

6 – мисол.

Ҳозирги пайтгача бизнинг муҳокамаларимиз ёпиқ иқтиносидёт шароитларида ўтказилаған фискал сиёсатни амалга оширишдаги қийинчилеклар билан чекланаб келар эди. Бизнинг иқтиносидётининг бир қисмини ифодалашини ҳисобга оладиган бўлсақ, қўшимча мураккабликлар вужудга келади [12, 257–бет].

7 – мисол.

Ҳозиргача биз асосий эътиборни пул тақлифи нимадан иборат бўлиши ва нимага асосланishiга қаратиб келган эдик. Энди эса пулга бўлган талабга мурожаат қиласиз. Бизнинг пул функциялари тўғрисидаги аввалги муҳокамаларимиз пулга талаб мавжудлигининг иккита асосий сабаби бўлишини назарда тутган [12, 271–бет].

8 – мисол.

Бизнинг кредитни кенгайтириш бўйича тадқиқотларимиз вазият юмшатилган ҳолатларда амалга оширилган. Бизнинг таҳлилимиз миқориий кўрсаткичларни ўзгартириши мумкин бўлган бир қатор қўшимча омиллар мавжуд [12, 293–бет].

Умумлашма хат боши

Бундай хат бошида илгари баён қилинган фикрга якун ясалади.

1 – мисол.

Биз юқорида ресурс қанчалик кўп чекланган бўлса, унинг нархи ҳам шунчалик юқори бўлишини кўрган эдик. Шунинг учун ҳам юқори малакали мутахассис ҳар доим ортиқча иш ҳақи олади. Ушбу ортиқча иш ҳақи иқтиносидой ренга бўлиб, у ишчининг қобилияти ёки юқори малакаси учун тўланади [15, 270–бет].

2 – мисол.

Биз шу вақтгача бир хил товар билан боғлиқ бўлган бозорни ўрганиб келдик. Одатда алоҳига товар бозоридаги асосий кўрсаткичлар бошқа товарлар бозоридаги кўрсаткичлар билан боғлиқ. Бирорта товар бозоридаги ўзгариш бошқа товарлар бозоридаги ҳолатга таъсир қиласи. Шундай қилиб айтиш мумкинки, бозорлар бир–бири билан ўзаро боғлиқ. Шунинг учун ҳам товарлар бозоридан алоҳига бир товарни ажратиб олиб, уни ўрганиш ҳақиқий реал ҳолатни белгиламайди. Шу вақтгача кўриб келинган алоҳига бозордаги мувозанатликни қисман мувозанат деб қараймиз [15, 302–бет].

Ёзувчининг матнини мажбур ҳат бошиларга ажратишдан фойдаланишига қиласиган асосий сабаблар

қүйидагилардан иборат:

- ахборотнинг янгилиги;
- ахборотнинг мазкур матн доирасидаги муҳимлиги;
- жиҳатларни ажратиб кўрсатиш;
- ахборотнинг маъноси ва мантиқийлигини бузмасдан ифодалашни давом эттириш имконияти йўқолиши.

Юқорида айтиб ўтилганидек, хат бошиларга ажратиш битта умумий мақсадга – матннинг муҳим қисмларини ажратиб кўрсатишга қаратилган. Бироқ матннинг қисмлари турли хил сабабларга кўра, турли мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда ажратиб кўрсатилиши мумкин. Шу сабабли хат бошининг вазифалари ҳам турлича бўлади.

Монолог матнда матнни хат бошиларга ажратиш танланган ҳолда амалга оширилиб, бу танловлар объектив (матннинг характеристи билан боғлиқ) ёки субъектив (муаллиф мақсадларини акс эттирадиган) бўлиши мумкин.

Ўқув матнларида хат бошиларга ажратиш асосан мантиқий – маъновий ва таъкидлаш – ажратиш вазифаларини бажаради. Табиийки, бу вазифалар тўлиқ ёки қисман бир – бирининг ўрнини босиши мумкин.

Ягона бир синтактик бутунни узадиган хат боши у ёки бу мавзуни тасвирлаш, очиб беришда умумий тузилма ва деталларни ажратиб кўрсатиш муҳим ҳисобланганда таъкидлаш ролини ўйнайди.

Масалан, қўйидаги парчани кўриб чиқамиз:

Талаб ва таклиф орқали бозор механизмини ўрганиш, уларнинг графикларини таҳлил қилишдан бошланади. Маълумки, давлатнинг аралашувисиз, талаб ва таклиф мувозанат ҳолатига келади ва унга асосан товарнинг бозор нархи ўрнатиласди ҳамда мувозанатни таъминлайдиган маҳсулотнинг умумий ҳажми ўрнатиласди. Лекин, қандай қилиб, нарх ва маҳсулот ҳажми талаб ва таклифнинг баъзи бир характеристикалари билан боғланган? Қандай қилиб улар вақт бўйича ўзгаради ва қандай қилиб уларга умумий ىктиносий фаоллик, иш ҳақи ҳарражатлари таъсир қиласди? Нима учун талаб ва таклиф бозорлар (ракобатлашган, монопол, олигопол ва бошқа) бўйича фарқ қиласди? Нима учун баъзи бозорларда товарлар танқис ва ҳоказо саволларга жавоб бериш учун талаб ва таклифнинг диаграммасини қўришдан бошлишимиз [15, 22–бет].

Айтиб ўтилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда мазкур парчани қўйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

Талаб ва таклиф орқали бозор механизмини ўрганиш, уларнинг графикларини таҳлил қилишдан бошланади. Маълумки,

давлатнинг аралашувисиз, талаб ва таклиф мувозанат ҳолатга келади ва унга асосан товарнинг бозор нархи ўрнатилади ҳамда мувозанатни таъминлайдиган маҳсулотнинг умумий ҳажми ўрнатилади. Лекин,

• қандай қилиб, нарх ва маҳсулот ҳажми талаб ва таклифнинг баъзи характеристикалари билан боғланган?

• Қандай қилиб улар вақт бўйича ўзгарамади?

• Қандай қилиб уларга умумий иқтисодий фаоллик, иш ҳақи ҳаражатлари таъсири қиласи?

• Нима учун талаб ва таклиф бозорлар (рақобатлашган, монопол, олигопол ва бошқа) бўйича фарқ қиласи?

• Нима учун баъзи бозорларда товарлар таңқис ва ҳоказо саволларга жавоб бериш учун талаб ва таклифнинг диаграммасини қўришдан бошлаймиз.

Гарчи бу ерда бир вақтнинг ўзида қўшимча тамойил сифатида таъкидлаш—ажратиш тамойили қўлланган бўлса—да, ўзгартирилган парча яққол мантиқий—маъновий тамойилга бўйсунади, чунки яхлит мураккаб синтактик бутуннинг қисмлари хат боши ёрдамида таъкиданади.

Матнни унинг таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мақсадида тақсимлаш хабарларни қабул қилишни енгиллаштириши шубҳасиз, чунки у матнни ўқишида "танаффус" ҳада этади.

Хат бошиларга ажратилмаган матн қийинчилик билан ўзлаштирилади; унинг китобхонга таъсири кўрсатиш кучи пасаяди. Матнни ўқишининг қийинлиги унга қизиқиши йўқотади ва эътиборни сусайтиради. Агар аввалгиларга мурожаат қилинса, хат бошиларга ажратилган матннинг ўзлаштириш учун қулагигини тушунтириб ўтириш ортиқча: матннинг муҳим қисмларини долзарблаштириш унинг китобхонга таъсири кўрсатишдаги ролини кучайтиришга кўмаклашади.

Хат бошиларга ажратиш мантиқий—маъновий тамойил асосида амалга ошириладиган ўқув матнларида хат бошидаги биринчи гапга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Иложи бўлса матнни шундай тузиш керакки, хат бошилардаги биринчи гаплар жамланиб, қолган бўгинлар тушириб қолдирилса, сиёзилган, мазмунан сифимли, деталли тасвирларсиз матн ҳосил бўлсин.

[10] ўқув қўлланмаси матнлари асосида тузилган қўйидаги парчани қўриб чиқайлик:

Кичик бизнес корхоналари йирик фирмалардан кўпроқ фарқ қиласи ва бозор иқтисодиёти шароитларида ўз хусусиятларини амалга ошириш учун катта имкониятларга эга. Бошқарув ва қарорлар қабул қилишдаги мустақимлик, технологик ажralганлик,

Жиҳимлик ўз фаслиятини йирик корхоналар қила олмаган шини энг катта фойда олиш билан бажарагиган қилиб ташкил қилишга ёрдам беради.

Кичик корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг турларини ўзгартириб, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан талабларига кўра товарлар ишлаб чиқариши билан бозор ҳолати ўзгаришига тез жавоб қайтариш қобилиятига эга. Улар одамларнинг мавсумий эҳтиёжлари (қишики ва ёзги дам олиш, музқаймоқ, яхна ичимликлар ишлаб чиқариши)ни тўлароқ ва сифатлироқ қондириши мумкин.

Истеъмолчилар билан бевосита ўзаро алоқа кичик фирмалариниң хусусиятларидан бири бўлади, бу нарса йирик ишлаб чиқаришда ўйқ. Масалан, кичик новвойхона нон маҳсулотларини тайёрлайди ва худди шу ерда уларни ҳаридорларга сотади ва ҳаридорлардан буюртмалар қабул қиласди. Бундан ташқари, ҳаридорлар шу ернинг ўзида ўз фикрларини айтишлари, маслаҳатлар бершишлари мумкин.

Кичик корхоналар маҳаллий шароитлар, урф—одатлар, айнаналарга тез мослаши қобилиятини намоён қиласди. Бу сифатлар кичик бизнесга маҳаллий аҳоли учун анъанавий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини ривожлантиришига имкон беради. Шунинг учун ҳам кичик корхоналар косибчилик, ҳунарманчалик буюмлари, бадиий—декоратив ашёлар, ўй ва қишлоқ хўжалиги асбоблари, қурилиш деталлари, болалар ўйинчоқлари, миллий характердаги озиқ—овқат товарлари ишлаб чиқариш соҳасига кенг тарқалган [10, 87–89—бетлар].

Кўриб турибмизки, хат бошилардаги биринчи гаплар матнининг асосий мазмунини бериб, тушириб қолдирилган қисмлар сезилмайди, чунки бу ерда матнининг мантиқий—маъновий кетма—кетлиги намоён бўлади.

Шундай қилиб, турли матнларда хат бошиларга ажратиш умумий мантиқий—маъновий асосга эга бўлса—да, бироқ хат бошидан фойдаланишда ўзига хос фарқлар мавжуд. Бу ўзига хослик китобхонга таъсир кўрсатиш характеристери билан яратилади: фақат интеллектуал ўзлаштиришига йўналтирилган матнлар учун мавзуй тамойил бўйича (янги хат боши янги мавзуни очиб беради) тузилган хат бошилар хос бўлади. Бунда субъектив жиҳатлар — муаллифнинг матнни хат бошиларга ажратиш воситасида яратиш усулини ҳам ёдда сақлаш зарур. Маълумки, хат бошилар ўртасидаги матнлар ҳажми турли муаллифларда турлича бўлиб, буни услубий оҳангдошлиқ, асарнинг умумий

ұажми, вазифаси ва муаллифнинг баён қилиш усули каби сабаблар билан изохлаш мүмкін.

Бирок бу субъективлик матнни яратишининг умумий қонуниятлари намоён қилинишига халақит бермайды. Бу қонуниятларнинг бузилиши матн тузилиши етарли даражада ўйлаб чиқылмаганлық натижаси сифатида қабул қилинади.

4 – боб. МАТННИНГ ТАСВИРИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Муаллифнинг асосий вазифаси ўқув материалини китобхонга имкон қадар тушунарли ва содда шаклда баён қилиб беришдир. Бунинг учун у маълум нисбатларда сўзли (вербал) ва тасвирий (иконик¹) матнлардан фойдаланади. Ўқув адабиётларида, бაъзи бошқа нашрлардан, масалан, бадиий асарлардан фарқли равища, тасвир матннинг зарурий ҳисми ҳисобланади, матннинг сўзли ва тасвирий қисмлари бир – бирига қатъий боғлиқ бўлиши талаб қилинади. Бундай ҳолларда улар бир – бири билан боғлиқликда ўқув нашри мазмунининг яхлитлиги ва узвийлигини таъминлайди.

Ўқув адабиётларининг янги авлодига тасвирий элементлардан фойдаланиш борасида алоҳида талаблар қўйилади. Бу талаблар қўйидагилардан иборат:

- расмларга бой, кўргазмали тасвир ва бадиий – услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;
- матнни хотирада сақлашни осонлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, тури тасвирий ифодалар, жадвал ҳамда расмлар билан таъминланиши.

Муаллиф матннинг характеристери ва мақсадини ҳисобга олган ҳолда тасвирий элементларга мурожаат қилишда у ёки бу ифода воситаларини танлаши мумкин.

Матннинг тасвирий қисмлари иқтисодий адабиётларда кўпроқ суратлар (фотосуратлар, расмлар), чизмалар, жадваллар, рамзий белгилар, формула ва ҳоказолар кўринишида бўлади.

Вербал ва тасвирий қисмлар бир – бири билан мазмун, мазмуний – тартибий ва мазмун – тил даражаларида bogланади. Тасвирий элементлар сўзли матнни тўлдириши, уни изоҳлаши ёки тавсифлаши мумкин.

Ўқув матнларидағи тасвирлар асосан билим олишга йўналтирилган. Бундай элементсиз матн ўзининг билиш моҳиятини йўқотади. Иқтисодий мавзудаги матнларда формуласалар, чизмалар, жадваллар ва бошқа тасвирий элементлар матннинг асосий мазмунини берадиган маъноли таркибий қисмлари ҳисобланади. Сўзли матн бундай ҳолларда фақат

¹ Юонча eikon – мазмун сўзидан келиб чиқади.

боғловчи ва киритувчи бўтинга айланиб қолади.

Иқтисодий мавзудаги матнларда тушунчалар, ҳодисалар, жараёнлар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўп учрайди ва талабалар уларни ҳар доим ҳам осонлик билан тушуниб, англаб олмайдилар, уларнинг онгига маълум бир тасаввур ҳосил қилиш эса баъзан жуда қийин кечади. Шунинг учун тасвирий элементлар китобхонга матнда ифодаланган, сўз орқали охиригача айтилмаган фикрларни тушунишга ёрдам бериши ва мустақил ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши керак.

Агар ўқув адабиётидаги матнни тасвир орқали янада тушунарли қилиб ифодалаш мумкин бўлса, бу имкониятдан албатта фойдаланиш лозим. Аммо бунда тасвирий элементларнинг барча имкониятларини ҳисобга олиш ва улардан тўғри фойдаланиш зарур. Матнни тасвир орқали изоҳлаш концепциясини ишлаб чиқиш замирида ўқув фанининг характеристирик сипатларини олдишни көрсатади.

Масалан, менежмент бўйича дарслкларда кўпинча асосий концепциялар, тамсийлар ва усувларни баён қилишда кўшинча уларнинг пайдо бўлиш тарихи, турли таълимотлар асосчиларининг таржимаи ҳоллари ва уларнинг фотосуратларидан фойдаланилади. Баъзан машҳур менежерларнинг фотосуратлари ҳам берилади. Бу дарслликка ижобий ҳиссиёт беради ва ўқув материалининг яхшироқ ўзлаштирилишига кўмаклашади. Математикалаштириш даражаси юксак бўлган фанларнинг (микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт ва ҳоказо) дарслкларида формула ва графиклардан жуда кўп фойдаланилади.

Тасвирий элементларнинг матнда жойлаштирилиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўрганаётган талаба тасвирий элементларга ўз эътиборини қаратиб, уларни диққат билан ўргана бориб, аста – секин билимларни эгаллайди. Бунда бирор расм ёки чизмага тааллуқли матн яхши эсга келади, натижада билимлар мустаҳкамланиб, кўникмалар ҳосил бўлади. Шунинг учун тасвирий элементларнинг матндаги ўрнини тўғри аниqlаш муҳимдир. Бирор матннинг мазмунини чуқурлаштирадиган ва муайянлаштирадиган тасвирлар шу саҳифада жойлашиши лозим. Баён қилинаётган фикрни тўлдирувчи суратлар бирор бўлимнинг ёки бутун китобнинг сўнгида алоҳида блокни ташкил қилиши ҳам мумкин.

4.1. Графиклар

Иқтисодий ўқув матнларида учрайдиган тасвирий

элементлар орасыда графиклар – функцияларнинг графиклари, тармоқли графиклар, ишлаб чиқарып графиклари ва ҳоказолар алоҳида ўрин тутади¹. Уларнинг ичида статистик графиклар энг кўп қўлланилади.

Статистик график – маълум кўрсаткичлар билан тавсифланган статистик тўпламлар шартли геометрик образлар ёки белгилар ёрдамида ифодаланган чизма.

Матнда графиклардан фойдаланиш муаллифга қуидаги имкониятларни очиб беради:

- фаннинг турли масалаларини баён қилишини сезиларли даражада соддалаштириш;
- матннинг статистик материалини ифодали ва яққол тасвириш;
- иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг энг ўзига хос нисбатларни ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ифодалаш;
- тараққиётнинг асосий ўзгариш жиҳатларини кўрсатиб бериш;
- жуғрофий харитада статистик маълумотларни жойлаштириш;
- кўрсаткичларнинг ўзгариш чегараларини ажратиб кўрсатиш;
- турли кўрсаткичларнинг нисбий ўзгариш тезлигини акс эттириш;
- статистик тўпламлар, ахборот бюллетенлари, интернет ва бошқа манбалардан олинган статистик кўрсаткичларнинг ишончлилгини назорат қилиш.

Статистик графиклар кўргазмали, ифодали, қисқа, универсал ва очиқ – ойдин бўлгани сабабли китобхонга графикли тасвириланган материалларни чуқурроқ, бир маънода тушуниш ва ўзлаштириш имконини беради.

Статистик графиклар уларни ясаш усуllibарига кўра *диаграммалар* ва *статистик хариталарга* ажратилади.

Диаграммалар – миқдорий нисбатларнинг графиклари.

Диаграммаларда миқдорий маълумотлар геометрик белгилар (нуқталар, чизиқлар, турли ва ҳар хил рангдаги шакллар) ҳамда ёрдамчи элементлар (координата ўқлари, шартли белгилар, сарлавҳалар ва ҳоказо) ёрдамида акс эттирилади.

Диаграммалардан бир – бири билан боғланмаган, масалан, ҳудудлар ва аҳоли сони каби катталикларни турли жиҳатдан яққол таққослаш учун фойдаланилади. Бунда ўрганилаётган

¹ График атамаси юонча *graphikos* – чизилган сўзидан келиб чиқади.

түплемлар бирор мұхим үзгарувчан белгіта күра бир – бирига солиширилади.

Статистик харита – катталикларнинг сирт бүйлаб миқдорий тақсимоти графиги. Улар статистик маълумотларнинг жуғрофий контурларда шартлы белгиланишидан иборат бўлиб, статистик маълумотларнинг жойлашуви ёки тарқалишини кўрсатади.

Диаграммалар ҳал қилинаётган вазифалар соҳасига кўра таққослаш диаграммалари, таркибий тузилма диаграммалари, динамика диаграммалари ва вариация қатори билан ифодаланган катталикларнинг маҳсус тақсимот диаграммалари каби турларга бўлади. Статистик хариталар харитограммалар ва харитодиаграммаларга бўлинади.

Иқтисодий ўқув матнларида энг кўп учрайдиган графикларни кетма – кет кўриб чиқамиз.

Таққослаш диаграммалари. Бундай диаграммалар статистик маълумотларни бир – бири билан ҳар томонлама қиёслаган ҳолда график тасвирилаш учун фойдаланилади.

Таққослаш диаграммалари *устунли*, *тасмали*, *квадрат*, *гоураги* ва *шакли* бўлади. Улар ичида устунли диаграммалар энг кенг тарқалган.

Устунли диаграмма маълум бир вақт оралиғида қиёсланадиган маълумотларни кўргазмали график тасвирилаш учун фойдаланилади.

Ўрганилаётган статистик қатордаги айрим даражаларнинг қийматлари тўғри бурчакли координаталар тизимида тўғри тўртбурчаклар (устунлар) кўринишида тасвиранади. Координаталар тизимининг ётиқ ўқида устунларнинг асослари жойлаштирилади, уларнинг қиймати ихтиёрий олинади, аммо ҳамма устунлар учун бир хил қилиб белгиланади. Устунларнинг баландлиги бўйича миқёс (масштаб)ни кўрсатувчи шкала эса тикка ўқ бўйлаб жойлаштирилади. Ҳар бир устуннинг тикка бўйича қиймати графикда кўрсатилаётган статистик кўрсаткичининг қийматига мос келади. Шундай қилиб, диаграммани ҳосил қилувчи барча устунларда фақат битта ўлчов үзгарувчи бўлади.

Устунларни график майдонида икки ўлчамли ёки ҳажмли шаклда бир неча хил кўринишида жойлаштириш мумкин:

- битталаб (4.1, 4.2 – чизмалар);
- гурӯжлаб, бунда битта ётиқ ўқда бир нечта кўрсаткич тасвири жойлаштирилади (4.3, 4.4 – чизмалар);
- саноқ бошидан икки томонлама, қарара – қарши (мусбат ва манфий) қийматларга эга катталиклар тасвирини акс

эттиришда (4,5 – чизма).

4.1 + ЧИЗМА

Етакчи мамлакатларда 2001 – 2002 йиллар мавсумида пахта толаси ишлаб чиқарыш, млн. т



МАНБА: Cotton World Statistics. ICAC, august 2002.

4.2 + ЧИЗМА

Етакчи мамлакатларда 2001 – 2002 йиллар мавсумида пахта толаси ишлаб чиқарыш, млн. т



МАНБА: Cotton World Statistics. ICAC, august 2002.

4.3 – ЧИЗМА

Етакчи мамлакатларда 1995 – 1996 ва 2001 – 2002
йиллар мавсумларида пахта толаси ишлаб чиқариш,
млн. т



МАНБА: Cotton World Statistics. ICAC, august 2002.

4.4 – ЧИЗМА


Етакчи мамлакатларда 1995 – 1996 ва 2001 – 2002
йиллар мавсумларида пахта толаси ишлаб чиқариш,
млн. т



МАНБА: Cotton World Statistics. ICAC, august 2002.

4.5 – ЧИЗМА

Корхона сут маҳсулотлари савдосининг ўсиш суръатлари, %




Тасмали диаграммалар устунли диаграммаларнинг бир туридири.

Улар ётиқ жойлашган тўғри тўртбурчаклар (тасмачалар) кўринишида бўлади (4.6 – чизма). Бу ҳолда миёс шкаласи ётиқ ўқда жойлашади. Ясалиши устунли диаграмманини билан бир хил.

4.6 – ЧИЗМА

2002 йилда турли идоралар томонидан текширишлар ўтказилиши (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йилда мамлакатнинг 13 минг тадбиркорлари орасида ўтказилган сўров маълумотлари)¹



¹ Ушбу график мисол тариқасида «Текширишлар ҳақида нимани билдиш зарур: Тадбиркорларга ёрдам сифатида. — Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004, 6 – бет» кўлланмасидан келтирилган.

Тасмали ва устунли диаграммалар турдош бўлиб, бир—бирининг ўрнига қўлланилиши ҳам мумкин. Устунли диаграмма 90 даражага айлантирилса, тасмали диаграммага айланади.

Одатда диаграммаларда ёрдамчи чизиқларни кўрсатмаса ҳам бўлади, чунки улар турли кўрсаткичларнинг бир—биридан қанчалик фарқ қилишини кўрсатади холос.

Таҳлил қилинаётган статистик материалнинг график тасвири бузилмаслиги учун устунлар (баландлиги) ва тасмаларнинг (узунлиги) акс эттирилаётган миқдорларга мутаносиб бўлишини таъминлаш зарур.

Бунинг учун эса:

- биринчидан, устуннинг (тасманинг) ўлчамини аниқлайдиган шкала нолдан бошланиши керак;
- иккинчидан, бу шкала узлуксиз бўлиши, яъни берилган статистик қаторнинг барча сонларини қамраб олиши керак; шкала ва устунларнинг (тасмаларнинг) узуб кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Статистик тўпламни устунли ёки тасмали диаграмма кўринишида акс эттириш ихтиёрий бўлиб, ҳар бир муайян ҳолатда муаллиф томонидан мустақил танланади.

Квадрат ёки доирали диаграммалар тақдосланадиган обьектлар бир—биридан кескин фарқ қиласидиган кўрсаткичлар қийматлари билан тавсифланган ҳолларда қўлланилади. Бунда акс эттириладиган кўрсаткичлар қиймати квадратлар ёки доираларнинг юзасига, солиштирилаётган қийматларнинг квадрат илдизлари эса бу шаклларнинг чизиқли ўлчамларига (квадратларнинг томонларига ёки доираларнинг радиусларига) мутаносиб бўлиши керак.

Квадрат ва доирали диаграммалар устунли ва тасмали диаграммаларга қараганда нисбатан камроқ кўргазмали, чунки юзаларнинг нисбатини бир қарацда баҳолаш қийинчилик туғдиради.

Шунинг учун квадратлар ёки доиралар ичига тегишли кўрсаткичларнинг қийматлари ёзиб қўйилади.

Ҳажмли (масалан, куб шаклидаги) диаграммаларнинг тасвирий имкониятлари ҳам нисбатан камроқ, уларда график тасвирнинг чизиқли ўлчамлари солиштирилаётган қийматларнинг учинчи даражали илдизига мутаносибdir.

Уларни ясаш тамойили шундайки, тақдосланадиган катталиклар мунтазам геометрик шакллар (квадратлар, доиралар, баъзан тўғри тўртбурчаклар) кўринишида бўлиб, акс эттирилаётган ҳодисанинг қиймати уларнинг юзасига тенг бўлади.

Бундай диаграммаларни тузишда аввал тақдосланадиган

қийматларнинг квадрат илдизлари ҳисобланади. Олинган натижалар квадратларнинг томони ёки доираларнинг радиуси деб олинади. Диаграммани чизища квадратлар ёки доиралар бир – биридан бир хил масофада бўлиши ёки бир – бирининг ичига турли ранг ёки чизиқлар билан бўялган ҳолда киритилиши мумкин. Ҳар бир шаклнинг ичига тегишли катталиктининг қиймати ёзилади, миқёс кўрсатилмайди.

Имкони бўлса, квадратлар ва доираларни акс эттирилаётган статистик тўпламларни рамзий ифодалайдиган бошقا белги ёки рамзлар билан алмаштириш диаграмманинг ифодалилиги ва кўргазмалигини оширади, акс эттирилаётган қийматларни қабул қилиш, англаш, эслаб қолиш эса осонлашади. Бундай усуlda тузилган диаграммалар шаклли (фигурали) диаграммалар деб аталади.

Шаклли диаграммани тўғри тузиш учун ҳисоб бирлигини танлаш лозим. Бирлик сифатида бирорта шакл олинади ва унга шартли равища муайян сон қиймати берилади. Ўрганилаётган статистик катталик эса расмда кетма – кет жойлашадиган миқдорий бир хил шакллар билан акс эттирилади. Аммо кўпгина ҳолларда статистик кўрсаткични шаклларнинг бутун сонли миқдори билан тасвирилашнинг иложи бўлмайди. Шунда уларнинг охиргисини қисмларга бўлиб кўрсатилади. Одатда бу бўлакнинг катталиги тахминан олинади. Уни аниқ кўрсатишнинг қийинлиги эса шаклли диаграммаларнинг камчилиги ҳисобланади. Аммо, статистик маълумотларнинг юқори даражада аниқ кўрсатилиши талаб қилинmasa, шаклли диаграммалар қониқарли натижа беради.

Таркибий тузилма диаграммалари. Улар статистик тўпламларнинг турли қисмлари ўргасидаги миқдорий нисбатларни акс эттиради. Уларда тасвирий восита сифатида устунлар, тасмалар ва секторлардан фойдаланилади. Таққослаш диаграммалари каби, устуни таркибий тузилма диаграммаси 90 даражага айланса, тасмали таркибий тузилма диаграммасига айланади.

Статистик тўпламнинг таркиби мутлақ кўрсаткичлар ёрдамида ҳам, нисбий кўрсаткичлар ёрдамида ҳам тасвиrlаниши мумкин. Биринчи ҳолда нафақат бўлакларнинг ўлчами, балки графикнинг ўз ўлчами ҳам статистик қийматлар билан белгиланади ва улар билан бир хилда ўзгаради. Иккинчи ҳолда эса графикнинг ўлчами ўзгармайди (чунки ҳар қандай тўпламнинг қисмлари йиғиндиси 100 фоизни ташкил қиласди), айрим қисмларнинг катталиги ўзгаради, холос.

Секторли диаграммада эса тўплам қисмлари доира секторларининг юзаси ёрдамида тасвиrlанади.

Диаграмма қуйидаги түзилади:

- түплемнинг умумий қиймати 100 фоиз деб олинади ва барча қисмларнинг фоиздаги улушлари ҳисобланади;
- доиранинг 360° бурчаги ҳам 100 фоиз деб олинади ва у бўлакларнинг улушкига қараб, улушкинг 1 фоизи 3,6 даражага тенг нисбатдан келиб чиқиб, секторларга бўлинади.

Таркибий тузилма диаграммаларида тўплам таркибининг статик ҳолатини эмас, балки унинг ўзгаришини, шунингдек, бу тўплам жами қийматининг динамикасини ҳам тасвиrlаш мумкин.


Таркибий тузилма диаграммалари ҳажмли устунлар, цилиндрлар кўринишида ҳам тасвиrlаниши мумкин. Графикда турли қисмларнинг қалинлигини кўрсатиш ҳам маълумотларнинг қиймати ҳақида янада якъол тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.


Таркибий тузилма диаграммаларининг турли кўринишлари 4.7 – 4.10 – чизмаларда кўрсатилган.

Секторли диаграмманинг қисмлари кўп бўлмаганда (4 – 5 та) ва солиширилаётган қийматлар орасидаги фарқ катта бўлганда етарли даражада кўргазмали бўлади. Бу 4.8 ва 4.9 – чизмаларда намойиш этилган. Қисмлар сони кўпайиб борган сари, секторли диаграмманинг кўргазмалииги ҳам камайиб боради (4.10 – чизмага қаранг).

4.7 – ЧИЗМА

«Ширин» хусусий корхонасида 2004 йилнинг биринчи ярмида маҳсулот ишлаб чиқариш таркиби




Жүгрофий көнгілкілар бүйінчә пахта ишлаб чиқариш**Жүгрофий көнгілкілар бүйінчә пахта ишлаб чиқариш****Жүгрофий көнгілкілар бүйінчә пахта ишлаб чиқариш**

Устунли (тасмали) диаграммаларнинг афзаллиги шундаки, уларда фойдали ахборотнинг анчагина кенг ҳажмини акс эттириш мумкин.

Динамика диаграммалари. Ҳодисанинг вақт давомидаги ўзгаришини график тасвирилаш учун устунли, квадратли, доирали, чизиқли, радиал ва бошқа кўринишдаги динамика диаграммаларидан фойдаланилади. Диаграммаларнинг қайси турини танлаш асосан дастлабки маълумотларнинг хусусиятлари ва тадқиқот мақсадларига боғлиқдир. Масалан, агар вақт бўйича бир неча погонали динамик қатор берилган бўлса, асосан устунли, квадратли ёки доирали диаграммалар қўлланилади. Улар яхши қабул қилинади, тушунишга ва эслаб қолишга қулай бўлса – да, кўп погонали маълумотларни кўрсатишга тўғри келмайди, чунки диаграмманинг ўлчами жуда катталашив кетади. Динамик қатордаги погоналар сони кўп бўлга ҳолларда чизиқли диаграммалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, улар ёрдамида ҳодисанинг вақт мобайнидаги ривожланишини узлуксиз синиқ чизиқ кўринишида тасвирилаш мумкин (4.11 – чизма). Бундан ташкари, агар тадқиқотнинг мақсади ҳодисанинг вақт мобайнидаги ривожланиш характеристи ва умумий тенденциясини тасвирилаш бўлганда; битта графикда бир неча динамик қаторларни акс эттириб, уларни тақдослаш талаб қилинганда; қийматларни эмас, балки ўсиш суръатларини тақдослаш керак бўлганда ҳам чизиқли диаграммалардан фойдаланган маъқул.

4.11 – ЧИЗМА

«ИКАР» компаниясида маҳсулот экспорти динамикаси, млн. сўм



Чизиқли графикларни чизиш учун тўғри бурчакли координаталар тизимидан фойдаланилади. Одатда абсциссалар ўқига вақт (йиллар, ойлар ва ҳоказо), ординаталар ўқига эса тасвиrlанаётган ҳодиса ёки жараёнларнинг қийматлари қўйилади. Ординаталар ўқига миқёс берилади. Уларни танлашга алоҳида эътибор бериш лозим, чунки графикнинг умумий қўриниши шунга боғлиқдир.

Координата ўқлари орасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлаш зарур, акс ҳолда ҳодисанинг ривожланиш динамикаси нотўғри тасвиrlанади. Масалан, агар 'абсциссалар ўқининг миқёси ординаталар ўқининг миқёсига нисбатан узунроқ бўлса, динамикадаги тебранишларни бир—биридан ажратиш қийинлашади, акс ҳолда эса бу тебранишлар ҳаддан ташқари кескинлашиб кетади. Вақт ва қийматларнинг тенг қисмларига миқёс шкаласи қисмларининг тенг қисмлари мос келиши керак.

Статистика амалиётида график тасвиrlарда кўпинча тенг ўлчамли шкалалардан фойдаланилади. Бирлик деб қабул қилинган қисм бир текис шкаланинг миқёси деб олинади.

Кўпинча битта чизиқли графикда бир неча эгри чизиқлар келтирилади, улар айни бир кўрсаткич ёки турли кўрсаткичларнинг динамикасини таққослаш имконини беради. Аммо бир графикда уч—тўрттадан кўп эгри чизиқ бўлмаслиги лозим, чунки уларнинг кўп бўлиши муқаррар равишда чизмани мураккаблаштириб юборади ва чизиқли диаграмма ўз афзаллигини, кўргазмалигини йўқотади.

Чизиқли шкалали диаграммаларнинг бир камчилиги бор: бир текис шкала диаграммада акс эттирилган абсолют қўшимча ўсиш ёки камайиш ўрганилаётган давр мобайнидаги ўзгаришинигина ўлчаш ва таққослаш имконини беради. Аммо динамикани ўрганишда ўрганилаётган кўрсаткичларнинг эришилган даражага нисбатан нисбий ўзгаришлари ёки уларнинг ўзгариш суръатларини ҳам билиш муҳимдир. Айнан динамика иктисадий кўрсаткичларнинг нисбий ўзгариши бир текис тикка шкала орқали тасвиrlангандан тўғри акс этмайди. Бундан ташқари, оддий координаталарда даражалари кескин ўзгарадиган динамик қаторларни кўрсатиб бериш жуда қийинлашади ёки ҳатто баъзан мумкин ҳам бўлмай қолади.

Динамикани радиал диаграммалар ёрдамида ҳам тасвиrlаш мумкин бўлиб, улар қутбий координаталар ёрдамида ясалади ва вақт мобайнида даврий такрорланиб турадиган жараёнларни тасвиflашда қўлланилади. Кўпинча бу диаграммалар мавсумий ўзгаришларни тасвиrlашда қўлланилади.

Радиал диаграммалар тұташ ва спирал шаклларда бўлади. Улар фақат ясаш техникаси билангина фарқланади, яъни бир

ҳолатда саноқ тизими сифатида доиранинг маркази, бошқасида айлана олиниши мумкин.

Шунингдек, динамик ўзгариши тасвирилаш учун *микдорларнинг маҳсус тақсимот диаграммалари* (*радар-диаграмма, тақсимот полигони, тақсимот гистограммаси, кумулята ва огива, концентрация эгри чизиги* (Лоренц эгри чизиги))дан фойдаланишади.

Статистик хариталар. Бу хариталар статистик маълумотларни схематик жуғрофий харитада тасвирилашнинг бир кўриниши бўлиб, бирор ҳодисанинг маълум бир ҳудудда тарқалиш даражасини акс эттиради. Бунда тасвирий восита сифатида штрихлаш, бўяш ёки геометрик шакллар хизмат қиласи.

Статистик хариталарнинг **харитограмма** ва харитодиаграмма каби турлари бор.

Харитограммалар схематик жуғрофий харита бўлиб, унда турли тасвирий воситалар (штрихлаш, нуқталаш ёки бўяш) ёрдамида бирор кўрсаткичнинг харитадаги ҳудудий қисмнинг ҳар бир бирлиги чегарасидаги нисбий интенсивлиги акс эттирилади.

Харитограммалар рангли ва нуқтали бўлади.

Рангли (штрихли) **харитограмма** маълум даражада бойитилган бўяш (турли қалинликдаги штрихлар) ёрдамида ҳудудий бирлик чегарасидаги бирор кўрсаткичнинг интенсивлиги акс эттирилади.

Нуқтали **харитограмма** эса олинган ҳодисанинг қиймати нуқталар ёрдамида акс эттирилади. Ҳар бир нуқта бир ёки бир неча бирликни билдиради ва жуғрофий харитада маълум бир белгининг зичлигини ёки кўплигини кўрсатади.

Харитодиаграмма – диаграммаларнинг жуғрофий харита билан бирлаштирилиши.

Харитодиаграммаларда тасвирий восита сифатида турли шакллар (устунлар, квадратлар, доиралар, шакллар, тасмалар) қўлланилади ва улар жуғрофий харитага туширилади. Харитодиаграммалар харитограммаларга қараганда янада мураккаброқ бўлган статистик-жуғрофий чизмаларни тасвирилаш имконини беради.

Уларнинг *оддий тақослаш харитодиаграммалари, маконда силжиш графиклари ва изочизиқлар* каби турлари бор.

Оддий тақослаш харитограммасига оддий диаграммадан фарқли равишда ўрганилаётган кўрсаткичнинг қийматини кўрсатувчи диаграмма шакллари бир қаторга эмас, балки бутун харита бўйлаб тегишли ҳудуд, вилоят ёки мамлакат устига жойлаштирилади.

Изочизиқ – бирор белгининг teng қийматларини билдирувчи

чизиқлар бўлиб, улар маълум бир қийматнинг бирор юза, хусусан жуғрофий ҳарита ёки график устида тақсимланишини кўрсатади. Изочизиқлар ўрганилаётган белгининг бошқа иккита ўзгарувчи боғлиқ равишда узлуксиз ўзгаришини кўрсатади. Табиий ва ижтимоий – иқтисодий ҳодисаларни ҳаритографиялаша қўлланилади.

Изочизиқлар ўрганилаётган белгиларнинг миқдорий тавсифларини олиш ва улар ўртасидаги корреляция боғлиқликларини таҳлил қилиш учун фойдаланилади.

Графикларнинг биз кўриб чиққандан ташқари бошқа яна кўплаб турлари бор. Зарур бўлган ҳолларда китобхон махсус адабиётлар ва манбаларга мурожаат қилиши мумкин. Ҳозир ана шу манбалар устида бироз тўхталиб ўтамиз.

Аввалдан айтиб ўтиш керакки, муаллифлар аксарият ҳолларда диаграммаларнинг турли кўринишларини осонлик билан тузиш учун Microsoft Graph воситасидан фойдалансалар кифоя қиласди.

Бир қатор иқтисодий фанларда махсус графиклар чизишни талаб қиласдиган таҳлилий воситалардан кенг фойдаланилади. Хусусан, улар қаторига молиявий бозорларни – облигациялар бозори, фонд бозори, валюта ва пул бозорларини ўрганадиган фанларни киритиш мумкин. Табиийки, бу фанларнинг ларсликларида ҳам тегишли график материалари берилади.

Шу муносабат билан молиявий фанлар бўйича дарслик ёзувчи муаллифлар учун [19] асарда баён қилинган таҳлилий воситалар ва уларга оид графиклар билан танишиб чиқиш жуда фойдали бўлади. Бу асарда графикларнинг турли кўринишлари берилган:

- чизиқли;
- «барлар» – тикка чизиқчалар (нарх ҳаракатини тасвираш учун) кўринишидаги;
- «япон шамлари» (очилиш ва ёпилиш нархлари ўртасидаги алоқани акс эттириш учун);
- «хочлар – ноллар» (трендларни аниқлаш мақсадида ҳар қандай бозордаги нархлар ҳаракатини тасвираш учун);
- ҳажм гистограммалари (бозордаги харид ва савдо ҳажмини тасвираш учун);
- графикларни таҳлил қилиш билан боғлиқ график тасвиrlар (тренд чизиқлари, давом этиш; айланиш, узилиш моделлари ва ҳоказо);
- қўшимча график – индикаторлар (нисбий куч индекси, стохастик осцилляторлар, силжувчи ўртачаларнинг яқинлашуви/узоқлашуви) ва ҳоказо.

Уларни ясаш ва улардан фойдаланиш усуллари кўргазмали мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.

Шунингдек, тасвирий восита сифатида фойдаланишга оид батафсил маълумотларни қўйидаги манбадан топиш мумкин: Салин В.Н., Калашникова М.И. Графические изображения статистических данных: Электронный учебник / Финансовая академия при правительстве РФ.-2001 г.- www.fa.ru/.

Ушбу электрон дарслик график тасвиirlар, статистик кўрсаткичларни баён қилишнинг график усуллари, молиявий статистика маълумотларини график тасвирлаш усулларидан фойдаланишнинг қисқача тарихий шарҳи, мустақил ишлар бўйича топшириқлар, «Молиявий статистика» дарслигидан олинган маълумотлар асосида графиклар ясаш бўйича машқлар, мавзуу бўйича тест синовлари ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Графиклар ясащадаги қийинчиликларни компьютер графикаси учун амалий дастурлар пакетларидан, масалан, «STATISTICA» дастуридан фойдаланиш орқали осонлик билан енгib ўтиш мумкин.

«STATISTICA» пакети StatSoft (АҚШ) фирмасида ишлаб чиқилган. У маълумотларни мукаммал, атрофлича таҳлил қилишга, таҳлил натижаларини эса жадвал ва графиклар кўринишида акс эттириш имконини беради. Пакет таркибига қўйидаги модуллар киради: асосий статистикалар ва жадваллар; нонараметрик статистика; кўп омилли регрессия; ночизиқли баҳолаш; даврий қаторлар ва башоратлаш; кластер таҳлил; омиллар таҳлили; каноник таҳлил; кўп ўлчамли шкалалаш; маснифлаш даражатлари; мутаносиблик таҳлили; таркибий моделлаш; ишончлилик ва позиция таҳлили; дискриминант таҳлил; логчизиқли таҳлил; гисперсия таҳлили.

«STATISTICA» пакети бевосита дастлабки маълумотлар берилган жадваллар ва натижалар жадваллари асосида графиклар ясаш бўйича улкан имкониятларга эга бўлиб, графиклар ва улар асосидаги маълумотлар таҳлили бир-бираiga узвий борланган.

«STATISTICA» тизими, унинг маълумот—ёрдам тизими ва ҳужжатлар мажмуи ҳам тўлиқ рус тилига таржима қилинган. Бу тизим ҳақидаги маълумотларни Statsoft фирмасининг интернетдаги манзилидан ҳам олиш мумкин (<http://www.statsoft.ru>).

Ўзбекистонлик муаллифлардан Ё. Абдуллаевнинг «Статистика назарияси» номли асари ҳам китобхонларимизга фойдали бўлади, деб ўйлаймиз: Абдуллаев Ё. Статистика назарияси: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 2000. – 448 б. Ушбу ўқув қўлланманинг XI боби бутунлай статистик маълумотларни

трафик тасвирилашга бағишиланган.

4.2. Жадваллар

Жадвал (лотинча *tabula* — тахта, рүйхат) — ўрганилаётган обьектлар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидағи маълумотлар ва миқдорий қийматларни оқылона ва күргазмали акс эттириш шакли. Жадвал сатрлар ва устунлардан ташкил топған бўлиб, уларнинг кесишмасида катакчалар ҳосил бўлади. Катакчаларда миқдорий маълумотлар, матнлар ва бошқа турли тасвирий элементлар бўлиши мумкин.

Одатда жадваллар миқдорий маълумотларни тартибга солиш ва акс эттириш учун фойдаланилади. Бундай ҳоллар улар статистик жадваллар деб аталади. Аммо улардан фойдаланиш имкониятлари бу билан чекланмайди. Иктиносидий адабиётларда турли кўриниш ва характеристики ўқув материалларини ўз ичига олган ҳар хил жадвалларни учратиш мумкин.

Жадваллар тузишнинг асосий қоидалари маҳсус адабиётларда багафсил баён қилиб берилган. Бу қоидаларга риоя қилган ҳолда тузилган жадваллар обьектларнинг, ўрганилаётган ижтимоий — иктиносидий жараёнлар ва ҳодисаларнинг ҳолати ва ривожланиши ҳақидағи ўқув ахборотларини тасвирилаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришнинг муҳим воситасига айланади. Айни шартда амалиётда муаллифлар ўз дарслекларини ёзишда кўпинча бу қоидаларга риоя қилмайдилар. Шу сабабдан, жадваллар тузишнинг асосий қоидаларига бироз тўхталиб, ўтиш фойдаланади. Уларни 4.12 – чизмада курсатилган жадвал мисолида кўриб чиқамиз.

4.12 – чизмада жадвалнинг асосий элементлари кўрсатилган. Уларни кетма – кет кўриб чиқамиз.

Жадвалнинг сарлавҳаси. Жадвалнинг сарлавҳаси унинг мазмунини очиб берувчи эшик бўлиб, уни тўғри номлаш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Сарлавҳада жадвалнинг тартиб рақами ва номи берилади.

Жадвалларнинг тартиб рақамлари араб рақамларида берилади, чунки уларни ёзиш ҳам, тушуниб олиш ҳам осондир. Бундан ташқари, китобдан керакли жадвални излаб топишни осонлаштириш учун тартиб рақамларини “бобнинг тартиб рақами. Жадвалнинг бобдаги тартиб рақами” кўринишида қўйиши зарур. Масалан, «3.4 – жадвал» учинчи бобнинг тўртингичи жадвалини билдиради. Бошқа турдаги рақамлари усуллари кам учрайди. Улар қулагайлик ва осон қабул қилиш каби талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

Жадвалнинг номи қисқа бўлиб, унинг мазмунига мос келиши керак. Унда кўрилаётган ҳодиса ёки жараённинг обьекти, белгиси, вақти ва жойи акс этиши лозим.

Хар бир жадвал умумий сарлавҳага эга бўлиши шарт.

4.12—ЧИЗМА

Жадвалнинг элементлари

Жадвалнинг
сарлавҳаси



3.4
ЖАДВАЛ

Тошкент вилоятида 2001—
2002 ҳосил йилида
етиштирилган пахта
тўғрисида асосий
маълумотлар

Жадвал
боши (4 та
уст
сарлавҳали)



Туман	Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялини йигим, т
Бекобод	16700	24,3	40608
Бўка	15891	25,1	39951
Оққўргон	15130	26,8	40478
Ўрта Чирчиқ	14010	26,3	36850
Қўйи Чирчиқ	13350	25,8	34475
Пискент	9446	28,0	26482
Янгийўл	7385	27,0	19951
Чиноз	7194	27,7	19956
Юқори Чирчиқ	6900	26,7	18425
Қибрай	71	11,9	85
Занги ота	48	4,7	23
Жами	106125	26,1	277283

Жадвал
ёни (12 та
ён
сарлавҳали)

Асосий
қисм

Изоҳ



МАНБА: Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги
бирлашмаси маълумотлари

Жадвалнинг боши. Жадвалнинг бошида устунларнинг номлари (уст сарлавҳалари) ва вергулдан сўнг қисқача ўлчов бирликлари берилади. Бизнинг мисолимизда жадвал боши тўрт сарлавҳадан иборат.

Уст сарлавҳа икки ва ундан кўп погонали бўлиши мумкин,

бунда устки сатрларда күрсаткичнинг номи, кейинги сатрларда жа унинг алоҳида белгилари берилади.

Бошқа – бошқа поғоналардаги сарлавҳалар бир – биридан аниқ фарқланиб туриши керак. Уст сарлавҳаларнинг номларини, айниқса устунлар сони кўп бўлган ҳолларда имкон қадар қисқа ифодалаш керак, аммо бунда кўрсаткич ва унинг белгилари маъноси бузилмаслиги лозим. Имкон қадар сарлавҳаларнинг камроқ поғонали бўлишига ҳаракат қилиш керак.

Бошқа ҳеч қандай имкон қолмаган ҳоллардагина сарлавҳалар матнини тикка жойлаштириш мумкин. Бундай жойлашув ўқишга ноқулайдир. Шу сабабдан ҳар доим матнни бтиқ жойлаштиришга интилиш тавсия қилинади.

Асосий қисм. Жадвалнинг асосий қисми ётиқ сатрлар ва тикка устунлардан иборат бўлиб, уларнинг кесиши маси катакчаларни ҳосил қиласди. Катакчаларга у ёки бу турдаги маълумотлар: миқдорлар, матн, жумла, формуласлар, турли белги ва ҳоказолар киритилади.

Жадвалга гуруҳлаш, солиштириш, умумлаштириш талаб қилинадиган, ўрганилаётган объектларнинг функционал жиҳатларини акс эттирадиган, ўқитишида қўлланиладиган ҳаракат ва жараёнлар, усул ва услубларни изоҳлайдиган материалларни, яъни мавзуй ва тизимлаштирилган маълумотлар «мағизини» киритиш лозим.

Жадвалга киритилаёттан маълумот ўрганилаёттан ижтимоий – иқтисодий ҳодисани бевосита акс эттириши ҳамда ихчам бўлиши керак. Бунинг учун эса жадвални услугбий ва таркибий жиҳатдан пухта ўйлаб тузиш керак бўлади.

Жадвалнинг таркибий тузилмаси унинг имкон қадар самарали бўлишини таъминлаши лозим. Бошқаларга қараганда алоҳида, фарқли ахборот берувчи маълумотлар ажратиб кўрсатилади. Катта ва қабул қилиш қийин бўлган ўқув материалларини қисмларга ажратиш уни эслаб қолиш ва ўзлаштиришни осонлаштиради. Агар маълумотлар ўхшаш ёки уларнинг мазмуни бир – бирига жуда яқин бўлса, уларни бир хил шакл, ранг, ўлчам ёрдамида ёки ромкага олиш орқали бирлаштириш мумкин. Жадвалнинг таркибий тузилмасини тузишда ана шундай мустақил қисмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни албаттга аниқ кўрсатиш лозим. Жадвалларни тартиблашда маълумотларни бутун жадвалнинг майдони бўйлаб бир текис тақсимлаш тавсия қилинади. Бўш жойлар умуман бўлмаслиги, бўлса ҳам, кўп жой олмаслиги керак. Жадвалдаги маълумотлар унинг ўлчамига мос ва мутаносиб бўлиши лозим. Агар жадвалдаги маълумотлар жуда кўп бўлса, уларни мазмунига қараб гуруҳлаш керак. Жадвалда фақат ёрдамчи маълумотлар

берилиб, уни тезкор тұлық үрганиб, үзлаштириб олиш асосий мақсад бұлмаса, яғни жадвалдаги маълумотлар аста—секин, босқичма—босқич үрганиладиган бұлса, маълумотлар сони күп бұлиши мүмкін.

Хар бир катақчадаги жұмалар тугал маъноңи англатиши ва алоҳида мазмунга эга бұлиши керак. Уларнинг мазмунни бошқа катақчалардаги қолган маълумотлар ўқылмаганды ҳам тушунарлы бұлиши керак.

Устунларда келтирилгандай маълумотлардан муаллиф акс эттиromoқчи бұлған боғлиқликлар келиб чиқиши лозим. Жадвал ҳам үз моҳиятига күра тугал бир гап бұлған, уннинг ҳам эгаси ва кесими бор. Одатда жадвалдаги эга — ундаги асосий предмет — күрсаткич бұлған, жадвалнинг асосий мақсади уннинг боғлиқлигини тұла акс эттириштір. У күпроқ жадвалнинг ён томонида жойлаштырылады. Шунда қолган устунлар шу гапнинг кесими бұлғады. Бунинг акси ҳам бұлиши, яғни бошида эга, ён томонда эса кесим жойлашиши мүмкін. Биз күриб чиқаёттанды мисол шу иккінчи варианта түғри келади.

Китобхон таҳлил давомида таққослаб күриши керак бұлған маълумотларни құшни устунларга (ёки бир—бірнинг устига) жойлаштыриш мақсадға мувофиқдір. Бу таққослашни осонлаштыради.

Жадвалдаги рақамларни үқиши ва таққосланы қулай бұлиши учун катақчаларнинг үртасида жойлаштыриш, уларни қатый бир хилда текислаш лозим, биғликлар бирликларнинг тагида, вергүл вергулнинг тагида бұлиши шарт. Сонларни бир хил аниқликда яхлитлаш (бутун сонгача, ўнлик касргача ва ҳоказо) ҳам жадвалдан фойдаланишини осонлаштыради.

Агар бирор катақда ҳеч нараса ёзилмаса, яғни бу катақ түлдирилмаса, унга * (юлдузча), дастлабки маълумотлар ийқ бұлса — ... (уч нұқта), ҳодиса умуман содир бұлмаган бұлса «—» чизиқча қўйилади.

Жадвалнинг устунлари ва сатрларидаги ахборотнинг жойлашиши тартиби муаллифнинг фикри ва материални баён қилиш тартиби билан белгиланади. Маълумотларнинг бетартиб жойлашиши уни қабул қилишнинг қулайлигини камайтириб юборади. Бизнинг мисолимизде жадвал сатрлари туманлар бўйича экин майдонларининг камайиб бориш тартибида сараланган. Бу ҳолда қайси туманлар катта майдонга эга бұлған ҳолда майдони кичик бұлған туманларга нисбатан камроқ яли ҳосил олганлигини осонлик билан сезиш мүмкін. Хусусан, бу боғлиқликни Бўка ва Оққўргон туманларида кузатиш мүмкін. Шунингдек, агар сатрлар ҳосилдорлик күрсаткичининг камайиши бўйича сараланганда, етакчи ва қолоқ туманлар аниқ билиниб

туриши мумкин. Хуллас, сатрлар ва устунларни қай тарзда саралаш варианти баён қилинаёттган асосий матнининг мазмунига қараб танланади.

Изоҳ. Изоҳ жадвал юзасидан умумий қўшимча ахборот киритиш учун қўлланилади. Уни жадвалнинг сарлавҳасидан кейин ёки жадвалнинг тагида бериш мумкин.

Агар изоҳда бутун жадвалга тегишли маълумотлар берилса (шартли белгилар, маълумотларниң манбаларини кўрсатиш ва ҳоказо), унга «Изоҳ» деб сарлавҳа қўйиш мумкин.

Бирор катақка аниқ тегишли бўлған изоҳлар эса (махсус кўрсаткич, қўлланилган услубиёт ҳақида ва ҳоказо) маҳсус сарлавҳасиз ёзилади.

Бу ҳолда тегишли катақнинг юқори ўнг бурчагига * (юлдузча) белгиси қўйилади, пастда эса изоҳнинг матни шу белгидан сўнг бошланади.

Жадвал маълумотлари осон ва қулай қабул қилинishi учун унинг асосий мазмуни, айрим қисмлари, шунингдек, эътибор бериш қийин бўлган жойдаги элементлари энг самарали воситалар билан ажратиб кўрсатилиши лозим.

Бунинг учун шрифтларнинг ўлчами ва ёзилишини тўғри ташлаш, ётиқ ва тикка ажратувчи чизиқлардан, сатрлар ва устунларни турли рангларга бўяш каби усуллардан унумли фойдаланиш керак. Жадвалларни компьютер асосида тузиш дастурлари бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради. Масалан Microsoft Office тўпламида жадваллар тузиш учун Microsoft Word ёки Microsoft Excel дастурларидан фойдаланиш мумкин. Уларда жадвалларни автомат равишда форматлаш имкониятлари бор. Бунда белгили рўйхатлар, ностандарт табуляциялар, тартиб рақамлари бўлган мураккаб жадваллар тузиш учун Word дастури қулайроқdir. Агар жадвални тузиш учун мураккаб ҳисоб – китоблар, статистик таҳлил ёки диаграммалар керак бўлса, у ҳолда Excel дастури кўл келади. Шунингдек, жадвални чизиш ва форматлаш учун PowerPoint дан фойдаланиш мумкин. Шунда бу жадвални кейинчалик тақдимот намойишига ҳам киритиш мумкин бўлади.

Microsoft Word ёрдамида жадваллар тузиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Таблица/Автоформат менюсида турли чизиқлар, ранглар, шрифтлар ва бошқа кўпгина вариантлар ёрдамида мураккаб ва оддий жадваллар тузиш учун ўнлаб андозалар берилган. Муаллифнинг вазифаси бу воситалардан ўз мақсади ва фикрини ҳисобга олган ҳолда тўғри ва унумли фойдаланиш бўлади, холос.

З – иловада бир жадвалнинг Microsoft Word воситалари ёрдамида форматлашнинг турли вариантлари кўрсатилган.

4.3. Схемалар

Иқтисодий фанларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар жисмоний обьектлар ва уларнинг таркибий қисмлари билан эмас, балки ўз табиатига кўра предмет шаклга эга бўлмаган, мавҳум, умумлашган тушунчалар (қонунлар, тамойиллар, концепциялар, назариялар, моделлар, усуллар, кўрсаткичлар ва ҳоказолар) билан иш кўради. Шунга кўра иқтисодий муаммоларни ўрганишда предметларни қиёслашда, динамикада таркибий шаклда турли схемалар ёрдамида акс эттиришдан фойдаланилади.

Улар қаторига турли ўзгарувчан миқдорларнинг ўзаро боғлиқликлари акс эттирилган графиклар ва диаграммалар билан бир қаторда, иқтисодий тизимлар ва даврий кетма – кетликлар таркибларнинг, жараёнларнинг алгоритмлари схемаларини, турли омил ва элементлар ўртасидаги сабаб – оқибат схемаларини киритиш мумкин. Бундай схемалар ўрганилаётган иқтисодий обьектлар, ҳодисалар ва жараёнларнинг можияти ҳақида яқъол тасаввур ҳосил қиласди.

Иқтисодий ўқув адабиётларида обьектлар ва жараёнларнинг таркибий қисмларини намойиш қилиш учун ташкилий, функционал, ишлаб чиқариш ва бошқа таркибларнинг схемаларидан кенг фойдаланилади. Уларни ясаш воситалари ҳам, турли схемаларни тез ва осон ясашга имкон берадиган турли дастурий воситалар ҳам етарли даражада яхши ишлаб чиқилган. Муаллифлар бундай дастурлардан *Microsoft Organization Chart* ва *Microsoft Visio* каби пакетлардан фойдаланишлари мумкин. Аммо маҳсус воситалар ҳам бор. Улардан бири устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Муҳандислик конструкцияларини тавсифловчи геометрик чизмалар каби бошқарув муаммоларини ҳал қилиш учун ҳозирги пайтда бошқарув жараёнларини акс эттиришнинг диаграмма техникасидан фойдаланилади. У қисқача IDEF деб аталади. Бу восита ёрдамида бошқарув жараёнлари кириш маълумотларини маълум бир шарт бажарилган ҳолда чиқиши маълумотларига айлантирувчи функциялар кўринишида тавсифланади. Функцияларнинг тўғри тўртбурчаклар кўринишида, чиқиши ва киришдаги ахборотларнинг стрелкалар ёрдамида тасвирланиши ҳар қандай мураккаб бошқарув жараёнини математик жиҳатдан аниқ тавсифлаш имконини беради. График тавсифлашда ахборот ва бошқарув оқимлари узилмайди ва йўқдан бор бўлмайди, оғзаки тавсифларнинг мавҳумлигига барҳам берилади.

IDEF – услубиёт функционал моделлашнинг тушунарли ва

содда график тили бўлиб, моделлаштирилаётган бутун жараённи қамраб олиб, уни «юқоридан» аста – секин батафсил муайянлаштириб беради.

IDEFдан фойдаланиш натижаси муайян жараён диаграммалардан ташкил топган график моделдан иборатдир. Диаграммалардаги барча функциялар ва ўзаро боғлиқликлар блоклар (функциялар) ва стрелкалар (ўзаро боғлиқликлар) кўринишида тасвиранади.

Блокларнинг стрелкалар билан кесиши жойлари алоқанинг турини кўрсатади. Бошқариш таъсири блокка юқоридан кириб келади, қайта ишланадиган материал ёки ахборотлар блокнинг чап томонида кўрсатилади, чиқиши натижалари эса ўнг томонида акс эттирилади. Жараённи амалга ошираёттан механизм (инсон ёки автоматлаштирилган тизим) эса блокка пастдан кириб келади (4.13 – чизма).

4.13 – ЧИЗМА

Функционал блок ва ўзаро алоқа чизиқлари



IDEF – моделдаги блоклар ва стрелкалар янада умумлашган функцияни тавсифловчи диаграммадаги бир неча кичик функциячалар ўртасидаги алоқани кўрсатиши учун ишлатилади. Бу диаграмма «эрғашган диаграмма» бўлиб, ҳар бир кичик функцияни бошқарувчи муайян таъсиirlарни ҳамда бу таъсиirlарнинг манбай ва қаерга мўлжалланганлигини кўрсатади..

IDEF – диаграммада (4.14 – чизма) З та функция (A, B ва C) ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилган. Кўриниб турибдики, В функция битта киришга ва иккита бошқарувга боғлиқ бўлиб,


битта чиқишига эга. С функция эса шу чиқишига боғлиқдир.

Бу ердаги «боғлиқлик» атамаси С функцияниң бошқа, яъни С блокка кириб келаётган В функцияниң (моддий обьектлар ёки маълумотлар) таъсири натижасидан фойдаланишини англатади.

IDEF услубиётининг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унга моделни акс эттирувчи тафсилотларнинг тобора кўпроқ поғоналарини киритиб бориш мумкин. Бунинг натижасида ахборот шундай тақдим қилинади, ҳар бир диаграммада китобхон мақбул ҳажмдаги янги ахборот билан батафсил баён қилинган кўриб чиқиши предметига эга бўлади.

4.14 – ЧИЗМА

Ўзаро боғлиқ диаграммалар



Бу ерда ўринли савол туғилади: буларнинг ҳаммаси дарсликнинг муаллифига нима учун керак?

Биринчидан, IDEF–диаграмма – ташкилотдаги жараёнларни тушуниш, ўрганиш, таҳдил қилиш ва тақомиллаштириш учун қулай восита. Диаграммалардан корхона ва ундаги айрим бўлинмалар фаолиятини ўрганиш, ўқитиш, таҳдил қилишда фойдаланиш мумкин. Бугунги кунда бизнеснинг турли соҳалари учун IDEF–диаграммаларнинг тайёр альбомлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ўқув ва дарслик ёзиш жараёнларида қўллаш мақсадда мувофиқдир.

Иккинчидан, бизнес соҳаси мутахассиси бўлган муаллиф бундай воситанинг мавжудлигидан хабардор бўлиши керак. Бу ҳар қандай иқтисодий фан бўйича дарслик ёзаётган муаллифга ҳам таалуқлидир, чунки уларнинг ҳар бири у ёки бу даражада бизнес – жараёнлар билан боғлиқдир.

Учинчидан, ушбу дастурий восита турли схемаларни юқори даражада ясашга, схемада юз берётган бизнес – жараёнларни акс эттирувчи турли матнлар ва тасвирий обьектларни жойлаштириш имконини беради. Шу сабабдан, ушбу дастурга киритилган воситалар муаллифларга турли иқтисодий жараёнларни схемада акс эттириш кўникмаларини ҳосил қилишга яқиндан ёрдам беради.

Ўқув материаллари муаллифларидан дарсликларни тайёрлашда ушбу дастурдан фойдаланишга қатъий талаб қилмаймиз, чунки бу восита айнан шу мақсад учун мўлжалланган эмас. Аммо ундаги схемалар тузища қўлланилган ёндашувлар ва қоидалар ҳар қандай чизмаларниң кўргазмалилиги ва сифатини ошириш имконини беради.

Чоп этилган кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда жараёнлар, обьектлар, тизимлар, усуллар, омиллар, кўрсаткичларниң таснифлари, уларнинг ўзаро боғлиқликлари акс этирилган кўплаб схемаларни учратиш мумкин. Уларнинг баъзиларида жузъий камчиликлар, баъзан эса жиҳдий хатоларга ҳам йўл қўйилганки, бу мавзунинг қийматини йўққа чиқаради. Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин.

Нашр қилинган иқтисодий ўқув адабиётларидағи ана шундай нуқсони схемаларни танқид қилишга бир неча саҳифа кетиши мумкин. Аммо мазкур ишда бундай мақсад қўйилмаган. Аммо, мисол тариқасида бир намунани кўриб чиқамиз (4.15 – чизма). У таҳририятда текширилган ва нуфузли нашриётлардан бирида чоп қилинган ўқув қўлланмалардан бирининг матнидан олинган. Одоб юзасидан биз бу парчанинг манбанин келтирмадик, чунки битта мисол билан чекланянимиз.

4.15 – чизмада келтирилган схема бир қараоща дарҳол салбий таассурот қолдирмайди, аммо уни ўргана бошлашимиз билан боши берк кўчага кириб қоламиз. Ундаги барча услубий ва тасвирий иоаниқликларни кўриб чиқамиз.


Сарлавҳадан бошлаймиз. Сарлавҳа изоҳ билан бирлашиб кетган, на шрифти ва на жойлашуви билан ундан ажратилмаган.

Энди схемада қабул қилинган шартли белгиларга келсак. Улар жараёнларнинг номларидаги биринчи ҳарфлардан тузилган. Уларни изоҳсиз кўриб чиқиш мумкин эмас, чунки акс ҳолда улар ҳарфларнинг бетартиб кетма – кетлигидан бошқа нарса эмас. Бундай қисқартиришни талабаларнинг шпаргалкаларида гина

учратиш мумкин. Аммо уларнинг тўлиқ номини изоҳга қараб аниқлаш ҳам қийин ва ноқулайдир, чунки схемадаги шартли белгиларнинг тартиби ва уларнинг изоҳдаги маънолари ҳам бир – бирiga мос келмайди.

4.15 – ЧИЗМА

Чоп этилган ўқув қўлланмасидан олинган мисол



10 – расм. Нархни шакллантирувчи омиллар тизими: ИИЧН – ижтимоий ишлаб чиқариш нархи; ИИЧХ – ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари; ЎФ – ўртача фойда; ПИМА – пул муомаласи аҳволи; ПХК – пулнинг харид қобилияти; ТТМ – талаб ва таклиф муносабати; Т – талаб; Т – тақлиф; Р – рақобат; НР – нархлар рақобати; НР – нархсиз рақобат; НДТБ – нархнинг давлат томонидан бошқарилиши; ТТБ – тўғридан – тўғри бошқариши; ҚБИ – қўшимча бошқариш йўллари; ТС – товар сифати; ТЮХ – товар юбориш ҳажми; СХҮМ – сотувчи ва харидорлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар; ТЮШ – товар юбориш шартлари; НТЮМБ – нархнинг товар юбориш манзилига боғлиқлиги; ЖНБ – жойларда нархни бошқариш; РМ – рақобат муносабатлари.

Схемани ўрганиб чиқиши қаердан бошлаш кераклиги ҳам номаълум. Мантиқда кўра, буни пастдан бошлаш керак эди, аммо у ҳолда бу погонадаги шартли белгиларнинг изоҳини топиш янада қийинлашади, чунки ҳар бир бўлимнинг изоҳлари уларнинг схемадаги тартибига тўғри келмайди.

Агар ўрганишни изоҳдан бошласак, қўйидагича ҳолат юзага келади.

Изоҳнинг бошидаги ИИЧН, ИИЧХ, ЎФ қисқартмалари мантиқан тўғри берилган. Улардан кейин ПМА, ПХҚ, РМ келиши керак эди. Аммо изоҳда ПМА, ПХҚ (эътибор беринг, ПХҚ эмас, ПХҚ) келган, РМ ни эса изоҳнинг энг охиридан топамиз. Бундай ноаниқлик кейинроқ ҳам учрайди. Бу эътиrozларга қўшимча қилиб шуни ҳам айтиш мумкинки, талаб ҳам, таклиф ҳам Т ҳарфи билан белгиланган.

Энди ҳеч қандай маъно англатмайдиган чизиқлар ҳақида тўхталашиб. Юқоридан иккинчи поронада бир қатор омиллар четлари эгилган чизиқлар билан бирлаштирилиб, улардан юқорига стрелкалар чиқсан. Бундай бирлаштирувчи чизиқлар нима учундир ўрта погоналарда учрамайди. Уларнинг нимани англатиши номаълум.

Стрелкалар. Аслида стрелкалар схеманинг боши ва охири кўрсатилишини кўзда тутади. Аммо бу ерда схеманинг бошланиши бор, аммо унинг охири ноаниқ. НАРХ блокидан пастга кетган стрелка бўшлиқда тутайди ва пастки бирлаштирувчи чизиқ билан тушунарсиз равишда кесишиади.

Бундай камчиликларни яна кўплаб топиш мумкин эди. Фикримизча, китобхон ҳам шундай хулосага кела бошлади. Аммо мазкур мисол ўқув материалларидаги схемаларни бундай «кроссворд – лабиринт» тамойили бўйича тасвиirlашга йўл қўйиб бўлмаслигидан далолат бермоқда.

Ўқув адабиётларида бериладиган схемалар мазмuni, кўргазмалилиги, содда ва қулавилиги билан ажralиб туриши керак. Уларнинг сўзли матндан шубҳасиз афзаллиги ҳам шундадир. Бундай сифатларга эга бўлиш учун эса ҳар элементни, ҳатто энг аҳамиятсиз бўлиб кўринган детални ҳам пухта ўйлаб, жойлаштириш керак.

4 – иловада китобхонлар учун иқтисодий ўқув адабиётларида кўп учрайдиган схемаларнинг андозаларини келтириб ўтдик. Уларни ясаш мантиқини тушуниб олиб, у ёки бу ўқув материалларини аниқ акс эттирувчи схемаларни осонлик билан ясаш мумкин бўлади.

4.4. Пиктограммалар ва матнга киритмалар

Пиктограммалар – предметлар, ҳодисалар, ҳаракатлар ва тушунчаларнинг соддалаштирилган ва умумлаштирилган график чизмалари. Улар турли фаолият соҳаларида кенг фойдаланилади. Уларга мисол тариқасида йўл ҳаракати белгилари, кийим –

кечаклардаги ички белгилар ва ҳоказоларни айтиб ўтиш мумкин. Компьютерлар ва ахборот технологиялари нашриёт соҳасига кириб келиши билан, замонавий ўқув адабиётларида пиктограммалардан ҳам кенг фойдаланила бошлади.

Ўқув матнининг айрим жойларига қўйиладиган пиктограммаларнинг сони ва турлари учунчилик кўп бўлмаса – да, улардан устамон даражада фойдаланиш ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Бунинг асосий сабаби – матнга киритилган пиктограммаларнинг сифати китобхонларнинг китобдаги ўқув материалини осон топиш, тушуниш ва ўзлаштиришларига катта таъсир қиласди.

Пиктограммаларнинг камчиликларини айтиб ўтишдан бошлаймиз. Пиктограммаларнинг аниқ ва ҳаммага тушунарли маъноси бўлмайди, уни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин. Пиктограммаларнинг маъносини аниқ тушуниб олиш учун аввал унинг нимани англишишини яхшилаб билиб олиш керак.

Маълумки, оғзаки сўзлашувда сўзлар жами фикрнинг фақат 10 – 20 фоизинигина ташкил қиласди, қолган маъно эса оҳанг, пауза, қўл ва юз ҳаракатлари билан берилади. Пиктограммалар ҳолатида оҳанг ва бошقا фикр узатиш воситаларининг вазифаларини шу пиктограмма билан боғлиқ бўлган матн бажаради.

Китобда пиктограммаларга мурожаат қилинар экан, улар маълум талабларга жавоб бериши, бир хил услугуб ва ҳажмда бўлиши зарурдир.

Пиктограммаларга қўйидаги талаблар қўйилиши мумкин:

- бир – биридан фарқ қилиши ва осон эслаб қолинадиган жиҳатлари бўлиши керак;
- уларнинг сюжети китобхон учун тушунарли бўлиши керак;
- уларни эслаб қолиш қулай бўлиши учун аниқ, чизилган бўлиши керак;
- уларда эътиборни чалғитадиган майда деталлар бўлмаслиги керак;
- улар ягона услугуда бўлиши, аммо бир – биридан яхши ажralиб туриши керак;
- улар эстетик жиҳатдан чиройли бўлиши, ижобий ҳиссиёт ўйғотиши керак.

Ўқув адабиётларда турли белгилар, пиктограммалар, шартли белгилар ва рамзлардан фойдаланиш учун турли манбалар мавжуд. Масалан, Microsoft Word да ҳам кўплаб турли белгиларни топиш мумкин. Символ менюсида китобларга киритиш мумкин бўлган маҳсус белгиларнинг катта жадвали бор.

Киритиш мумкин бўлган белгиларнинг турлари уларнинг шрифтларига қараб белгиланади. Масалан, Word дастурига киритилган *Symbol* шрифти айнан стрелкалар, маркерлар ва бошқа фан соҳасида кўп ишлатиладиган белгилардан ташкил топган. Шунингдек, *Webdings* каби фақат безаш белгилардан иборат шрифтлар ҳам бор. *Webdings* ва *Wingdings* шрифтларидан айнан пиктограммалар, белгилар ва рўйхатларнинг маркерлари сифатида ўқув матнини ёзища муваффақиятли фойдаланиш мумкин (4.16 – чизма).

4.16 – ЧИЗМА

Webdings ва Wingdings шрифтларидағи баъзи белгилар




Inspiration 6 Trial деб номланган дастурдаги расмлар ҳам шартли белгилар учун жуда қўл келади. Бу дастурдаги кўплаб расмлар каталоги турли мавзулар бўйича гурухларга ажратилган

бўлиб, улар ичида бевосита ўқитиш жараёнларига ҳам тааллуқли гурухлар ҳам бор (4.17 – чизма).

4.17 – ЧИЗМА

Inspiration 6 Trial дастуридаги баъзи белгилар



Мана шу белгилар ичидан кераклисини танлаб олиб, сўнг уларни дарсликда пиктограмма сифатида фойдаланиш мумкин.

Microsoft Wordда ҳужжатта бирор белгини киритиш қўйидагича амалга оширилади:

- курсор шу белги киритилиши керак бўлган жойга ўрнатилади;
- менюлардан *Вставка* → *Символ* → *Символы (Специальные символы)* ёки *Insert* → *Symbol* → *Symbols (Special Characters)* танланади;
- *Шрифт (Fonts)* рўйхатидан керакли шрифт танланади. Танланган белгининг каттароқ шаклини кўриш учун курсор шу белгига босилади;
- керакли белгига икки марта босилади ёки *Вставить (Insert)*, сўнг *Закрыть (Close)* тутмалари босилади.

Ўқув матнларида пиктограммалар ва турли шартлар белгилар сарлавҳачалар ва матннинг энг муҳим жойларини (айрим тушунчалар, келтирилаётган мисоллар, саволлар, машқлар ва ҳоказо) ажратиб кўрсатиш ва уларга китобхоннинг диққатини жалб қилишга хизмат қиласи.

Пиктограммалар матнда мустақил, алоҳида ҳолда ҳам, бошقا элементлар билан биргаликда киритма шаклида ҳам, жойлаштирилиши мумкин.

Муаллиф ўқув матнида қўлланилган пиктограммалар ва бошقا маҳсус киритмалар, уларнинг мазмунини ва улардан фойдаланиш қоидалари ҳақидаги услугубий изоҳларни одатда китобхоннинг бошида, кириш қисми олдидан беради.

5 – иловада чет элларда чоп этилган, кенг тан олинган дарслекларнинг мазмунини таҳдил қилиш асосида матнга қўшиладиган киритмалар мисоллари келтирилган.

5—боб. ҚҮЛЁЗМАНИНГ ЭЛЕКТРОН НУСХАСИ

5.1. Қүлёзмани Microsoft Wordда тайёрлаш

Бугунги кунда . ўқув материалларининг муаллифлари қўлёзмалар матнини асосан компьютерда тайёрлайдилар ва уларни нашриётларга электрон шаклда юборадилар. Бунда муаллифлар электрон нусхаларни тайёрлаш ва безатишга оид тегишили нашриёт томонидан белгиланган қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Қуйида қўлёзмани муаллифлар томонидан Microsoft Word дастурида тайёрлашнинг бир вариантини кўриб чиқамиз. Бу ерда кўрсатилган матнни форматлаш қоидаларини ўзлаштириб олиш муаллифга Microsoft Word дастуридан самарали фойдаланишга, электрон матнлар билан ишлашнинг барча афзалликлари ва қулагилларида тўла танишиш ва кейинчалик бу қоидаларга қўшимчалар киритишга ҳам имкон беради.

Қўлёзманинг электрон нусхаси ва унга илова қилинадиган жадваллар, чизмалар ва бошқа қўшимчаларни қўйидаги ахборот ташувчи воситаларда тайёрлаш мумкин:

- оддий дискеталарда (1,44 Mb ҳажмли 3,5" флоппи – дисклар);
- ZIP – дискеталарда (100 Mb ҳажмли 3,5" Iomega ZIP дисклар);
- лазер (компакт) дискларда (CD – ROM, CD – RW ва ҳоказо).

Агар дискета ёки дисклар бир нечта бўлса, қўлёзманинг улардаги жойлашишига кўра рақамлаб қўйиш керак.

Агар ташувчиларда қўлёзмага тегишили бўлмаган бошқа файллар ҳам бўлса, у ҳолда қўлёзманинг жойлашган жойини аниқ кўрсатиш зарур. Аммо бундай ҳолларга йўл қўймаслик ва бегоналарда бошқа маълумотларга нисбатан қизиқиш уйғотмаслик лозим.


Шунга ҳам эътибор бериш керакки, электрон вариант билан қоғоздаги нусха ўргасида ҳеч қандай фарқ бўлмаслиги лозим.

Матн Microsoft Wordнинг охирги версияларидан бирида терилган бўлиши керак. Формулаларни териш учун эса Microsoft


Word таркибига кирувчи Microsoft Equation 3.0 дастуридан фойдаланиш керак.

Кўлъеманинг электрон нусхасида ҳошиялар қуидаги кўрсаткичларига риоя қилиш лозим (*Файл* → *Параметры страницы* ёки *File* → *Page setup*):

- бет рақами пастда бўлса



- бет рақами тепада бўлса




Қоғознинг ўлчами. Қоғознинг ўлчами A4 (21x29,7), саҳифа тик (Книжная ёки Portrait) йўналган бўлиши керак (йирик жадвал ва чизмалардан ташқари).


Бундан ташқари, бўғинлар автоматик равишда кўчирилиши лозим: (*Сервис* → *Язык* → *Расстановка переносов* → *Автоматическая ёки Tools* → *Language* → *Hyphenation* → *Automatic hyphenate document*).

Шрифтлар. Шрифт бўйича кўрсаткичлар қўйидагича бўлиши керак (*Формат* → *Шрифт ёки Format* → *Font*):


— «Шрифт» бўлими. Ўзбекча шрифтлардан бири, масалан *BalticaUzbek* ўрнатилади. Шрифтнинг ўлчами (кегль) — 14 (йирик жадвалларда 13 ёки 12 бўлиши мумкин):



— «Интервал» бўлими:



— «Анимация» бўлими:



Матнин терилдида қуидаги қоидаларга риоя қилинади:


- хат бошилар бир—биридан битта хат боши сўнгги маркери билан ажратилиши керак, бу белгидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас;
- хат боши ичидағи барча сўзлар фақат битта оралиқ билан

ажратиласы;


- тиниш белгиларидан олдин оралиқ қўйилмайди, тиниш белгисидан кейин эса битта оралиқ қолдирилади;
- фамилия ва исми – шарифлар ўртасида, қисқартмалар олдидан ва баъзи бошқа ҳолларда ажралмас оралиқ қўйилади: (*Ctrl+Shift+пробел*) (2005_йил, A._Навоий);
- матнни теришда узун чизиқча (—) (*Alt+Ctrl+Num-*), қисқа чизиқча (-) (*Ctrl+Num-*) ва дефисни (-) адаштириб юбормаслик керак. Диапазонларни ёзишда икки томондан ажралмас оралиқ қўйилган қисқа тире (35–40), узун тиредан олдин ва кейин ҳам ажралмас оралиқлар қўйилади: (“мактаб — бу...”);
- матнни боблар, бўлимлар ва шу кабиларга ажратишида автоматик рақамлашдан (автоматик рўйхатлардан) фойдаланмаслик керак. Рақамлар қўлда терилиши лозим, сатр охирида эса тиниш белгиси қўйилмаслиги керак, масалан “5.1. Кўлёзмани Microsoft Wordga тайёрлаш”;
- айрим сўзларга эътиборни жалб қилиш мақсадида курсив, яримқалин форматлардан ёки БОШ ҲАРФЛАРдан фойдаланиш мумкин бўлиб, Microsoft Word да бунинг учун кенг имкониятлар бор. Шунингдек, шрифтнинг тагига чизилиши, ўлчами, силжиши ёки ҳаракатланишидан ҳам фойдаланилмайди.

Оддий матн хат бошиси қўйидагича форматланиши керак (*Формат → Абзац ёки Format → Paragraph*):

- «Отступы и интервалы» бўлими:



— «Положение на странице» бўлими:



Боблар, бўлимлар ва параграфларнинг тартиб рақамлари юйлётманинг тузилишини акс эттириши керак. Ишнинг ҳажми қанчалик катта ва унинг тузилиши қанчалик мураккаб бўлса, одатда тартиб рақамлари ҳам шунчалик кўп поғонали бўлади.

Ўқув ва ўқув – услубий адабиётларда кўп поғонали рақамлашдан фойдаланиш тавсия этилади. Йложи бўлса, сўнгги поғонадаги рақамлар сони учтадан ошмаслиги керак.

Сарлавҳаларни шрифтлар ёрдамида ажратиб кўрсатиш поғоналарнинг мантиқий иерархиясини осон ажратиб олишга ёрдам беради. Қўйлётмаларни компьютерда тайёрлаш матнини турли (фикрий, мантиқий, ёрдамчи ва таркибий) хилда ажратиб кўрсатиш имконини беради, аммо қўйлётмада (матн ичидағи рукилар, мантиқий кучайтиришлар, атамаларга тегишли ва бошқа ажратмаларда) бундай ажратишларнинг ягона тизимига риоя қилиш лозим.

Алоҳида сатрга чиқарилган сарлавҳалар охирида нуқта қўйилмайди (агар сарлавҳа бир неча гапдан иборат бўлса, у ҳолда сўнгги гап охирида нуқта қўйилмайди), сўзлар бўгинга кўчирилмайди, қўшимчча ва боғловчилар ўзи боғланган сўздан бошқа сатрга кўчирилмайди, шунингдек қисқартмалардан ҳам фойдаланилмайди. Сарлавҳани маъно жиҳатдан бўлишга тўгри келган ҳолларда сатрни ажратиш (*Shift+Enter*) белгисидан фойдаланилади.

Саҳифа бошида келмаган ҳар қандай сарлавҳа олдидан ва ундан кейин камида 2–3 сатр матн бўлиши керак, сарлавҳанинг

ўзи эса матн қаторининг узунлигидан кичикроқ форматда терилади.

Биринчи погона сарлавҳаларининг кўрсаткичлари:

BalticaUzbek, 16 пт, все прописные, полужирный, по центру, перед 12, после 6, первая строка: нет, запрет висячих строк, не отрывать от следующего, не разрывать абзац, запретить расстановку переносов.

Иккинчи погона сарлавҳаларининг кўрсаткичлари:

BalticaUzbek, 16 пт, полужирный, по центру, перед 8, после 4, первая строка: нет, запрет висячих строк, не отрывать от следующего, не разрывать абзац, запретить расстановку переносов.

Учинчи погона сарлавҳаларининг кўрсаткичлари:

BalticaUzbek, 14 пт, полужирный курсив, по левому краю, перед 6, после 3, первая строка: отступ 1,25 см, запрет висячих строк, не отрывать от следующего, не разрывать абзац, запретить расстановку переносов.

Ўқув адабиётларида жадвалларни безатишда ҳам бир хил услубни сақлаш лозим. Жадвалларни теришда уларнинг кенглиги нашр матннинг кенглигига мос келишига риоя қилиш лозим.

Матнда жадвалга айнан шу жадвал маълумотлари билан тўлдириладиган, қўшимча қилинадиган, тасдиқланадиган ёки намойиш қилинадиган фикр ифодаланган жойдан ҳавола қилиш лозим. Матнда жадвалга ҳавола қилиш шарт.

Матндан жадвалга ҳавола № белгисисиз ёзилади, масалан: 9-жадвал.

Жадваллар матнда уларга ҳавола қилинган хат бошилардан бевосита кейин жойлаштирилади, улар шу параграф ёки бўлимнинг ичида, яъни кейинги сарлавҳадан олдин, аммо бевосита унинг олдида бўлмаслиги шарт, яъни жадвал икки – уч қатор матн билан ёпилиши керак. Жадвалларни ҳавола қилинган саҳифадан кейинги саҳифага чиқариш мумкин.

«Қўйидаги жадвалда» деган сўзлардан кейин келган сарлавҳасиз жадваллар бевосита шу ҳаволадан кейин жойлаштирилади. Аммо бундай жадвалларнинг бўлмаслигига ҳаракат қилиш лозим.

Кўндаланг («ётма») жадвалларда (нашр соат мили бўйича 90 даражага бурилганда) сарлавҳа чапга қараган бўлиши керак.

Рақамланган сарлавҳа қўйидагича форматланади: «Жадвал» сўзи ва унинг араб ҳарфларида ёзилган тартиб рақами олдига № белгиси, сўз охирига нуқта қўйилмайди, мавзу сарлавҳаси билан бир қаторда, курсив ёки қалин қилиб белгиланади, чап томонга текисланади.

Жадвалнинг янги саҳифадаги давоми устидан

1.2-жадвалнинг давоми (агар жадвал шу саҳифада тутгаса) ёки 1.2-жадвалнинг охри (агар жадвал шу саҳифада тутгаса) каби сарлавҳа қўйилади.


Агар жадвал бир саҳифага сизмаса ва бошқа ёки бир неча саҳифаларда давом этса, унинг бош қисми ҳар бир саҳифада тақрорланиши керак.

Формулалар бутун нашр ичида бир хил услубда терилади, уларнинг шрифтлари, белгилари, безатилиши, индекслар ва чизиқларнинг қўлланилиши бир хил бўлади.

Бир сатрлик математик формулалар, математик фомулаларнинг асосий сатрлари уларга тааллуқли матн билан бир хил ўлчам ва ёзилишдаги шрифтларда терилади.

Формулаларни асосан марказга текислаш тавсия қилинади.

Формулалар қўйидагича форматланади: *BalticaUzbek, Symbol*. Формулаларни теришда шрифтларнинг ўлчами қўйидагича бўлади:



Формула ёзиш дастурида белгиларни териш учун «Стиль» ва «Размер» менюларининг фақат асосий қўрсаткичларидан фойдаланилди, бошқаларидан фойдаланилмайди.

Формулалардаги қавсларнинг баландлиги уларнинг ичидағи ифодани тўлиқ қамраб оладиган даражада бўлиши керак.

Формулалар кейинги қаторга кўчирилганда биринчи навбатда аломат ва ишораларда ($=$, $<$, $>$ ва бошқалар), иккинчи навбатда кўп нуқталарда (...), қўшиш (+) ва айриш (-) белгиларида ва ниҳоят кўпайтириш белгисида (\times) кўчирилади. Сатрни бўлиш алматида тутатиб, кўчириш мумкин эмас.

Формулани кейинги сатрда кўчиришдаги математик белги албатта иккинчи қаторнинг бошланишида тақрорланиши шарт.

Формулаларни кейинги сатрга кўчиришда индекс ва даражада қўрсаткичларини уларга тааллуқли белгилардан ажратиш мумкин эмас. Шунингдек, интеграл, логарифм, сумма, кўпайтириш белгилари остидаги ифодаларни шу белгиларнинг ўзидан

ажратиш ҳам мумкин эмас

Алоҳида аҳамиятга эга бўлмаган ва унча катта бўлмаган формулалар матн сатрлари ичига терилади. Энг муҳим формулалар, барча рақамланган формулалар, шунингдек сумма, кўпайтириш ва ҳоказо белгилари бўлган узун ва жуда катта формулалар алоҳида сатрга терилади. Матнда ҳавола қилинадиган барча муҳим формулалар рақамланиши лозим.

Формуланинг тартиб рақами юмaloқ қавсларга олиниади ва табуляция ёрдамида ўнг томонга текисланади, формула кейинги сатрга кўчириб ўтказилганда эса сўнгти сатрнинг тўғрисида бўлади. Бир гуруҳни ташкил қиласидиган бир неча кичик формулалар бир сатрга терилиб, битта рақам билан бирлаштирилади.

Бир неча сатрда жойлашган формулалар гуруҳини рақамлаш учун бу гуруҳнинг ўнг томонига баландлиги бутун гуруҳни қамраб оладиган катта қавс қўйилиб, унинг учига ўнг томондан формуланинг тартиб рақами ёзилади. Агар формула касрли бўлса, унинг тартиб рақами каср чизигининг тўғрисида ёзилади.

Бирин – кетин келган ва матн билан ажратилмаган формулалар бир – биридан вергул ёки вергулли нуқта билан ажратилади. Бу тиниш белгилари формуладан бевосита кейин уларнинг тартиб рақамидан олдин қўйилади.

Формуладаги ҳарфли белгиларнинг изоҳлари уларнинг формуладаги жойлашиш кетма – кетлигига мос бўлиши керак. Формуладан кейин вергул қўйилади, сўнгра янги сатрдан чаپдан жой тацламай туриб, “бу ерга” (икки нуқтасиз) деган сўз ёзилади, сўнгра биринчи катталикнинг белгиси, ундан сўнг тире ёзилиб, кейин шу катталикнинг изоҳи ва вергулдан кейин унинг ўлчов бирлиги ёзилади. Барча элементлар бир сатрда жойлашади. Ҳар бир элементнинг сўнгидаги вергулли нуқта қўйилади, охирги элементдан кейин эса нуқта қўйилади.

Қўлёзмаларнинг компьютер нусхасида макетта жойлаштириладиган суратлар камида 300 дрі аниқлиқдаги *.TIF (*.TIFF) форматида тайёрланади. Суратларни *.PCX, *.EPS, *.CDR форматлари ҳам ишлатилиши мумкин. Бошқа форматлардан фойдаланилмайди.

Ҳар бир сурат алоҳида файл бўлиши, файлларнинг номи эса чизманинг матндан тартиб рақамига тўғри келиши керак (масалан, 2_13.tif).

Суратни имкон қадар унга тегишли матнга яқинроқ жойлаштириш керак. Суратга ҳавола эса унга тегишли изоҳ берилган жойда ёзилади. Жадвалга қилинган ҳавола каби, суратларга қилинган ҳаволалар ҳам № белгисисиз ёзилади,

масалан: 2.6—расм. Агар тартиб рақами бўлмаса, тўғридан – тўғри қўйидагича ёзилади: “расмдан кўриниб турибдики, ...”.

Суратларнинг устига ёзиладиган изоҳли ёзувлар ҳар бир нашр учун бир хил услуб ва форматда бўлишига риоя қилиш лозим (агар расм бутун нацрда битта бўлса, унга тартиб рақами қўйилмайди, ҳаволада ҳам унинг тартиб рақами ёзилмайди, суратнинг устига ҳам ҳеч нарса ёзилмайди).

Суратларнинг ёзуви ҳам имкон қадар жадвалларнинг номи каби суратнинг тепасида бўлиши керак.

Агар ҳужжат саҳифаларидан бир нечтаси ётиқ бўлса, тик ва ётиқ саҳифалар ўргасида ҳар сафар бўлим чегараси қўйилиши лозим: (*Вставка* → *Разрыв* → *Новый раздел со следующей страницы* ёки *Insert* → *Break* → *New page*). Шунда ҳар бир бўлим учун саҳифанинг жойлашишини исталган ҳолда ўзгартириш мумкин.

Агар бирор сабабга кўра саҳифадаги матнни тўхтатиб, янги саҳифа бошлиш керак бўлса, саҳифа чегараси қўйилади: (*Вставка* → *Разрыв* → *Начать новую страницу* ёки *Insert* → *Break* → *Page break* ёки *Ctrl+Enter*) ёки янги саҳифадан бошланиши керак бўлган хат бошига «*C новой страницы*» ёки «*Page break before*» кўрсаткичи қўйилади: (*Формат* → *Абзац...* ёки *Format* → *Paragraph...*).

Агар сарлавҳалар маънога кўра бўлинниб, кейинги сатрга ўтказилса ёки сатрни ҳошияга етмай туриб узиш керак бўлса, сатр охри (*Shift+Enter*) қўйилади.

Қўйида матнни форматлашда рухсат этилмайдиган баъзи амалларни келтириб ўтамиз:

- бирин – кетин иккита ва ундан кўп оралиқ қўйиш (масалан, сарлавҳани оралиқлар ёрдамида марказлаш);
- бўш сатрлар (масалан, хат боши олдидағи интервални *Enter* тутгаси орқали қўйиш);
- дефис ёрдамида мажбурий бўгин кўчириш. Бўгин кўчириш автоматик равишда бўлиши керак, мажбурий бўгин кўчириш эса фақатгина жадвалларда ва бошқа мураккаб вазиятларда рухсат этилади.

5.2. Нашриёт дастурлари ва тизимлари

Бугунги кунда ўқув адабиётлари музаллифлари ўз қўлёзмаларини асосан Word дастурида тайёрламоқдалар. Мураккаб нашрларни тайёрлашда улар баъзи қийинчилликларга ауч келмоқдалар, бу қийинчилликларни бартараф этишда эса маҳсус дастур ва тизимлардан фойдаланиш мумкин. Бундай дастурий воситаларнинг баъзиларида Wordдаги каби ишлаш ва

ўрганиш жуда осон бўлиб, бошқаларини эса ўрганиш бироз меҳнат ва вақт талаб қиласди. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Microsoft Publisher. Бу кичик нашриёт тизими бўлиб, ўз маркетинг материалларини ва бизнес—нашрларини устамон дизайннерларни жалб қилмаган ҳолда юқори сифат даражасида хоҳлаган фойдаланувчилар учун чоп этиш мўлжалланган. У дизайн соҳасида катта тажрибага эга бўлмаган кишиларга устамон даражада безатилган нашрлар тайёрлаш имконини беради. Бунга маҳсус дастурлар технологиялари ёрдамида эришилади. Фойдаланувчилар безатиш андозлари ёрдамида юқори сифатли бюллетенлар, эълонлар, буклетлар, веб—саҳифалар ва бошқа материалларни тайёрлашлари мумкин.

Publisher таркибиға бизнес—нашрлар, шу жумладан бюллетенлар, буклетлар, почта карталари, веб—саҳифалар ва каталоглар тайёрлаш учун 8500 дан ортиқ андозалар киради. Бу андозалар дизайн соҳасида тажрибаси бўлмаган оддий фойдаланувчига материалларни безатишда бир хил услубни сақлашга имкон беради.

Шунингдек, Publisher тўпламида 200 дан ортиқ шрифтлар, минглаб расмлар, фотосуратлар, безатиш элементлари, Web учун турли товушлар ҳам бор. Маҳсус дастурлар моделидан материалларни нашрга тайёрлаш жараёнининг исталган босқичида ҳам фойдаланавериш мумкин.

Publisher якунланган нашриёт тизими бўлиб, унинг ёрдамида тиражни босмахонада ҳам, компютерга уланган оддий принтерда ҳам чиқариш мумкин. Microsoft Office оиласига кирувчи Publisher ҳам бу тўпламга хос бўлган қулийлик, таниш интерфейс, бошқа дастурлар билан узвий борлиқлик каби барча афзалликларга эгадир.

Publisherдаги маҳсус дастурлар фойдаланувчига қадам—бақадам маслаҳат бериб бориб, керакли нашрни тайёрлаш жараёнининг бошидан охиригача ҳамроҳ бўлади. Улар ёрдамида ишнинг дизайнни, ўлчами ва ранг шаклларини исталган пайтда ўзгартириш мумкин. Бундан ташқари, Publisher ҳар бир нашрга «ингелектуал» обьектлар киритиш орқали дизайннерлик вазифаларини охиригача автоматлаштиришни таъминлади. Масалан, маҳсус дастур фойдаланувчига бадий сарлавҳани безатишнинг қўшимча вариантларини таклиф қиласди.

